

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT UNIVYERSITETI

Ro'yxatga olindi

«TASDIQLAYMAN»

O'quv ishlari bo'yicha prorektor

№ _____

prof. N.B.Eshqobilov _____

2014 y « ____ » _____

« ____ » _____ 2014 yil

" MARKAZIY OSIYO ARXELOGIYASI "

MA'RUZALAR MATNI

SAMARQAND 2014

Tuzuvchi:

Umarov A.Sh- SamDU, «Arxeologiya» kafedrası o'qituvchisi

Taqrizchilar:

Ergashev.B.E- SamDU, «Tarixshunoslik va manbashunoslik» kafedrası mudiri, dosenti.

Xolmatov.N.O'-SamDU, «Arxeologiya» kafedrası dosenti.

Fanning ma'ruzalar matni Samarqand davlat universiteti tarix fakulteti «Arxeologiya» kafedrasining o'quv – uslubiy kengashining 201_yil __avgustdagi majlisi __son yig'ilishida muxokamadan o'tgan va fakultet kengashida muxokama qilish uchun tavsiya etilgan

Kafedra mudiri:_____dots. Djurakulova D.M.

Fanning ma'ruzalar matni Samarqand davlat universiteti tarix fakulteti kengashida muxokama etilgan va foydalanishga tavsiya qilingan (2014 yil _____sonli bayyonnoma)

Ilmiy kengash raisi:_____prof.Sh.S.G'afforov

Kelishildi: O'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i.

_____dots.Qurbonov H.Q

Маърузалар матни

*Университетнинг археолог магистрлари
ва талабалар учун мўлжалланган*

Марказий Осиёнинг илк палеолит даври маданияти

Марказий Осиё илк палеолит даври маданиятини ўрганишда эришилган асосий ютуқлар. Илк палеолит даври археологиясини ўрганишнинг бугунги аҳволи ва даражаси. Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон мамлакатларида илк палеолитнинг энг муҳим ёдгорликлари ва ўрганилиши тарихи, ёдгорликлардан топилган меҳнат воситалари ва уларни яратилиши маданияти. Илк палеолит маданиятининг ўзига хос хусусиятлари. Меҳнат қуролларининг яратилиши омиллари – илк аجدодларимиз маънавий дунёси маҳсули эканлиги.

Марказий Осиё илк палеолитини ўрганиш ишлари ва бу борада эришилган ютуқлар асосан, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларга тўғри келади. Хусусан, XX асрнинг 60-80 – йиллари давомида тадқиқотчилардан М.Р.Қосимов, Р.Х.Сулаймонов, У.И.Исломов, В.А.Ранов, Х.Алписбоев, Ж.К.Тоймагамбетов, М.Жўракулов каби палеолитшунослар мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритишиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида кишиликнинг жуда қадимги замонлардан буён маданият яратиб келганликларини исботлаб беришдилар ва бу борадаги изланишлар қизгин давом эттирилмоқда.

Марказий Осиё археологияси ҳақида сўз борар экан, биз ушбу маърузаларимизда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатларини кўзда тутиш ва тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Айни вақтда бу бепоён кенг воҳаларни ўз таркибига қамраб олган минтақаларда 50 дан зиёд илк палеолит ёдгорликлари ва топилма жойлари қаламга олинган бўлиб, уларнинг аксариятида археологик тадқиқотлар бажарилган ва олиб борилинмоқда. Натижада, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, хусусан, унинг жанубий минтақаларида камида 1 миллион йиллардан буён инсон жамоалари яшаб, ўз даврига нисбатан муайян ва хос маданият яратиб келганликлари ҳақида илмий хулосалар яратилган.

Бу давр ёдгорликлари орасида археологик топилмаларга сероб ва қизиқарли манзилгоҳлардан: Туркменистондаги Янгаджа, Тожикистондаги Қизилқалъа, Кўкпиёз, Қайроққум, Лохути, Кулдара, Кайкитов, Қоратоғ каби; Қирғизистондаги Хўжагур, Онорча, Қайрағоч, Учқўрғон, Селунғур, Полмон; Ўзбекистондаги Кулбулоқ (илк қатламлари), Қизил-Қум; Қозоғистондаги Қоратов ва бошқа кўпгина жойлардан топилиб текширилган ёдгорликларни киритиш мумкин ва улар берган археологик манбалари билан ҳам қизиқарлидир. Бу топилмаларнинг ёшини аниқлашда фаннинг турли соҳалари иштирокида таҳлиллар ўтказилган ва натижаларига нисбатан саналанган. Айниқса, бу ёдгорликларнинг санасини аниқлашда, авваламбор, ўз даврида тош қуролларни тайёрлашда қўлланилган техникавий услуб жиҳатлари, геологик қатламнинг сақланиш даражаси, тайёрланган қуролларнинг ташқи ва умумий морфологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, умумий хулосаларга келинган. Зарурият туфайли артефакт ва бошқа манбаларни кимёвий таҳлиллар

қилиш мумкин бўлди. Аммо, бу эслатилган жойлардан топилган ва тошдан ясалган ашёвий буюмларнинг барчаси ҳам илмий асарларда тўла-тўқис ёритилган эмас. Бу ашёлар турли жойларда хилма-хил ер қатламларидан топилишидан қатъий назар, уларнинг аҳамияти чексиз катта бўлиб, Ватанимиз заминида инсоният яратган маданиятнинг нақадар қушна илдизларидан гувоҳлик беради. Зотан, бу далиллар Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистоннинг бепоён ўлкаларида мустер давридан анча аввал инсон жамоалари маданият яратиб келганлигини исботлайди. Зикр этилган жойлардан топилган меҳнат қуроллари, одатда, уларнинг аксарияти қайроқ тошлардан ясалган қўл чўқморлари ва шунга яқин ўхшаш чопувчи ва кесувчи меҳнат ускуналардан иборат бўлиб, турмушда эса, улардан универсал тарзда фойдаланилган. Бундай қуролларнинг айримлари қайроқтошнинг синиғи ёки йирик учирмалари асосида тайёрланиб, бир неча йирик ва дағал кертис усули билан ўткирланган, ҳамда шу билан тўлқинсимон тиг ҳосил қилинган. Ибтидоий одамлар, хусусан, ўз қуролларини шундай технологик асосда тайёрлаганлар. Тўғри, бундай қуроллар нафақат қайроқ тошлардан, балки сифатли чакмоқтошлардан ҳам ясалинган, аммо, бу давр учун одатда қайроқ қуроллар характерлидир. Чукморлар эса, қўлда тутиш учун анча мослаштирилган, ҳалақит берувчи қирралари йўниб ташланган бўлиб, қўпол учирмалар асосида, одатда, ўнг қўл билан меҳнат қилиш кўзда тутилган. Дастлабки қуроллар тош учринди парчаларидан ҳам ясалган бўлиб, керакли нарсаларни чопиш, кесишга мўлжалланган. Кейинчалик эса, иш жараёнида ўтмас бўлиб қолган тиглари майдароқ кертма усулида қайта ўткирланган ва фойдаланилган.

Ўрта Осиё ва хусусан, Жанубий Қозоғистонда топилган бундай типдаги қуроллар Оврупанинг шелль ва ашелль даврларига тўғри келади, десак хато эмас. Энди, зикр этилган ҳудудларнинг илк палеолит даври ёдгорликлари ҳақида қисқача ва умумий тарзда тўхталиб ўтамиз.

Туркменистон ҳудуди палеолитшуносликда Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан камроқ ўрганилган мамлакат. Хусусан, бу кенг даргоҳни ўрганишда 1947 йилдан эътиборан таниқли археолог А.П.Окладников ва сўнги йилларда эса, унинг шогирдлари қизиқарли тадқиқотларни бажардилар. Шулардан энг эътиборлиларидан Туркменистоннинг жанубидаги Копетдог этакларидан қўлга киритилган топилмалар қизиқарлидир. Хусусан, илк палеолит даврларига оид Янгаджа ва Қоратенгир маконлари сероб манбалар берди. Шулардан айрим, характерлиларини эслаб ўтамиз.

Янгаджа топилмаси, - Красноводск ярим оролидаги Красноводск-Ашгабод темир йулининг 41-км.даги Янгаджа ва Қоратенгир станциялари ўртасидаги жойдан топилган бўлиб, бу ердан даставвал А.П.Окладников микок туридаги 2 та қўл чўқмори ва бир неча чакмоқтош учиринди ҳамда дағал парақаларни топган эди. Топилмалар ўз даврининг геологик қатламларида сақланмаган бўлса-да, улар морфологик ва тошни қайта ишлаш усули техникаси жиҳатидан мустер давригача бўлган кишилар қуроллари эканлиги тан олинган.

Марказий Копетдог - топилмалари орасида Томчисув булоғи яқинида жойлашган макон ва бу ердан йиғиб олинган меҳнат қуроллари хилма-хиллиги

билан қизиқарлидир. Бу ердан топилган 20 дан ортиқ илк палеолит ашёларини В.А.Ранов сўнги ашель даври билан саналаган. Меҳнат қуроллари орасида қирғич ва чопқич қуроллар мавжудлиги ҳам эътироф қилинади.

Янгаджа ва Қоратенгир оралиғидаги жойлардан 2 та қўл чўқмори ва бошқа ашёлар топилган. Айниқса, Бекарслонтоғ макони берган ашёлар ҳам сўнги ашель даври билан саналиб, меҳнат қуролларининг дағаллиги ҳам бу ҳақда гувоҳлик беради. Умуман қаралганда, Жанубий Туркменистоннинг Копетдоғ минтақасидан топилган илк палеолит ашёлари санасининг 200-150 минг йилликни ўз ичига олиши эътироф қилинади. Сўнги йилларда Туркменистонда ёш археологлар кенг кўламда тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб бормоқда ва бир неча жойлардан палеолит маконларини топиб, ўрганишмоқда.

Археологик жихатдан Марказий Осиёда Тожикистон замини бир мунча яхши ўрганилган. Бу соҳада атоқли олим А.П.Окладников ҳамда В.А.Рановлар жиддий унумли тадқиқот ишларини бажариб, мамлакат тарихини ўрганишда мисли кўрилмаган ютуқларга эришдилар. Шулардан энг муҳимлари ҳақида қисқача маълумот бериш ўринлидир.

Қизилқалъа топилмаси,- шу ном билан аталувчи қишлоқ номи билан боғлиқ бўлиб, Вахш дарёсининг ўнг қирғоғидаги Қўрғонтепа шаҳридан 12 км масофада жойлашган. А.П.Окладников бу ердан дағал ясалган қўл чўқмори ва учриндилар топган эди. Топилмалар Вахш дарёси ҳосил қилган 4-қайирнинг геологик қатлами таркибига доирлиги аниқланиб, ашель даври билан саналанган.

Куҳипиёз топилмаси,- иккита чоппинг қуролидан иборат бўлиб, бу жой Қўрғонтепа шаҳридан 45 км жанубий-ғарбий томондаги масофада топилган ва шел-ашел даврларига доирлиги эътироф қилинади.

Қайроққум топилмалари,- Тожикистон ва қисман Ўзбекистон ҳудудларига доир бўлиб, бу ҳудуддаги ибтидоий излар асосан А.П.Окладников ва В.А.Рановлар томонидан ўрганилган. Топилмалар, одатда, ер сатҳидан йиғиб олинган бўлиб, манба таркиби жами бўлиб 1040 та тош ашёлардан иборат. Хуллас, Қайроққумда умуман, 31 та топилма жойлар қаламга олинган. Топилмалар орасида шел-ашел ва мустер даврлари меҳнат қуроллари мавжуд. Демакки, энг қадимги замонларда бу атрофда ибтидоий кишиларнинг бир неча гуруҳлари ворисийлик асосида яшаганлигидан далолат беради.

Лохути маконлари, - Тожикистондаги сариқ тупроқли ётқизик қатламлардан топилган бўлиб, археолог В.А.Ранов томонидан ўрганилган. Топилма ашёларининг муҳим хусусиятларидан – қайроқ қуроллар, хусусан, чоппинг, чоппер, чопувчи, кесувчи меҳнат ускуналарининг тақдим килинганлигидадир. В.Ранов бу манбаларни кўп йиллар давомида ўрганиб, жуда қадимги, яъни ашел даврининг илк босқичларига тааллуқли эканлигини таъкидлайди.

Лохути 1 жой макони ҳам Қоратоғ 1 каби энг қадимий ҳисобланади. Бу макон Қоратоғ 1 дан 80 км шарқда жойлашган бўлиб, Хошар дарёсининг Обимозор дарёсига қуйилиш ерида жойлашган. В.А.Ранов маданий қатламлардан сероб манбалар топган. Манбалар таркибида чакмоқтош ва

қайроқтошлардан ясалган хилма-хил қуроллар, айниқса, тош ўзаклари, қирғичлар, чопқилар, ўйма кертув бериб ишланган ускуналар кўплаб тақдим қилинган. Ёдгорлик геологик ҳамда термолюминесцент усули билан пухта ўрганилган ва унинг санаси 120-130 минг йиллик қадиймиликка эга эканлиги эътироф қилинади. Бу макон Ўрта Осиё миқёсидаги ноёб ёдгорликлардан бири ҳисобланиб, у рисс-вюрм музлиги даврига доирлиги аниқланган. Аслида, бу ёдгорлик Қоратоғ ва Ховалинг маконларидан кейинги манбага сероб ноёб ёдгорлик ҳисобланади. Лохути маконлари ва уларнинг манбаларини ўрганиш ишлари давом эттирилимоқда.

Кулдора макони, - Тожикистоннинг жанубида жойлашган Ховалинг тумани ҳудудидаги саритупроқли ётқизикларда ўрганилган бўлиб, кучли сув оқимлари туфайли 100 метрлик кесмадан иборат Кулдора дараси ташкил бўлган. Унинг 11-12 палео ётқизиклари жуда қадимги даврга оид бўлиб, артефактларнинг ўрганилиши 800-850 минг йиллик санани берган. Топилмалар 96 тош буюмлардан иборат бўлиб, шулардан 40 таси ҳақиқий меҳнат қуролларидир. Қизиқарлиси ҳам шундаки, бу топилмалар таркибида ҳақиқий қайроқ қуроллар жуда камчил тақдим қилинган. Меҳнат қуроллари орасида йирик шаклдагилари кам, ҳамда тақдим қилинган манбалар таркибида қўл чўқмори синиқлари, ҳар хил шаклдаги тош ўзаклари, учирмалар, уларнинг айримларининг қирраларига қайта ишлов берилган, қирғичлар, тешгич қуроллар, икки томони йўнилган йирик қуроллар тақдим қилинган. Зикр этилгандек бу манбалар 1-08 млн. йиллик санага эга бўлиб, Оврупанинг гюц музлик даврига тўғри келиши эътироф қилинади (В.Ранов, 1992,88). Тожикистон ҳудудида, булардан ташқари, яна бир неча жойлардан илк палеолит топилмалари қўлга киритилган. Шулардан айримлари ҳақида маълумот бериш жоиздир.

Қайқитов топилмаси махсус учирма тошдан ясалган илк палеолит меҳнат қуроли бўлиб, Тожикистоннинг шу ном билан аталувчи тоғ чўққиси этакларидан топилган. Бундай жойлар ва алоҳида топилмалар ҳақидаги маълумотлар махсус асарларда кенг ёритилган.

Тожикистон археологлари ва геологлари, хусусан, В.А.Ранов, С.А.Несмяновлар XX асрнинг 70-80 йилларда кенг кўламда тадқиқот ишларини бажардилар. Натижада илк палеолит даврига оид ноёб кашфиётлар қилинди. Хусусан, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларини ўз ичига олувчи Қоратоғ I, Лохути I ва Хаволанг каби маконлар шулар жумласидандир.

Қоратоғ макони, - Ўрта Осиё, жумладан, Тожикистондаги энг қадимги ёдгорликлардан бири ҳисобланади. У Душанбе шаҳридан 50 км. жанубий шарқдаги Утакон қишлоғи яқинида, Явон Қоратоғининг юқори қисмида денгиз сатҳидан 1720 метр, Вахш дарёси сатҳидан эса 1125 м. баландликда жойлашган. Макон кўп маъдан қатламга эга бўлиб, улардан хилма-хил, шу жумладан, чоппер қуроллари топилган. Фан ютуқлари асосидаги текширувлар ёдгорликнинг 250-180 минг йил санага эга эканлиги тан олинган.

Хаволанг жой макони, - шу номли қишлоқдан 7 км шимолроқда жойлашган бўлиб, денгиз сатҳидан 1800-2000 м. баландликдадир. Бу атрофда ернинг соз тупроқли кесма ётқизиклари қалин бўлиб, улардан турли қуроллар,

жумладан, қайроқ тошдан, чакмоқ тошдан ясалинган қуроллар, хусусан, чопқичлар, тош парчалари асосида ясалинган асбоблар сероб тақдим қилинган. Химиявий анализларнинг натижаларига кўра Қайрубоқ кесмасидан олинган соз тупроқнинг санаси 150,000 йилларга тенглиги эътироф қилинган.

Қирғизистон ҳудуди ҳам археологик жиҳатдан бир мунча яхши ўрганилган. Бу минтақада Ўрта Осиё миқёсида энг қадимги одамларнинг маданият излари топилиб ўрганилган. Шулардан ўрганилиш тарихига нисбатан энг характерлиларини кўриб чиқамиз.

Онорча топилмаси – қайроқтошдан ишланган чоппер, яъни бир неча йирик кертув билан ўткирланган қурол бўлиб, Марказий Тяньшан тоғ тизмасидан оқиб ўтадиган Норин дарёси қирғоғидан А.П.Окладников топиб ўрганган эди. Олимларнинг фикрига қараганда бу топилма геологик жиҳатдан бирламчи қатламда кузатилган бўлиб, вақт ўтиши билан ўз жойидан кўзгалмаган. Бу хилдаги чўқморлар, одатда, ибтидоий қўл болталарини эслатиб, илк палеолит даврида Ҳиндистон ҳамда Ўрта Осиёда кенг тарқалган ускуналардандир. Топилма санаси – 300-100 минг йиллик қадимий-ликка эгадир.

Полмон топилмаси – Қирғизистондаги шу ном билан аталувчи қишлоқ яқинидан оқиб ўтадиган Исфайрамсой дарёсининг қирғоқ қайридан ўлкашунос археолог П.Т.Конопля томонидан қўлга киритилган бўлиб, юқорида эслатилганидек қайроқ қўл чўқморида иборатдир.

Учқурғон топилмаси,- чоппингсимон қўл болтасидан иборат бўлиб, Исфайрамсойнинг ўнг қирғоғидан П.Т.Конопля топган эди. Қурол қайроқ тошдан йирик кертувлар бериш услубида ўнг қўл билан ишлаш учун анча ўнғай қилиб ясалган.

Ўайрағоч топилмаси,- қайроқдан ясалган чоппердан иборат бўлиб, А.П.Окладников уни 1954 йилда Хўжабакирган дарёси атрофидаги Қайрағоч қишлоғи яқинидан топган эди.

Хўжагур топилмаси,- қайроқтошдан иборат чопқич қуролларидан иборат бўлиб, Шоҳимардон ва Исфайрам дарёлари оралиғидан ўтадиган Хўжагур дарёси қирғоғидан топилган. Шулардан бири ашел даври қўл чўқморида иборат бўлиб, топилма А.В.Ранов томонидан ўрганилган. Юқорида келтирилган археологик манбалар Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудлари жуда қадимги даврлардан одамзод макон топган ва маданият яратиб келинган минтақалар қаторига киришидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон диёри илк аجدодларимиз макон топган замин эканлиги.

Фарғона водийсини ўрганишда эришилган фанимиз ютуқлари. Селунгур ғор макони энг қадимги аجدодларимиз макон топган муҳим археологик ёдгорлик эканлиги. Воҳанинг ўрганилиш тарихи. Илк палеолит даврида Фарғона воҳасининг табиий иқлим ва экологик шароитлари. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Селунгур маконининг илк аجدодларимиз тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Муҳим археологик топилмалар. Меҳнат қуроллари. Фарғона одами-синантроплар замондоши эканлиги ҳақидаги мулоҳазалар. Топилмаларнинг археологик санаси ҳақидаги тафсилотлар. Илк палеолит даврига доир янги топилмалар. Қизилқум саҳросида ўрганилган маконлар. Кукаяз, Кулбулоқ маконлари илк аجدодларимизнинг кенг қамров ҳудудларда яшаганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи далиллар эканлиги.

Фарғона водийсининг Қирғизистон билан туташ – чегарадош заминидан топилиб ўрганилган Селунгур ғор макони марказий Осиё халқларининг кўҳна тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ёдгорлик аслида Қирғизистон ҳудудига тегишли бўлса-да, маълумингиз бўлсинки, уни Ўзбекистон археологлари, хусусан академик У.И.Исломов раҳбарлигидаги гуруҳ олимлар томонидан мукамал ўрганилди ва жаҳон археология фани оламига киритишга эришилди (Исломов, Крахмаль, 1995, 220 бет).

Селунгур ғор макони Фарғона водийсининг Хайдаркон чўкмаси заминига кирувчи Сух дарёси ўнг қирғоғида, сой оқимидан 50 метр баландликдаги қайирда, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган. Ёдгорлик 13 маъдан қатламини ўз таркибига олувчи 5 та ётқизик (горизонт)лардан иборат. Аслида, Хайдаркон чўкмаси Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларида жойлашган воҳадан иборатдир. Хайдаркон воҳасида XX асрнинг 60-йилларда Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигидаги археологик отряд кенг кўламда текшув ишлари бажарилинган бўлиб, 28 та ғор қаламга олинган эди. Уларнинг кўплари, шу жумладан, Обшир 1,5 каби ғорлар аجدодларимиз бу ерда тош асридаёқ яшаганлиги аниқланган эди.

Хайдаркон воҳасида атоқли археолог А.П.Окладников, ўлкашунос П.Т.Конопля маълумотларига таяниб 1955, 1960 ва 1964– йилларда кенг кўламда археологик кузатув ишларини бажарди ва бир неча ғорларда дастлабки текшириш ишларини бошлаб, тош ашёвий топилмаларни эса сўнгги палеолит даври билан саналаган эди.

Селунгур ғорини дастлабки кузатган А.Ч.Пашко ва сўнгра 1958 йилда А.П.Окладников, П.Т.Конопля ҳамда 1964 йилда бошланган дастлабки қазилма ишлар туфайли 1.10 м. чуқурликдан бир неча тош ашёлар қўлга киритилинган бўлиб, маконни астойдил ўрганиш ишлари эса 1980 йилдан ЎзФА Археология институтининг палеолит гуруҳи У.М.Исломов раҳбарлигида ўрганилди. Ғорни қазиб ўрганиш ишлари, унинг ичидан турли даврларда кўпорилиб тушган

йирик тош парчалари туфайли анча мураккаб кечган. Маъдан қатламлардан турли тош ашёлар, жумладан, тош ўзаклари улардан ажратиб олинган ҳар хил парчалар, меҳнат қуролларидан эса йирик тарздаги кирғичлар, қўл чўқмори, чоппер ва чоппинглар, кливерлар, бифаслар топилган. Тошни қайта ишлаш ва улардан турмуш аслаҳаларини яратишда макон эгалари тишли кертув технологиясидан фойдаланган экан. Селунғур ғори кишиларнинг замондош ов объектлари бўлган жайрон, бўри, айиқ, тулки, ғор арслони, гиена, қор шери, плейстоцен эшаги, кулон, тўнғиз, тур-буқа, бизон, алхар, як, сибир эчкиси кабиларнинг суяк топилмалари ҳам қизиқарли бўлиб, селунғурликларда озиқ-овқат рационининг сероблигидан далолат беради. Макон топилмалари замонавий фан ютуқлари асосида таҳлил қилишга эришилган. Палеоботаника таҳлилларидан олинган натижалар шуни кўрсатдики, илк плейстоцен даврида жанубий Фарғонанинг муътадил, илк иқлими табиатга эга бўлганлиги, маконнинг энг қадимги антропоген чўкмалари эса эоплейстоцен даврида шаклланганлиги эътироф қилинади ҳамда музлик даврида иқлим, табиат, экологик шароитларнинг даврий равишда ўзгариб турганлигидан далолат беради.

1988 йили ғорнинг 8-рақамли қазилмаси иккинчи қатлампдан одам бош қопқоғи, тўкилиб ётган 13 та тиш ва елка суяк қолдиқлари топилиди ва мутахассисларнинг ўрганилиши туфайли энг қадимги одам вакилларида иборат эканлиги аниқланиб, бу янги архантроп топилмаси Фарғона одами номи билан фанга кирди, ҳамда унинг санаси 1 мл. 200 минг йилларга тенг эканлиги эътироф қилинади. Фарғона одамининг турмушда фойдаганган меҳнат қуроллари, хусусан, қўл чўқморлари, кливер, колун каби чопқич тош қуроллари Олдовой маконида, ҳамда Убайдия палеолит маконларидан топилган қуролларга яқин ўхшаш бўлиб, қайсики бу ёдгорликлар 1,4 дан то 2,5 миллион йиллар билан саналанганлигини эътиборга олиндиган бўлинса, Селунғур ғори берган археологик топилмалар ҳам нақадар қадимги эканлигидан шубҳа йўқ. Хуллас, Осиё тасарруфига қирувчи мамлакатлар – Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Хитой, Фаластин, ҳамда жанубий Овropa, Шимолий Африкада камида 1 мл. йиллардан бўён инсон жамоалари яшаб, маданият яратиб келганлиги фанда тан олинган.

Сух водийсидаги Чашма қишлоғидан 2 км жанубийроқда ўрганилган макондан ҳам чопқич қуроллардан чоппер, чоппинг, дағал ишланган бошқа тош қуролларининг топилиши бу атрофда архантропларнинг бир неча гуруҳлари яшаганлигидан далолат беради. Зикр этилган археологик ашёлар мамлакатимиз ҳудудида камида 1 миллион 200 минг йиллардан бўён маданият яратилиниб келинаётганлигидан далолат беради.

Ватанимиз, Ўзбекистон диёри Марказий Осиёда археологик жиҳатдан бир мунча мукаммал ўрганилган мамлакатлар қаторига киритади. Бу ерда палеолит даврининг барча тараққиёт босқичларини ифодаловчи сероб ёдгорликлар топилиб ўрганилган ва улар ҳақида қатор китоблар, илмий мақолалар эълон қилинган. Ўзбекистон илк палеолит даври ёдгорликлари Зарафшон ҳавзасида, Тошкент вилоятининг Оҳангорон водийсида бир мунча яхши тақдим қилинган. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бошқа

худудларидан ҳам бу давр меҳнат қуроллари алоҳида тарзда тақдим қилинган бўлиб, бу манбалар ҳозирча илмий ва ўқув воситалари орали жиоатчиликка тўла етказилган эмас. Ана шу манбаларнинг дастлабки ўрганилиши хулосаларига қараганда мамлакатимиз худудларида инсон гуруҳлари камида илк ашел давридан эътиборан яшаб келган бўлиб, уларни саналаш туфайли айтилганда бу жараён қарийб 1 млн. 200 минг йилликдан 500-300 минг йилларни ўз ичига олади. Демакки, бу худудлар жуда қадимий замонлардан инсон жиоаларининг яшаши, ривожланиши, маданият яратиши учун қулай табиий, иқлим ва экологик шарт-шароитларга эга бўлган десак, хато эмас. Тўғри, ҳозирча илк палеолит ёдгорликлари Ўзбекистонда санокли тақдим қилинган. Бироқ, айна кунларда қатор археологик гуруҳлар маҳсулли тадқиқот ишлари олиб боришиб, янги-янги маконларни топишмоқдалар. Жумладан, 1998 йилда Қизилқум саҳроларидан қизиқарли илк палеолит маконларининг топилиши фикримиздан гувоҳлик беради. Навбатдаги сатрларда Ватанимиз худудида ўрганилган илк палеолит тарихи ҳақида қисқача маълумот бериш кўзда тутилган.

Кулбулоқ макони, - Тошкент вилоятининг Оҳангарон воҳаси-даги Қизилолма сой ёқасидаги чашма атрофида жойлашган. Ёдгорлик кўп йиллар давомида истеъдодли палеолитшунос М.Р.Қосимов томонидан ўрганилган ва унинг вафотидан сўнг, шогирдларидан Х.Тўйчиев иштирокида ўрганилмоқда. Бу кўп маъдан қатламга эга ва Марказий Осиёдаги эталон ёдгорликлардан бири бўлиб, фанда 1963 йилдан эътиборан маълум. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда ёдгорлик 31 маъдан қатламидан иборат бўлиб, энг пастки қатламлари эса, илк палеолит даврига мансубдир. Макон ўрганилар экан, унинг манбалари асосида бу ерда маданият тарихимизнинг узликсиз ривожини, яъни илк палеолитдан сўнгги палеолит даврлари тараққиёт босқичларини кузатиш имкониятларига эга бўлинди. Маконни ўрганиш натижасида жуда бой археологик, жумладан, чақмоқ-тошдан ясалган меҳнат воситалари, бу давр кишилари билан замондош ҳайвонот дунёси қолдиқлари топилди.

Маконнинг илк (пастки) қатламларидан қўлга киритилган меҳнат воситалари орасида йирик тарзда тақдим қилинган қуроллар, турли кесувчи ва чопувчи, нарсаларни қириш учун қўлланилган асбоблар, қўл чопқилари алоҳида гуруҳларни ташкил қилади. Қизиқарлиси ҳам шундаки, бу қуролларнинг ишлаб чиқиш техникаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ашел қатламидан кул, кўмир қолдиқларининг топилиши ҳам қизиқарлидир. Сабаби, фанда оловнинг сунъий ихтиро қилинишини ўрта палеолит даврига хос деб маълумот берилган. Табиий оловдан фойдаланиш азалдан мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак-да, аммо оловни сунъий усулда кашф қилиш ашел давридаёқ маълум бўлганлигини эътироф қилиш ҳақиқатга яқиндир. Олов (гулхан) одамлар учун хар доим ҳаёт-момот тизимларидан муҳими ҳисобланиб келинган. Археологик манбаларга қараганда Кулбулоқликларнинг асосий турмуш тарзи турли озикабоп нарсаларга термачилик ва овчиликдан иборат бўлган. Кулбулоқ макони очиқ табиатда жойлашган маконлардан бири бўлиб, у ўзининг кўп маъдан қатламига, хилма-

хил меҳнат қуролларга бойлиги туфайли Марказий Осиёдаги энг ноёб ёдгорликлардандир. Кулбулоқ маконини ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда.

Кулбулоқ макони ҳақида палеолитшунос олимлар орасида турли мулоҳазали фикрлар ҳам мавжуд. Хусусан, тожикистонлик археолог, профессор В.А.Ранов ёдгорликнинг илк (пастки) маъдан қатламларидан топилган ашёларнинг ёши ҳақида фикр билдириб, ашел даврининг сўнгги босқичлари билан боғлаш тараддудисида эканлигини билдирган (Ранов, 1992, 91-92). Бу олимнинг асосий эътирозларидан бири – ёдгорликнинг пастки қатламлари манбаларининг ҳозирги замон табиий фанлари ютуқлари билан таҳлилланмаганлигидандир. Бу масалалар юзасидан Ўзбекистон мутахассислари, айтилиши вақтда, зарур тадқиқот ишларини бажармоқдалар.

Жанубий Фарғонанинг бир неча жойларидан алоҳида тарзда илк палеолит меҳнат қуроллари топилган. Фарғона водийсида турли йилларда археологик қидирув ишлари олиб борган П.Т.Конопля, М.Р.Қосимов, Ю.А.Задненровский, У.И.Исломов, А.П.Окладников-лар томонларидан кўпгина жойлардан тош асри ашёлари топилиб, бу жойлар мукамал ўрганилиши кўзда тутилган. Қизиқарлиси шундаки, топилмалар орасида ашел даври меҳнат қуроллари мавжуд. Бу эса, ҳудудда илк палеолит ёдгорликларини излаб топиш дастлабки «ахборотлар» бўлиб, бу заминда кенг кўламда археологик ишлар олиб боришни тақозо қилади. Бундай жойлар Тошкент вилоятидаги Болтағор маконлари, Самарқанд вилоятининг Ургут тоғидаги Гурдара ғори кабилардан ашел даври меҳнат қуроллари топилган. Айниқса, Селунғур ғор маконининг ўрганилиши манбалари археологияда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Макон Ўзбекистон археологлари томонидан ўрганилган бўлиб, аслида бу ёдгорлик Қирғизистон республикаси ҳудудида жойлашганлиги туфайли бу ҳақида юқорида алоҳида сатрлар ажратилганлигини эътироф қилиш кифоядир.

Зарафшон ҳавзаси археологик жиҳатдан турли давр ёдгорликларга ниҳоятда сероб масканлардандир. Хусусан, бу ҳудудда ибтидоий даврнинг барча тараққиёт босқичларига доир макону манзилгоҳлар тақдим қилинган. Шулардан айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Учтут-Ижонт-Вауш маконлари қизиқарли манбалар берди. Бу ўлкаларда атоқли олим Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигидаги археологик гуруҳ 60-йилларда катта қидирув ишларини бажарган. Учтут-Ижонт-Вауш маконларида ўтказилган тадқиқотларда У.И.Исломов, М.Р.Қосимов, Т.Мирсоатовлар катта тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Иш жараёнида Санг-Петербургда билимдон мутахассислар проф. С.А.Семенов, Г.Ф.Коробковалар ҳамкорликка келишдилар ва бу ёдгорликлар ҳақида қатор асарлар эълон қилинган (Қосимов, 1972, Мирсоатов, 1979). Зикр этилган мазкур ёдгорликлар Навоий вилояти, Навоий шаҳрига яқин, Қоратовнинг жанубий қиялиги бағрларида жойлашган, ҳозирги Учтут, Кавоби қишлоқлари яқин атрофида очиқ майдонда ибтидоий жамоаларнинг манзилгоҳлари бўлиши билан бир вақтда бу ерда сифатли чакмоқтош конлари (шахталари) ҳам мавжуд бўлган ва кишилар турмушида муҳим аҳамият касб этган. Бу маконларнинг пастки маъдан қатламларида топилган меҳнат қуроллари, хусусан, йирик шаклдаги тош ўзаклари, улардан олинган учирмалар, ясалинган меҳнат қуроллари ашел даври буюмларини

эслатади. Бу маконлардан топилган тош ашёлар ашел, мустер, сўнгги палеолит ва мезо-неолит даврларига ҳам хосдир. Демакки, бу маконларда, ҳамда атрофда инсон жамоалари узлуксиз, узоқ тарихни ўз ичига олувчи даврларда яшаб келишган эканлар.

Юқорида айтилганидек, Учтут яъни Кавоби қишлоғи атрофида чакмоқтошни ер қатламидан қазиб олиш, ундан турли қуроллар, хусусан, меҳнат қуроллари яшаш учун уларни мослаштириш устахонаси мавжуд бўлган экан. Бу жамоалар ўз конларидан қазиб олинган чакмоқтош жинсларини кўшни ва туташ ҳудудларда яшовчи жамоаларга айрибош ҳам қилганлиги аниқланди. Хусусан, Зарафшон ҳавзасидаги Қутирбулоқ, Зирабулоқ мустер ёдгорликларида, Самарқанд сўнгги палеолит маконида ҳамда кўпгина мезо-неолит манзилгоҳларида қурол учун фойдаланилган хом ашёнинг аксарияти Учтут чакмоқтошидан ишланганлиги қизиқарли жараёндан гувоҳлик беради.

Зарафшон ҳавзасининг пастки оқим чўкмаларидан ҳам қизиқарли жой маконлар топилиб ўрганилмоқда, шулар жумласидан яқинда тақдим қилинган Қизилқум илк палеолит маконлари ҳисобланади.

Кукаёз маконлари, - Қизилқумнинг шимолий шарқий ҳудудларини қамраб олган Кукаёз чўкмаси ва у билан боғлиқ қирғоқлар, хусусан, ҳозирги вақтда қуриб қолган Кукаёз дарёчасининг узан қайирларининг бир неча жойларидан палеолит даври ашёлари топилган. Бу ёдгорликларни ўрганган М.Хўжаназаров, Б.Сайфуллаевларнинг фикрига қараганда Кукаёз 1, ашел ва илк мустер даврига, Кукаёз 2 мустер даврига ва Кукаёз 3 сўнгги мустер даврига мансубдир (Хўжаназаров, Сайфуллаев, 1999, 26-28). Бу маконлар аслида меҳнат қуроллари яшаш устахонаси ҳам бўлган экан. Илк палеолит яъни ашел даври ёдгорлиги бўлган Кукаёз 1 дан топилган ашёлар 20 дан зиёд тош буюмларини ўз ичига олиб, таркибида йирик тош ўзаклари, бифас туридаги чопқич чўқморлар, йирик ва дағал ишланган қирғич кабилар тақдим қилинган бўлиб, улар кўк ва қора тусдаги чакмоқтошдан ясалинган. Демакки, сўнгги минг йилликларда чулу-сахрога айланиб қолган бу кенг доирадаги ҳудудларда ашель даврида инсон жамоалари яшаши ва маданият яратиши учун табиий ва экологик жиҳатлардан қулай ва маъқул ўлкалар бўлганлигини қайд этиш лозим.

Қозоғистон илк палеолит даври маданияти.

Илк палеолит даври ёдгорликларини ўрганилиши аҳволи ва даражаси. Бу борада эришилган асосий ютуқлар. Асосий ёдгорликларнинг тафсилоти – Тўғали, Бўриқозғон, Танирқозғон маконлари. Марказий Қозоғистонда ўрганилган ёдгорликлар. Жанубий Қозоғистон илк палеолити. Жанубий Қозоғистонда ўрганилган маконлар. Ғарбий ва шимолӣ ўлкалардаги ёдгорликлар. Қозоғистон илк палеолит маданияти Марказий Осиё палеолитининг таркибий қисми эканлиги. Қозоғистон илк палеолити санаси ҳақидаги мулоҳазалар.

Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларида сўнгги қирқ йил давомида маҳсуллик тадқиқот ишлари бажарилди. Бу борада А.Г.Медоев, Х.А.Алписбоев, Ж.К.Таймугамедов каби палеолитшунос археологларнинг хизматлари каттадир. Хусусан, Х.А.Алписбоев қизиқарли кашфиётлар қилди. Қоратов тизмалари ёнбағрларидан палеолит даврига доир бир неча маконларни топиб ўрганди. Шел-ашел даврларига доир маконлардан Бўриқозғон, Танирқозғон, Тўғали I-V манзилгоҳлари қизиқарли манбалар берди. Тўғали макони ашел – мустер даврларига мансуб бўлса-да, манбаларнинг аксарияти жуда қадимий кўринади. Бу маконлар, аслида, очиқ жойда топилган бўлиб, тош ашёлар ер юзидан йиғиб олинган. Тўғали жой макони Кўктол дарёси ёки шу ном билан аталувчи чашма атрофида жойлашган. Бу атрофда, асосан 3 та жойдан йиғиб олинган коллекция 300 дан зиёд тош буюмларни ташкил қилади. Улар асосан қора, кулранг чакмоқтошлардан ясалинган. Бу тош жинслари кичик Қоратоғнинг Аристанди ва Чаян дарёлари куҳна дараларида сероб учратилади. Бу эса, ибтидоий одамлар учун зарур хомашё бўлиб, меҳнат қуроллари яратиш учун ундан кенг фойдаланганлар. Тўғали меҳнат қуроллари таркибида йирик чопкичлар, ва дағал учриндилар тақдим қилинган бўлиб, морфологик хусусиятларига нисбатан 300-100 минг йилликлар билан саналанган.

Бўриқозғон ва Танирқозғон – манзилгоҳлар ҳам қизиқарли археологик манбалар берди. Бу ёдгорликлар Кичик Қоратоғнинг жанубий-ғарбий қияликларида жойлашган. Қидирув, қазилш ишлари давомида сероб қайроқ қуроллар билан бир вақтда турли хилдаги чопкич, кесувчи ускуналар, учриндилар, ўзаклар топилган бўлиб, тадқиқотчиларнинг эътироф қилишларича бу ашёлар Шарқий-Жанубий Осиё ва Африкадан топилган меҳнат қуролларига ўхшашлиги мавжуд ва 700-350 минг йилликлар билан саналанган.

Шабакти 1 макони, - Жамбул вилояти Сорисув туманига қарашли Бойқадам қишлоғидан 20 км жанубий ғарбда жойлашган бўлиб, макондан кўпол тарздаги чопкичлар, ўзаклар ҳамда бошқа хилдаги ашёлар топилган бўлиб, ясаилш технологиясига нисбатан Бўриқозғон ва Танирқозғон ашёларига ўхшашдир. Макон археологик топилмалари 700-350 минг йилларга тенглиги эътироф қилинади.

Илк палеолит ёдгорликлар Чўлоқтоғ шаҳарчаси, Учбулоқ, Шабакти-Интали, Бургутли, Узунбулоқ, Чуқон Валиев номлари билан аталувчи жойлар атрофларидан ҳам топилиб ўрганилгандир.

Қозоғистоннинг жанубий вилоятларидан топилиб ўрганилган бу каби топилмалар тадқиқотчилар орасида катта қизиқиш уйғотди ва натижада мамлакатнинг шарқий, шимолий ҳамда ғарбий ҳудудларида кенг доирада текширув ишлари бажарилди. Натижада, илк тош асрига оид Сари-арка, Семизбуғу, Қудайкул, Жаман Айбат каби номлар билан аталувчи жойлардан кўплаб меҳнат қуроллари қўлга киритилди. Бу каби маконлар Манқишлоқ ва бошқа жойлардан ҳам топилган.

Марказий Қозоғистонда археолог Ж.К.Тоймугаметов томонидан ўрганилган Оғиз-Тау, Улкен, Оқ-мая каби тоғли туманлардан топилган маконлар қизиқарли бўлиб, улар асосан чашма атрофида жойлашган. Ашел-мустер даврига мансуб бу маконлардан сероб археологик манбалар тўпланди. Айниқса, Жаман-Айбат 4 ва 5, Қудайкул қўли атрофида ўрганилган, хусусан, Сори-Арка маконлари қайроқ қуроллардан бифас, қўл чўқморларининг тақдим қилиниши билан фарқ қилади. Бу қуроллар леваллуа техникаси асосида яратилганлиги Қозоғистонда бу жараён кенг тарқалганлигидан далолат беради. Ғарбий Қозоғистон илк палеолити Каспий денгизи қирғоқларида ҳам тақдим қилинган. Хусусан, Онежек гуруҳи 7 та топилма жойни ўз ичига олади. Шунингдек, Шахгабат маконларидан топилган йирик қўл чўқморлари (кливер, колунлар) ва тош учриндилари Олдовой маданиятини эслатиши эътироф қилинади. Бу каби кўпгина ёдгорликларни ўрганиш борасида А.Г.Медоев катта хизмат қилди.

Палеолитшуносларнинг фикрларига қараганда, бу ёдгорликлар ашел ва мустер даври жамоаларининг маконлари бўлиб, 500-100 минг йилликлар билан саналанганлиги эътироф қилинади.

Қозоғистон илк тарихи ҳақида қисқача хулоса қилинганда, бу кенг бепоев ўлкада инсон жамоалари камида ашел давридан бошлаб яшаб, маданият яратишиб келган эканлар. Шунинг айтиш ўринлики, Қозоғистон илк палеолити ёдгорликлари Ўрта Осиёга нисбатан кўпроқ ёки зичроқ тақдим қилинган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон илк палеолит даври топилма қароргоҳлари манбаларининг кўрсатишича, бу ҳудудларда қайроқтошдан қуроллар яшаш маданияти мавжуд бўлиб, бу каби меҳнат қуроллари яқин чегарадош мамлакатлар бўлган Ҳиндистон ва Хитой ҳудудларидан топилган қурол яшаш услуби маданиятига ўхшашлиги кузатилади. Ибтидоий қайроқтош қуроллар маданиятининг хусусияти шундаки, бу қуроллар оддий қўл чўқморларидан ўзининг ясаиш технологияси билан фарқ қилади. Бу қўролларнинг кесувчи ёки ишчи қисми энли, ёлпоқроқ бўлиб, 2-4 йирик кертис усули билан ўткирланган, ўнг қўлда тутиш ҳамда ишлаш учун мослаштирилган бўлади. Қайроқдан ясалган бу каби қуролларни, илмий ахборотларга кўра, Ҳиндистоннинг шимоли -ғарбидаги Соан маданиятида кўпроқ учратиш мумкин. Бу маданият эса, Оврупанинг шель-ашель даврига тўғри келади. Бу тарзда ясалган қуроллар билан қўл чўқморлари ўртасидаги фарқ қилувчи типологик хусусиятлар ҳозирча етарли даражада ўрганилган эмас. Бу

муаммолар палеолитшунос археологларимиз олдида турган навбатдаги вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистонга қўшни ўлкаларда илк палеолит маданият излари ҳақида қисқача маълумот бериш кўзда тутиладиган бўлса, аввалам бор, Аристанди макони ҳақида сўз боради. Макон, Аристонди дарёсининг шимолий шарқида Жамбул шаҳрига яқин бўлиб, дарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорликни ўрганган А.Г.Медоев бу ердан бошқа тош ашёлар билан чоппинг-тул шаклдаги чопқич ва кесувчи куролларни алоҳида таърифлайди. Қозоғистоннинг Целиноград вилоятидаги Батпак деган жойидан В.С.Волошин 15 метрлик соз тупроқ кесмаси қатламидан 100 дан кўпроқ тош буюмлар топган бўлиб, коллекция таркибида қўл чўқмори, чопперлар, учбурчак шаклдаги тош синиқлари тақдим қилинган. Юқорида зикр этилган – Аристанди ва Батпак маконларининг санаси 1 миллион йиллар атрофида, деб мулоҳазалар юритилмоқда. Сўнгги йилларда бу ҳудудлардан илк палеолит излари анчагина топилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги алоҳида куроллардан иборат бўлганлиги сабабли манзилгоҳлар деб бўлмайди, балки якка тарзда қўлга киритилган ашёлардан иборат эканлигини қайд этиш ўринлидир. Муаммо шундаки, бу тарздаги топилмалар мулоҳазали бўлиб, мутахассислар томонидан аниқ фикрлар билдирилган эмас ва илмий асарларда ҳам эълон қилинганича йўқ.

Демак, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг илк тош асри маконларида ўзларининг меҳнат фаолияти, ҳуллас, турмуш куроллари туфайли маданият изларини қолдирган кишилар, - энг қадимги одамлар архантропларга мансуб бўлганликлари фанда исботланганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Илк палеолит маконларини излаб топиш анча мушкулроқ. Сабаби, бу хилдаги ёдгорликлар одатда ер бағри қатламларида кўпроқ сақланган бўлиб, унинг учун дастлабки «маълумот»ларга эга бўлиш зарур. Сўнгга, илк тош асри манзилгоҳлари қадимий, қишлоқ, шаҳар харобалари, қабиристон қолдиқларидек оддий кўзга ташланиб турмасдан, ер бағрининг чуқур қатламларида сақланган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу қаби ёдгорликларни излаб топиш учун геология, ҳамда бошқа табиий фанлардан хабардор бўлиш, қидирув услублари тажирибаларини мукаммал билишни тақозо қилади.

Ҳуллас, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, хусусан унинг Жанубий ҳудудларида сўнгги 50-60 йиллар давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли бу кенг бепоён ўлкалар илк палеолит давридан бошлаб инсон жамоалари маданият яратиш келганлиги аниқланди. Хусусан, илк аجدодларимиз, тоғ, тоғолди ҳамда табиий ва экологик маъқул текислик минтақаларда яшаб, улар ўзаро маданий муносабатларда бўлиб, доимий тараққиёт таъминланган экан. Бу эса, ўша илк замонларда аجدодларимиз турмуши учун озиқ-овқат, меҳнат куролларини яратиш учун хомашёга эга бўлганлигидан ҳам гувоҳлик беради. Тўғри, аввалги ва сўнгги йилларда эришилган тадқиқотлар натижалари, хусусан, ёдгорликларнинг саналарини белгилаш борасидаги масалаларда мутахассислар орасида турли мулоҳазалар мавжуд. Бу фандаги табиий ҳолдир. Аммо, кўпчилик ва билимдон мутахассисларнинг таъбирига қараганда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг жанубий минтақаларида одамзод жамоалари қарийб 1

миллион йиллардан буён яшаб маданият яратиб келганлиги фанда тан олинган. Палеолитшуносларнинг фикрича бу ёдгорликларнинг айримларининг санаси, юқорида зикр этилганидек 1 миллион, 800, миллоддан аввалги 500-300 минг йиллар билан тақдим қилинган бўлса, баъзилари 200-250, сўнггра, 200-100 минг йилликлар билан белгиланиб, бу жараён аслида оддийликдан мураккабликка қараб боровчи тадрижий тараққиёт динамикасини ифодалайди. Сўнгги йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг барча минтақаларида бир неча палеолит отрядлари иш олиб боришмоқдалар ва аجدодлар тарихини ўрганишда янги кашфиётларнинг қўлга киритилишидан шубҳа йўқ.

Илк палеолит даврида Марказий Осиёнинг табиий, жуғрофик муҳити ва инсон гуруҳларининг турмуш тарзи

Илк палеолит даври одамларининг турмуш тарзи, қиёфаси. Архантроплар ҳақида тушунча. Меҳнат қуролларининг такомиллашув даражаси - тараққиётнинг муҳим омили эканлиги. Табиий ва иқлим шароити. Кишиларнинг меҳнат воситаларини такомиллаштириб табиат инжиқликлари билан курашиши. Меҳнат қуролларининг турлари ва фойдаланиши жиҳатлари. Табиий муҳитнинг ўзгарувчанлиги.

Фанда архантроплар номи билан аталган одамлар иш билармон кишилар ҳисобланиб, жисмоний жиҳатдан ҳам ҳозирги қиёфадаги ақл-идрокли одамлардан бир мунча фарқ қилар эдилар. Бу одамларнинг турмуш тирикчилиги асосан турли озиқабоп нарсаларга термачилик, гала ёки гуруҳ тарзда овчилик билан банд бўлган. Улар ўзларининг меҳнат қуролларига яраша табиат олдида жуда ожиз бўлиб, фақат табиат берган инъомдан фойдаланишни билишганлар. Аммо, ҳар доим ўзларининг меҳнат қуролларини такомиллаштириб, гуруҳлараро маданий алоқалар ўрнатиб, тараққиёт сари илгари интилиб яшаганлар ва аста-секин, қадамба-қадам юксак маданиятга эриша борганлар. Бу тарихий жараёни Ўрта Осиё ва Қозоғистон археологик манбаларда ҳам кузатиш мумкин бўлди.

Шунингдек, юқорида айтилгандек Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида илк палеолит даврида яшаган кишилар тўда-тўда бўлиб яшаган. Бу типдаги қадимги одамларни-архантроплар номи билан фанга киритилган. Архантроплар оиласига зинжантроп, петекантроп ва синантроплар киради. Ўрта Осиё ва Қозоғистондан зинжантропга замондош одамлар вакиллари ҳозирча топилганича йўқ. Зинжантроплардан кейин яшаган одамзод аждоди питекантроп бўлиб, улар бундан қарийб 1 миллион йиллар бурун яшаган. Унинг замондоши ҳам ҳозирча Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида топилиб ўрганилмаган. Питекантроп одамлардан кейин синантроплар яшаган. Бу типдаги одамзод вакиллари бундан 500-600 минг йилликларда яшаган. Бу одамларнинг илк излари дастлаб Хитойдан топилган бўлиб, уларни олимлар синантроплар (хитой одами) деб фанга киритдилар. Ўрта Осиёнинг Фарғона воҳасида, Селунғур ғоридан топилган илк аجدодларимиз вакилига «Фарғона

одами» деб ном берилди ва бу одам зоти синантроплар билан замондош бўлганлиги ҳақида мулоҳазалар мавжуд. Аммо, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларидан илк палеолитга оид одамзоднинг фанда маълум бўлган барча вакиллари топилмаган бўлса-да, бироқ, шел-ашел даврларига молик ёдгорликлар эса топилиб ўрганилгандир. Синантроплар одатда табиий ғорларда яшаган. Аммо, уларнинг манзилгоҳлари очик жойларда ҳам топилиб ўрганилган. Маълум бўлишича синантроплар олов билан таниш бўлган. Масалан, уларнинг қолдиқлари топилган маконда ҳайвон суяклари, меҳнат қуроллари билан бирга қалин кул, гулхан қолдиқлари кузатилган. Олов кишилар турмушида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Синантропларга замондош ибтидоий одам аجدодларининг манзилгоҳлардан иборат бўлган излари Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларининг кўпгина жойларидан топилган бўлиб, улар ҳақида матнмизда маълумотлар бериш кўзда тутилганлиги маълум. Бу одам зотлари ашел даврида тўда-тўда бўлиб, турмуш кечирганлар.

Ҳикоя қилаётган даврда шимолий Оврупанинг кенг ҳудудларини қалин музликлар қоплагач бу табиат ҳодисаси Марказий Осиё ҳудудларига ҳам таъсир қилмасдан қолмаган. Шу сабабдан Марказий Осиё табиат иқлими ҳам совиб, айрим ҳудудларни, айниқса тоғ ва тоғолди туманларини музликлар қоплаган. Бу ҳақда Селунғур ғоридан олинган музлик ҳақидаги янги маълумотлар ҳам гувоҳлик беради. Бу замонда, айрим ҳудудларда эса тўхтовсиз ёмғирлар бўлиб турган. Ашел даври, олимларининг фикрига кўра ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичига тўғри келади. Бу даврда инсон гуруҳларининг яшаш тарзи қийин кечган, чунки уларнинг ов ва меҳнат қуроллари ниҳоятда содда бўлганлигида ҳам эди, уларнинг кундалик тирикчиликлари озиқага ярайдиган барча нарсалар бўлиб, одатда ёввойи дарахтларнинг мевалари, тотлик ўсимликларнинг илдизлари, шунингдек, курт-қумирсқа ва майда жониворларни ҳам истеъмол қилишга мажбур бўлишганлар. Бунинг муҳим сабабларидан яна бири ов ўлжаси ҳар доим мавжуд бўлмаган.

Бу даврда кишилар ўз меҳнат қуролларини асосан тошдан, кўпинча эса чакмоқтошдан ҳамда қаттиқ дарахт шохларидан, ҳайвон суяк ва шохлардан ясашганлар, аммо тошдан бошқа ашёлар бизгача етиб келмаган, узоқ замонларнинг ўтмиши туфайли ҳам улар бизгача сақланмаган. Тошдан ясалган бу қуроллар мутахассис палеолитшунослар томонидан ҳар томонлама ўрганиб чиқилган. Хусусан, XIX асрнинг 2-яримида Франция олимлари бу соҳада илғор эдилар ва бир қанча маконлар топилиб ўрганилган бўлиб, улар биринчи бор жой номи билан боқлиқ аталиниб ашел қуроллари ва даври номи билан фанга киритилган эди. Ашел тарзидаги қуроллар, аслида қўл чўқморидан иборат бўлиб, унинг шакли ясси тухумсимон бўлиб, ишчи томони бирмунча учқирроқ, бир неча кертис усули билан ўткирланган ҳолатда бўлади. Бу каби қўл чўқморидан универсал тарзда фойдаланилган. Тўғри, ашел даврида қўл чўқморларининг турлича шакллари мавжуд эди.

Ашел даврини саналаш ҳақида олимлар орасида турлича мулоҳазалар мавжуддир. Аммо, палеолитшунослар ва тўртламчи давр геологияси билан машғул бўлган олимларнинг ҳисобига кўра, ашел даври бундан 1 миллион

йиллар бурун бошланиб, мил. авв. 200-100 мингинчи йилларга қадар давом этган узоқ замонларни ўз ичига олади.

Умуман, Марказий Осиё илк палеолит даврининг табиий жўғрофик муҳити геолог олимларнинг хулосаларига кўра, бу ҳудудлар табиатининг ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ, ёғингарчиликнинг нисбатан камчил бўлганлиги билан эътироф қилинади. Худди, ана шу даврда Марказий Осиёнинг ҳозирги чўл ва даштлари ер усти тузилиши (ландшафти) шаклланган ва шу ландшафтга хос ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ташкил топади. Ашел даврининг сўнгги вақтларига келиб эса табиий шароит кескин совий бошлаган. Айниқса, Оврупанинг шимолий минтақаларини қалин музликлар қоплаб олган эди. Марказий Осиёда эса, асосан унинг тоғлик минтақаларида музликлар ҳосил бўлиб, мўл сув оқимлари оқибати сабабли дарёлар ва улар билан боғлиқ воҳалар вужудга келиб, ер устининг шаклланишига сабаб бўлган. Марказий Осиё музликлари асосан тоғлик ҳудудларда бўлиб, воҳаларда ҳам уларнинг оқибатлари кучли бўлган. Бу музликларнинг излари баланд тоғларда узоқ сақланган ва ҳозирги вақтда ҳам мавжуд. Марказий Осиёнинг воҳаларга айланган туманларида ҳамда улар билан боғлиқ паст текисликларда эса узлуксиз ёғингарчиликлар туфайли иқлимнинг гоҳ совуши, гоҳ исиши ҳоллари содир бўлган. Демакки, бу табиат ўзгаришлари билан боғлиқ ўсимликлар ҳамда ҳайвонот дунёси таркибида ҳам маълум ўзгаришлар юз берган. Хуллас, тифис ўрмонлар ўрнини чўл, дашт минтақаларига хос ўсимликлар дунёси эгаллайди. Марказий Осиёнинг ана шундай табиий иқлим, экологик шароитида вужудга келган ўзгаришлар туфайли бу кенг минтақанинг айрим ҳудудларида энг қадимги аجدодларимизнинг макон топишига имконият туғилди ва бу аجدодларимизнинг турмуш заруриятидан келиб чиқиб, ўз меҳнат қуролларини ҳар доим такомиллаштиришда бўлганлар. Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийсининг Сух туманида ўрганилган Селунғур ғор макони, Тошкент вилояти, Оҳангарон воҳасида ўрганилган кўп маъдан қатламларга эса Кулбулоқ, Тожикистондаги Лахутий маконларининг манбалари бу фикримиздан далолат беради.

Олимларнинг хулосасига кўра, Селунғур ғор маконида яшаган илк аجدодларимиз синантропларга замондош эканлиги ва Ўрта Осиё ҳудуди, илк бор одамлар пайдо бўлган минтақалар қаторига кириши ҳақидаги фикрлар маъқулланмоқда. Айни вақтда, тадқиқот ишларини олиб бораётган Ўзбекистон олимлари Кулбулоқ маконининг илк қатламлари берган меҳнат қуроллари ҳам зикр этилган давр кишилари маданиятидан иборатлиги эътироф қилинмоқда.

Фанимизнинг ушбу ўқилган маърузалар матнига хулоса тарзида шуни таъкидлашга асос борки, Ўрта Осиё ва Қозоғистон инсоният оламида жуда қадимдан маданияти ривожланган, тарихи бой минтақалардан бири экан. Юқоридаги зикр этилган манбалар бу фикрни тасдиқлайди. Эндиликда бу ҳудудлар жаҳонда одамзоднинг илк аجدодлари макон топган минтақага киради. Бу кашфиётлар эса археолог олимларимизнинг жаҳон тарихига қўшган муносиб ҳиссасидир.

Олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари шу жараёни кўрсатдики, одамзоднинг пайдо бўлганидан то ҳозирги даврга қадар бўлиб ўтган тарихи бир

текисда ривожланишда бўлмаган. Одамзод табиатдаги бошқа зотлар каби ибтидоийликдан аста-секин мураккабликка ривожланиб борган. Уларнинг меҳнат воситалари ва шу билан боқлиқ бўлган фаолияти, инсон онги, табиат ҳодисаларини тушуниш қобилиятлари ўзгариб такомиллашиб борган. Масалан, агар инсон ўзининг илк тараққиёт босқичида табиатдаги тайёр маҳсулотлар билан тирикчилик кечирган бўлса, кейинроқ, аста-секин, табиат сирларини ўрганди, йўл-йўриқларини билиб олди ва нихоят, у ҳозирги замон ҳолатига, жамиятнинг юксак ривожланиши даражасига эришди.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинган илк палеолит даври ижтимоий нуқтаи назардан қаралганда бу тараққиёт босқичи “ибтидоий тўда” даври ҳисобланади. Одамзод тарихнинг илк босқичидаги аجدодлар тўдаси аввалги дарсликларда “пода”, ибтидоий жамоанинг дастлабки босқичи эса “коммуна” деб аталиши мазмун жиҳатдан хато эди. “Дарҳақиқат, ибтидоий тўда даври дастлабки кишилик жамоасининг ҳайвонот олаmidан инсоният оламига ўтиш даври эди” (А.Асқаров, 1994, 13-14). Уруғчилик даври эса кишилик жамиятининг биринчи куртаги эди. Кишиликнинг ибтидоий тўда босқичи билан ибтидоий уруғчилик босқичлари ўртасида чуқур сифат чегараси мавжуд. Бу сифат чегараси энг қадимги аجدодларимизнинг ҳайвонот дунёсига хос олаmidан чиқиб, онгли, ақлли зот дунёсига ўтиши билан тавсифланади (13 бет).

Кишилар ибтидоий тўда даврида турли йиртқич ҳайвонлардан қўрққанидан гала-гала, тўда-тўда бўлиб яшаган. Қийинчилик вақтларда, хусусан, ов ҳаракатида улар ёлғиз ҳайвонга кўпчилик бўлиб ҳужум қилишганлар. Кейинчалик бу ҳаракатлар токомил-лашиб, ов қилишнинг турли сирларини билиб олишганлар. Уларнинг асосий қуроллари эса тошдан, ёғоч ва балки суякдан иборат бўлган. Бу даврда одамлар ўртасида жисмоний алоқалар чегараланмаган, аниқ тартибга тушган эмас эди. Илк палеолит даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда питекантроп, синантроп, фергантроп сингари энг қадимги одамлар яшаган бўлиб, уларни фанда умумий тушунчада архантроплар деб юритилинади. Узлуксиз меҳнат жараёнида ривожланиб, қадимги одамлар неандертал-ларнинг шаклланиши учун эволюцион замин ҳозирлаганлар. Юқорида билдирилган археологик манбалар ҳамда Селунғур ғоридан топилган қадимги одам қолдиқлари Ўрта Осиёни антропогенез жараёни содир бўлган минтақаларга қўшиш имкониятини берди.

Антропогенез—одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги муаммовий мулоҳазалар.

Одамнинг энг қадимги аجدодлари, зинжантроп, питекантроп, синантроп, неандерталь ва кроманьонлар ҳақида фандаги мулоҳазалар ҳамда бу ҳақидаги таълимотлар. Одамнинг пайдо бўлиши масаласида фан оламидаги дастлабки тушунчалар. Дриопитек ва зинжантроплар одамзоднинг энг қадимги аجدодлари эканлиги. Кроманьон одами – ақлий одам аجدоди эканлиги. Одамзод узлуксиз меҳнат маҳсули эканлиги. Одамзоднинг дастлабки пайдо бўлган замини ҳақидаги мулоҳазалар.

Одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақида фан оламида турли даврларда турлича муаммовий мулоҳазалар мавжуд бўлиб келган. Аслида, одам – органик олам тараққиётининг энг олий босқичидир. Одам тафаккур ва нутққа эга бўлган, меҳнат воситаларини тайёрлаб, умумий муҳитга таъсир кўрсата оладиган жонзод. Унинг вужудга келиши ва шаклланиши ҳақида қадимги муаллифлар ҳам ўз даврига хос фикрлар билдирганлар. Одамнинг пайдо бўлиши олам тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, унинг бир таркибий соҳаси эканлигини айтиш жоиздир. Аввало, биз олам ривожига эътиборни қаратадиган бўлсак, фанда маълумки, биз яшаб турган Она еримиз беш миллиард йил муқаддам пайдо бўлган экан ва дастлаб унда ҳеч қандай ҳаёт бўлмаганлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Ер тарихи ҳақида қисқача гапирилинадиган бўлса, у тўрт катта тараққиёт босқичларга бўлинади. Жумладан, Ер тарихи геологик жиҳатдан архей, палеозой, мезозой ва кайназой эраларига бўлиниши эътироф қилинади. Бу эралар тарихида Ер оламида ҳар доим маълум тараққиёт ўзгаришлари содир бўлган. Масалан, архей эрасининг сўнгги даврида Ерда жуда оддий тирик жониворлар, палеозойда сувда ҳамда қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, мезозой эрасида эса судралиб юрувчи жониворлар пайдо бўлган. Ер тарихининг кайнозой эрасида эса қисман сифат ўзгаришлари содир бўлиб, сут эмизувчи жониворлар тарқалди. Бу эрани ўз навбатида геологлар ҳамда археологлар икки тараққиёт босқичида ифодалаб, учламчи ва тўртламчи даврларга бўлишдилар. Шулардан, учламчи босқич 50-60 миллион, тўртламчи босқич эса 3,5-3 миллион йилларни ўз ичига олади. Ер тарихидаги энг буюк воқеа одамзоднинг пайдо бўлиши эди. Олимларнинг фанга таяниб билдирган фараз ва таълимотларига қараганда, одамзоднинг дастлабки аجدодлари тўртламчи геологик босқич бошларида, ёйинки бундан 3,5-3 миллион йиллар муқаддам, пайдо бўлганлиги эътироф қилинади. Бу жараён жуда узоқ ўтмишни ўз ичига олади. Аммо, шуни айтиш жоизки, одамзоднинг пайдо бўлиши муаммоси биргина биология, антропология фанларининг вазифаси бўлмай, балки бу масала билан археология фани ҳам шуғулланади ва зарур, қизиқарли манбалар ҳам тақдим қилиши мумкин. Бироқ, ҳозирги даврда бу муаммонинг илмий ҳамда илоҳий ечимлари ҳақида мулоҳазалар мавжуд. Якка худоликка ўтган жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида одамзоднинг яратилиши илоҳиёт, яъни диний тасаввур билан боғланган тарзда тақдим қилинган. Жумладан, “Библия”да одамзод илоҳий куч, аниқроғи худонинг инояти билан бундан 7 минг йиллар аввал “қизил

лой”дан яратилган эканлиги айтилган бўлса, Ислом дунёсининг муқаддас китоби “Қуръони Карим”да ҳам одамнинг лойдан ясалганлиги, шу билан бир вақтда Оллоҳнинг иродаси билан унга жон киритилганлиги ҳақида таъкидланади. Умуман қаралганда шунга ўхшаш кўпгина диний ривоятлар ҳам мавжуд. Хусусан, Зардуштийлик динида ҳам шу каби ривоятлар келтирилиган. Одамзоднинг биринчи вакиллари сифатида “Библия”да Адам ва Ева, Қуръони Каримда Одам ва Момо Ҳаво, Зардуштийлик динида эса Ийим номлари келтирилган. (Асқаров, 1994,16)

Тўртламчи босқич бошларида Ер қуррасининг ҳар хил қисмларида табиат ва иқлим шароитлар турлича эди, умумий тарзда олганда эса ҳозирги даврга нисбатан илиқроқ бўлган. Хусусан, Переней ярим оролидан Хитойгача бўлган ҳудудлар субтропик, Осиёнинг Жанубий минтақалари ҳамда Африканинг катта қисми эса тропик минтақалардан иборат бўлган (Қабиров,Сағдуллаев, 1990, 10). Учламчи давр сўнги ва тўртламчи даврнинг охирларида ҳам мазкур ўлкаларда одамзодга ўхшаш жонзодлар, балки, уларнинг энг дастлабки вакиллари яшаганлиги ҳақида илмий мулоҳазалар мавжуд. Тўғри, Одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақида олимлар ўртасида турли қарашлар, мулоҳазалар юритилиниб келинган. Жумладан, шулардан Оврупалик О.Шпенглер одамзоднинг энг қадимги аجدодларини биз билмаймиз, лекин, одам барча замонларда ҳам ҳозиргидай эди, деган фикрни билдиради. Бу олим билан ҳамфикр бўлган Клейншмид эса, одам ҳамма вақтларда ҳам онгли, ҳозиргидек бўлганлигини айтади. Одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақида инсоният тарихида яқка худоликнинг жорий этилиши ҳамда шу билан боғлиқ диний манбаларда, халқ оғзаки ижодиётида турли ривоят ва афсоналар ҳам кам эмас. Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида диний қарашлар билан бир вақтда фан оламининг ҳам ўз йўналиши мавжуд. Дин билан боғлиқ маълумот ва ривоятлардан ташқари, одамнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳамда бу масалага ҳолисона қарашлар эса қадимги вақтлардан бўён бордир.

Масалан, қадимги Юнон файласуфи Арасту (Аристотел. мил. авв. 384-322 йй) ҳам бу ҳақда яъни, одамнинг табиат маҳсули эканлигини, табиат эса, моддий асосга эга бўлган нарсалар йиғиндисидан иборатлиги ва у ҳар доим ҳаракатда ва ўзгаришда бўлишини эътироф қилиб, одамзод ҳам қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга, мавжудодликдан одамзод дунёсига ўсиб чиқди, деган ғояни кутариб чиққан эди. Ўрта аср Шарқида “Биринчи муаллим” деб аталган ва фалсафа фани тараққиётида янги давр яратган, табиб оиласида вояга етган бу мутафаккирнинг фикрлари нечоғлиқ илмий ҳақиқатга тенглиги кўриниб турибди. Тўғри, қадимги давр тадқиқотчилари тасарруфида ҳали бу ҳақда, хусусан, археологик, антропологик далиллар йўқлигини инобатга олиш ўринлидир. Аммо, ўрта асрларда мазкур масалада ғайри диний қарашларни илгари сурган кишилар инквизиторлар томонидан жазоланган, ҳатто гулханга ташланганлиги тарихда маълум. Жумладан, Италиялик файласуф Лючио Ваннининг тақдири шундай тутаган эди.

Сўнги асрларда турли таъкибларга қарамасдан мазкур масала юзасидан бир қанча тадқиқотчилар ҳам ўз қарашлари билан майдонга чиққан эди. Хусусан, швед олими Жемс Манбоддо биринчи бўлиб одамнинг энг олий

типдаги одамсимон мавжудодлардан тарқалган, деган фикр билан чиққан эди. Аммо, бу тадқиқотчининг замондошлари олий типдаги “маймун” сифатида арангутан каби маймунларни тушуниб, жиддий хатоликларга ҳам йўл қуйишдилар. Бироқ, ўша вақтларда ҳам “маймун”ларнинг одамга айланишида меҳнатнинг роли катта эканлигини таъкидлаган бўлсаларда, аммо улар “арангутан” меҳнат қилса ҳам ундан ҳеч қачон одам пайдо бўлмаслигини тушуна билмадилар.

Аммо, XIX асрга келиб ва унинг давомида одамнинг келиб чиқиши ҳақидаги масала ва у билан боғлиқ қарашларда сифат ўзгаришлари содир бўлди. Хусусан, бу вақтга келиб, Овропада қатор кашфиётлар қилинган бўлиб, бу муаммо ҳақида илмий қарашлар юз берди. Бу борада Ч.Дарвин қарашлари олимларнинг фикрини жалб қилган эди. Хусусан, Ч.Дарвин одамзоднинг энг олий типдаги “маймунсимон” аجدодлар билан боғлиқлиги ҳақидаги таълимотни илгари қўйди. Бинобарин Ч.Дарвин тасарруфида янги маълумотлар мавжуд эди. Жумладан, бу вақтга келиб, қадимги одамларнинг бир неча қазилма қолдиқлари топилиб ўрганилмоқда эди. Масалан, 1848, сўнгра эса 1864 йилларда Испаниянинг Гибральтар буғози атрофида ишчилар тоғ қоясини кулатиш жараёнида энг қадимги одамнинг пастки жағисиз калла чаноғи, 1856 йилда Германиянинг Дюссельдорф шаҳрига яқин Неандерталь водийсидаги Фельдгофер ғорини тозалаш вақтида Гибральтар топилмасига замондош одам бош қопқоғи ва унинг бошқа суяк бўлаклари топилган эди. Топилма жойининг номидан келиб чиқиб, уни неандерталь одами деб фанга киритилди ва шу ном билан аташ ҳозиргача расм бўлиб қолди. Бу қизиқарли топилмалар зикр қилинган муаммо юзасидан олимлар эътиборини янада кучайтирди. Неандерталь одамнинг бош суяги ўрганилиб, унинг мия ҳажми 1400 см кубга яқин бўлиб, онгли, яъни ҳозирги замон одамига ўхшаб кетарди. Хуллас, юқорида айтилганидек, бу иккала топилмалар фан оламида неандерталь одами номи билан жой олди. Соҳа тадқиқотчиларининг хулосаларига кўра неандертал типдаги одамзод бундан 100-40 минг йиллар бурун яшаган. Сўнгги йилларда, неандертал типдаги одамларнинг қазилма қолдиқлари ер куррасининг турли ҳудудларида топилиб ўрганилди ва топилмоқда. Бу қадимги одамлар анча бақувват, бўйи ўртача 165 см бўлган, энг муҳими улар тошдан хилма-хил меҳнат қуроллари ясаганлар. Меҳнат қуроллари орасида қўл чопқиси, қирғичи кабилар уларнинг асосий меҳнат воситаси бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган янги топилмалар ҳам олимлар эътиборини қозонди. Жумладан, 1856 йилда Фаранг палеонтолог Лартэ Австриянинг Юқори Горонно деган жойида ер тарихининг миоцен ётқизикларидан, яъни бундан 5-12 миллион йиллар бурунги қатламдан энг олий типдаги одамсимон “маймун”нинг учта тиш билан пастки жағини топиб ўрганди. Уни олимлар дриопитек (дарахтда юрувчи “маймун”) деб ном беришиб, фанга киритдилар.

Эндиликда жаҳоннинг ҳар хил ҳудудларидан дриопитекларнинг 10 дан зиёд хиллари топилганлиги маълум. Аммо, бу топилмалар Австрия дриопитекгидан кескин фарқли бўлиб, уларнинг айримлари мутахассисларнинг фикрига қараганда, ҳозирги вақтда мавжуд бўлган шимпанзе, гиббон,

арангутан, горилло каби ҳозирги замон маймунларининг аجدодлари эканлиги аниқланган. Аммо, Австрия топилмаси Ч.Дарвин томонидан мукаммал ўрганилди, бу ишга кўпгина билимдон мутахассислар жалб қилинди ҳам. Маълум бўлдики, Австрия топилмаси бошқалардан кескин фарқ қилиб, хусусан, унинг тишларида одамзод тишларига хос белгилар борлиги исботланди (Аскарлов, 1994, 18). Ч. Дарвин бу топилмада одамзоднинг илк аجدодларини кўра билди. Ч. Дарвин яратган таълимотга кўра бошқа дриопитеклардан одамзод аждодининг тарқалиши мумкин эмас. Тўғри, Дарвин айтган дриопитеклар аллақачонлар ўлиб кетган. Ундан қолган из эса сўнгги авлод эди. Хуллас, бу таълимотнинг тарафдорлари фан оламида аксариятни ташкил қилди. Демакки, бошқа дриопитеклардан одамзоднинг илк аجدодлари пайдо бўлмагандек, ҳозирги замон маймунларидан ҳам ҳеч қачон одам зоти тарқалмаганлиги фанда исботланган.

Одам ҳайвонот дунёсидан узоқ давом этган тадрижий ривожланиш жараёни натижасида меҳнатнинг маҳсули сифатида ажралиб чиққан. Машҳур инглиз табиатшунослар Ч.Дарвин ва Т.Гексли бу олий типдаги одамсимон мавжудотлар одамнинг илк аجدодлари эканлигини таъкидлаб, эволюцион жараён натижасида одам шу одамсимон мавжудотлардан келиб чиққанини исботлашга эришдилар. Тўғри, Ч. Дарвин одамнинг вужудга келишидаги муҳим омил жинсий танланиш жараёни туфайли эканлиги ҳақидаги таълимотни яратди. Аммо, у бу жараёндаги буюк социал омилни - меҳнатнинг ўзгартирувчилик моҳиятини пайқай олмаган эди.

Одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тадрижий таълимотда Австрия дриопетиги билан неандертал одами ўртасида албатта ибтидоий аждодларимизнинг оралиқ вакиллари бўлган ва яшаганлиги таъкидланган. Изланишлар, тадқиқотлар давом эттирилаверилди ва янги натижалар қўлга киритилди. Хусусан, 1926 йили юқорида эслатилган Гибралтар қояси ҳудудидаги ғорлардан бирида яна ибтидоий одам суяклари ҳамда улар билан боғлиқ ва бирга тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилди, шунингдек, топилмалар 1924 йили Қримдаги Киккоба ҳамда 1938 йили Ўзбекистоннинг Тешиктош ғорларидан ҳам бу каби манбалар топилди. Бу топилмалар ҳам одам қолдиқлари билан бирга тош қуролларининг мавжудлиги билан боғлиқ эди.

Ўткан асрнинг 90-йилларига қадар, бундай топилмалар жаҳоннинг 50 дан ортиқ нуқталаридан топилиб ўрганилди. Шунингдек, Неандертал қиёфасидаги одамларнинг қазилма топилдиқлари Африкадан, Ўрта Ер денгизининг шарқий қирғоқларидан, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳудудларидан, Қора денгиз бўйларидан, Шарқий Овропадан ва Осиё мамлакатларидан топилиб ўрганилди.

Неандерталларнинг ташқи қиёфаси ва фикрлашда соддалик, дриопитекларга хос белгилар сақланиб қолган бўлса-да уларнинг бош миёси у қадар ривож топмаган эди. Аммо, неандерталлар ўзининг аввалги аجدодлари архантроплардан кескин узоқлашиб кетиб, ҳозирги қиёфадаги одамларга жуда яқинлашиб қолган эдилар. Юқорида зикр этилганидек неандерталь типдаги бу аждодларимиз бош суягининг ҳажми 1400-2000 куб сантиметрдан ошмайди.

Антропогенез муаммоларини илмий асосда ечишда турли йилларда Ер куррасининг ҳар хил ҳудудларида, хусусан, Австрия, Индонезия, Хитой, Африка, Осиё каби кенг минтақалардан топилиб ўрганилган макону манзилгоҳлар, улар билан бирга инсон аجدодларининг илк қолдиқлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, фан тараққиёти туфайли неандерталь одамларнинг ўтмиш авлоди бўлган, аввалги аجدодлари ҳам ўрганилинишга эришилди. Жумладан, 1890 йилнинг ноябрида голландиялик олим Евгений Дюбуа Индонизиянинг Ява оролида Кедунг-Броус дарёси соҳилидаги ер қатламидан одамнинг пастки жағини топди, 1891-1892 йиллардаги тадқиқотлар давомида эса, Ява ороли ҳудудидан яна бир неча одам суяклари ва улар билан бирга тош қуроллар топилди. Одам бош суягининг ҳажми 900 куб сантиметрга тенг экан. Шундай қилиб, дриопетек билан неандерталь одами оралиғидаги инсон тараққиётининг биринчи бўғини топилди. Е. Дюба Ява топилмаларини синчиклаб ўргангандан сўнг, одамзоднинг бу аждоди болдир суякларининг тузилишига қараганда икки оёқлаб юришга қобилиятли бўлган деган хулосага келди ва унга питекантроп (икки оёқлаб юрувчи «маймун» одам) деб ном берди. Питекантроп яшаган давр, олимлар хулосасига кўра бундан 1 миллион йил бурун бўлган деб белгиланди. 1950-1960 йилларга қадар олимлар уни меҳнат қуроллари ясай олиш қобилиятига эга бўлган илк ёки энг қадимги одам деб ҳисоблаб келишдилар. Лекин, фаннинг бу соҳасига эса доимий янгиликлар кириб келди.

1924 йилда Жанубий Африкада Ер қатламининг плиоцен (бундан 3-4 миллион йиллар бурунги давр) ётқизикларидан одамзод-нинг яна бир илк вакиллариининг суяк қолдиқлари топилиб ўрганилди. Бу топилма австролопитек (жануб «маймуни») номи билан фанга кирди. Австролопитекнинг бош чаноғи ҳажми 700 см бўлган. Текширув натижаларига кўра, дриопитекларнинг бош мия ҳажми эса 600-680 см кубдан ошмайди. Шундай қилиб, олимлар дриопитек билан питекантроплар яшаган оралиқ замонда австролопитеклар яшаганлигини исботлашиб, демакки бу тараққиёт оралиқ бугуни ҳам фандан жой олди. Тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра австролопитек одамзоднинг дриопитек типигаги мавжудотлар оламида одам дунёсига ўтишда эришилган биринчи қадам эди деб ҳисоблайдилар. Хуллас, агар биз дриопитекни энг олий типдаги одамсимон мавжудот («маймун») десак, австролопитек эса, бу тараққиёт йўлидаги галдаги иккинчи қадам, яъни маймунсимон одамлардан тадрижий тараққиёт туфайли узоқлашган аجدодларимиз вакили эканлигини эътироф қилиш мумкин. Питекантропларда буюк социал омил-меҳнат қилиш, тошдан қуроллар ясаш каби сифат ўзгаришлар содир бўлган эди.

Одамзод тараққиётини илмий тадқиқот қилиш ишлари фанда ҳар доим кескин муаммолар қаторида турган. Бу йўналишда изланишлар давом эттирилди ва янги натижаларга эришилди.

Шунингдек, 1950-1960 йилларга қадар, яъни Африкадаги тадқиқотларга қадар олимлар питекантропни меҳнат қуроллари ясай олиш қобилиятига эга бўлган илк одамзоти деб ҳисоблаб келишдилар.

Сўнгги йилларда бу одамзоти қолдиқлари Африка, Осиё ва бошқа жойлардан кўплаб топилиб ўрганилган. Ҳозирги вақтдаги олимлар хулосасига

кўра питекантроплар Африканинг Олдавой (Танзания) дарасидан топилган «иш билармон одам»дан кейинги бўгин босқичида турувчи ва яшаган энг қадимги одам эканлиги фанда эътироф қилинади.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб антропогенез борасида Шарқий Осиёда айтарли кашфиётлар қилинди. Хусусан, 1918 йилда Швед тадқиқотчиси Андерсон шимолий Хитой ҳудудларида текширувлар олиб бориб, жуда қадимги даврларга оид ҳайвонот дунёси қолдиқларини топган эди. Бу натижалар зикр этилган ҳудудда янада мукамалроқ текширувлар ўтказишни тақозо қилар эди ва шундай бўлди ҳам. Жумладан, 1929 йилда Пекин шаҳридан 60 км. жанубий ғарбда жойлашган Чжаукаутян қишлоғи атрофидаги ғорлардан ибтидоий аجدодларимизнинг суяк қолдиқларини топдилар ва олимлар уни синантроп (хитой одами) номи билан фанга киритдилар. Бу топилмаларни текширишда канадалик олим Д.Блэк хизматлари катта бўлди. Синантроп – хитой одами ҳам энг қадимги одамлар – архантроплар ҳисобланиб, унинг яшаган даври 500-600 минг йил билан белгиланди. Хитойнинг бу минтакаларида дала қидрув ишлари 1936 йилга қадар давом этди ва натижада 40 дан зиёд одам суяк қолдиқлари, улар билан боғлиқ тош қуроллар, ҳайвон суяклари ҳамда қалин олов – гулхан излари топилди. Текширувлар шуни кўрсатадики, синантроплар питекантропларга нисбатан анча ривожланган қадимги одамзод вакили эканлиги аниқланди. Унинг бош суягининг ҳажми 1100-1200 куб сантиметр эди.

Хитойнинг Хуанхэ дарёси ҳавзасида олиб борилган қидирув ишлари давомида 1968 йили Хитой олими Ву томонидан Ландян атрофидан топиб ўрганилган қазилма одам қолдиғини ҳам архантроплар қаторига киритиш мумкин. Маълум бўлдики, Ландян топилмаси синантропга нисбатан ҳам қадимийроқ экан. Сўнгги йилларда энг қадимги қазилма одамларининг қолдиқлари Овропада, жумладан, Германиянинг Гайделберг, Венгриянинг Будапешт шаҳарлари атрофларидан ҳам топилган бўлиб, улар ҳам аслида питекантропга анча яқин кишилар вакиллари эди. Шунингдек, сўнгги вақтда Осиё, Африка, Овропа мамлакатларининг бир неча жойларидан ҳам архантроплар яшаган макону манзилгоҳлар кўплаб топилиб ўрганилди. Шундай қилиб, синантроп питекантроп билан неандертал оралиғидаги бўгин ҳам топилди.

Хуллас, архантропларнинг ривожланиши жараёнида узлуксиз меҳнат кескин роль ўйнади ва жисмоний, ҳамда ақлий жиҳатдан доимий тараққиётда бўлиб, қадимги одамлар бўлган неандердалларнинг шаклланиши учун замин яратилган эди.

Питекантроп, синантроп ва неандерталлар тарихан ибтидоий тўда даврида яшаган қадимги одамлар эди.

Архантроплардан кейинги тараққиёт босқичида яшаган кишиларни фанда қадимги одамлар номи билан белгиланиб, олимларнинг фикрича, улар ҳозирги даврдан 100-50 минг йиллар бурун яшаганлар. Юқоридаги сатрларда ҳикоя қилингандек, қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари, дастлаб, 1948, 1964 йилларда Испаниянинг Гибралтар буғози ҳудудларида, сўнгра эса Германиянинг Неандерталь водийсида топилганлиги маълум. Ҳозирги кунда

фан неандертал одамларининг 6 хилини билади. Уларнинг қолдиқлари ер юзининг турли минтақаларидан топилди ва топилмоқда. Неандертал одамининг жисмоний тузилиши жиҳатидан ҳозирги замон одамига жуда яқин бўлган, хусусан, уларнинг жағ тишлари питекантропники сингари бўртиб чиқмаган, бўйи ўртача 165 см. бўлган, аммо қўллари қўпол бўлиб, пешонаси ҳам бўртиб чиқмаган қиёфада эди. Неандертал қиёфадаги одамларнинг қазилма қолдиқлари жаҳоннинг жуда кўпгина мамлакатларидан, хусусан, Африка, Ўрта денгиз шарқий қирғоқларидан, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳудудларидан, Қораденгиз бўйларида, Шарқий Овропадан ва Осиё заминидан топилган. Мамлакатимиз Ўзбекистонда эса Тешиктош ғоридан топилиб ўрганилган.

Археологик нуқтаи назардан, неандертал қиёфасидаги одамлар палеолит даврининг ўрта босқичида (100-50 минг йиллар бурун) яшаганлар. Бу даврда ҳам, авваламбор, меҳнат жараёнида инсон тафаккури ва жисмоний ривожланиши доимий тараққиётда бўлди. Бу тараққиёт узок давом этган жараён бўлиб, инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфадаги одамлар ҳозирги замон қиёфасидаги кишиларга айлана бордилар. Одам тараққиёти аслида меҳнатнинг махсули сифатида доимий ривожланишда бўлди. Бу борада табиий иқлим, экологик шарт-шароитлар ҳам муҳим роль ўйнади. Кишиларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний камол топа бориши туфайли ҳозирги қиёфадаги ақлий одамларнинг шаклланишига замин яратилганди. Бу жараённи мукамал англаб олиш учун айрим топилмалар ҳақида қисқача тушунча бериш лозим.

Масалан, 1868 йилда бу каби ихтиро Францияда содир бўлди. Мамлакатнинг Дордона вилоятидаги Кроманьон ғорида 5 та одам кўмилган мазор текширилди. Бу топилма одамларнинг бош чаноғи ҳажми ўртача 1590 куб сантиметрга тенг бўлиб, бўйи баланд, яъни 180 см атрофида, юзлари юмалоқ, кенг, қош ости бўртиб чиққан, пешонаси эса ҳозирги замон одамларникига жуда ўхшашлиги аниқланди. Хуллас, улар скелетининг тузилиши ҳозирги замон одамлариникидан фарқ қилмайди. Бу ғордан тошдан ясалган меҳнат қуролларининг хилма-хиллари топилди. Тадқиқотчилар бу топилмани шу ғор номи билан кроманьон одами – ақлли одам деб атадилар. Айни вақтда кроманьон қиёфадаги одам қолдиқлари жаҳоннинг 100 дан ортиқ жойларидан топилган. Бу қиёфадаги одам қолдиқлари Самарқанд палеолит маконидан ҳам топилган эди. Кроманьон одамлари миллоддан аввалги 40-12 минг йилликларда, яъни сўнгги палеолит даврида яшаганлар.

Антропогенез муаммоларини ойдинлаштиришдаги тадқиқотлар сўнгги йилларда ҳам сусайтирилган эмас. Хусусан, 1932-1933 ва 1967-1971 йилларда Африкада иш олиб борган халқаро экспедициялар катта илмий натижаларга эришдилар. Жумладан, ёши 4,5 миллиондан 1,5 миллион йилгача бўлган 600 метрлик чуқурликдаги қатламлардан австралопитекларнинг жуда кўп қолдиқлари топилди. Бу далиллар эса одамнинг пайдо бўлиши масалаларига доир кўпгина жумбоқларни ечиб берди. Жумладан, сўнгги 60-40 йиллар давомида одамнинг келиб чиқиши муаммоларига доир катта тадқиқотлар бажарилди. Хусусан, дунё жамоатчилигининг диққат эътибори Шарқий

Африкадан топилган одамнинг энг қадимги вакиллари қолдиқларига қаратилди. 1959-1963 йилларда инглиз олимлари, хусусан, Луис Лики Шарқий Африканинг (Танзаниядан) Олдовай дараси ва Ома дарёси (Хабашистон) водийсидан Француз олими К.Арамбур, америкалик Ф.К.Хауэлл ва И.Коппеннинг 1967-71 йиллардаги ва ниҳоят Кениянинг Рудольф кўли атрофидаги Ричард Лики (Л.Ликининг ўғли)нинг 1968-1974 йиллардаги кашфиётлари одамнинг пайдо бўлишини ўрганишдаги янги даврини очиб берди.

1959 –1960 йилларда Л.Лики Олдовай дарасида энг қадимги аждодларимизнинг суяк қолдиқларини топди. Бу ерда, ер қаърининг жуда чуқурлигидан одам бош суяги билан бирга майда ҳайвон суяклари, тўнғиз ва антилопа суяклари ҳамда тош қуроллар топилди. Олимлар бу мавжудотга зинжантроп яъни «иш билармон одам» номини беришди ва унинг яшаган даврини австролопитек билан питекантроп оралиғи деб белгилашди. Л.Ликининг ўғли Ричард Лики эса Кения ва Хабашистон ҳудудларидан қидирув ишлари натижасида австролопетек ва презинжантроп сингари мавжудотларни жуда кўп суяк қолдиқларини ва меҳнат қуролларининг топишга эришди. Хабашистон презинжантроплари ҳам «иш билармон одам» деб аталиб, бу мавжудотлар 2,5-3 миллион йил муқаддам яшаган эканлар, деган фикрлар мавжуд. Бу «иш билармон одамлар»-архантроплар (юнонча – архайос – дастлабки, антропос – одам) тошдан меҳнат қуроллари ясаш қобилиятига эга бўлганлар. Зинжантропнинг суяк тузилиши ва бош суяги кўп жиҳатдан питекантропларникига бир мунча яқинлашади. Олимлар орасида мулоҳазалар кўп. Жумладан, зинжантроп топилган геологик қатламнинг санаси 1,5-2 миллион йил билан белгиланмоқда. Умуман қараганда, тадқиқотчиларнинг мулоҳазаларига кўра, Африка архантроплари ер юзидаги энг қадимги одамларнинг дастлабки вакиллари эканлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Хулласи, бу дегани, одамзоднинг меҳнат қила бошлаган илк аждоди питекантропга қадар зинжантроп бўлган, деган хулосага олиб келинди. Хусусан, агар шимпанзе маймун мия қуттисининг ҳажми $350-400\text{ см}^3$ ни ташкил этса, «ишбилармон одам» мия қуттисининг ҳажми $670-680\text{ см}^3$ дан иборат экан.

Хуллас, юқорида баён этилганидек, XIX асрнинг деярли ўрталаридан бошлаб сўнгги йилларга қадар қўлга киритилган манбаларни ўрганишдан келиб чиқиб, антропогенез муаммолари ҳақида маълум илмий хулосалар билдириш мумкин. Жумладан, инсоният ўзининг ҳозирги қиёфасига етиб келгунича 10-15 миллион йиллик катта тарихий даврни босиб ўтди. Бу кишилар фанда хома сапиенис – ақлли, идрокли одамлар номи билан аталди. Тарихан чуқур қаралганда, одамзот табиатнинг ажралмас бир бўлаги сифатида Ер тарихининг маълум бир босқичида, яъни миоцен даврида меҳнат туфайли ҳайвонот олаmidан ажралиб чикди. Одамнинг пайдо бўлиши Ердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий қурол – чўқмор ясаган бўлса, бу жараён узлуксиз меҳнат туфайли такомиллашиб борди ва тараққиёт сари доимий интилиш ва қайта куриш натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди. Тўғри, юқорида биз бир мунча илмий хулосалар ҳам келтирдик. Жумладан, одам фанда дастлаб энг олий типдаги одамсимон

мавжудот дриопитекдан ажралиб чиққанлиги эътироф қилинди. Тўғри, дриопитекларнинг 10 га яқин турлари фанда маълум. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам одамларнинг илк аجدоди бўлмаган. Фаннинг тақозо қилишича одам фақат Австриядан топилган ва Ч. Дарвин томонидан ўрганилиб хулосага келинган дриопитеклардан тарқалган, деб айтиш мумкин. Сўнгра, илк аجدодларимизнинг ҳайвонот олаmidан одамзот дунёсига кўйган дастлабки қадами австролопитеклар замонида содир бўлганлиги –эътироф қилинади. Зинжантроплар, питекантроплар тошдан қуроллар ясаб, меҳнат қила бошладилар ва улар одамзотнинг илк аجدодлари эди. Одамзот тарихида оловнинг кашф қилиниши муҳим воқеа ва аҳамиятга эга бўлди. Бинобарин, одамзотнинг илк шаклланиши плейстоцен (музлик) даврига тўғри келди. Жаҳоннинг, айниқса, шимолий Овropa ҳамда Осиёнинг тоғлиқ ўлкаларини қоплаган музликларнинг даврий кенгайиши ва қайтиши ҳодисалари рўй берган. Табиий иқлим шароитларининг бундай кескин ўзгариб туриши жараёнида олов кишилар учун ҳаёт – момот эди, десак хато эмас. Оловнинг кашф қилиниши туфайли кишилар гўштни хомаки пиширган ҳолда истеъмол қила бошладилар. Натижада уларнинг фикрлашида ўзгариш юз берди ва бу ҳодиса эса, одамнинг умумбиологик, жисмоний тараққиётида узлуксиз ўзгаришлар яратилиниб, ҳозирги замон одами томон ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Палеолитнинг сўнгги босқичида, яъни кроманьон одамлар даврига келиб, илк аجدодларимиз янада тараққиёт поғонасига эришди, уларнинг биологик, жисмоний тузилиши, қиёфаси ҳозирги замон одамидан фарқ қилмайдиган ҳолатга кирди. Бу давр одамлари замони илк уруғчилик жамоасининг бошланиши ва дастлабки куртаги шаклланиб, сўнгги палеолит даврида эса бу жараён бир мунча ривожланиш даражасига эришди. Ана шу даврга келиб, табиат ҳодисаси ва экологик жараёнлар билан боғлиқ ирқларнинг пайдо бўлиши ташкил топди. Юқорида зикр этилган оддийдан мураккабга қараб эришилган ўзгаришларнинг асл заминида меҳнат ётарди. Хуллас, одамнинг вужудга келишида диний, илоҳий, тасаввуф фикрлар мутлоқо рад этилмаган тақдирда ҳам, одамзотнинг шаклланишини илмий нуктаи назардан қаралганда у узлуксиз меҳнат жараёни маҳсули эканлиги асослидир. Ушбу зикр этилган манбалар замирида жамиятшунос олимлар меҳнат назариясини яратдилар ҳам. Бу назарияга кўра, меҳнат қуролларини ярата билиш ва улар ёрдамида муҳитга маълум таъсир ўткази олиш одам ижтимоий моҳиятининг энг бирламчи белгисидир. Меҳнатнинг ривожланиши, турли зарурият орқасида жамоа аъзоларида бир-бири билан яқинроқ жипслашишига интилиш кучаяди, ҳамда бир-бирига нималарни айтиш эҳтиёжи туғилади. Шундай қилиб, аввало меҳнат, сўнгра у билан бирга бурро-бурро сўзлашиш, натижада онгнинг ривожланиши каби омиллар, хуллас, нутқ, тилнинг вужудга келиши одамнинг мавжудотлар олаmidан ажралиб чиқишида устувор аҳамият касб этди. Одамзот ўзининг бошланғич тарихида жамоа бўлиб яшаш ва меҳнат жараёнида бир-бири билан ўзаро муносабатлар – ишлаб чиқариш муносабатларида бўла бошладилар. Маълум тараққиёт даврида, шунингдек, ижтимоий меҳнат жараёнида эса кишиларда ҳодисаларнинг, воқеяликнинг моҳиятини, табиат ҳодиса ва қонунларини билиб олишга интилиш зарурияти вужудга келди.

Кишиларнинг табиат кучларига таъсир кўрсатиши вақт ўтиши билан унга ҳукмронлик қилиши даражаси оша боради, оламни билиш доираси эса кенгайиб боради. Ижтимоий ишлаб чиқариш заминида эса, одамнинг табиий эҳтиёжлари ўзгара боради, янги, фақат инсонга хос, моддий ва маънавий эҳтиёжлар пайдо бўла бошлайди. Тарихий жараёнда, моддий ишлаб чиқариш асосида маънавий маданият шакллана боради ва доимий тараққиётда бўлди, натижада ижтимоий онгнинг турли шакллари вужудга келди. Бу жараённинг тобора ривожланиши ва такомиллашуви моддий ва маънавий маданиятнинг ўсиши учун кучли омиллардан бўлди. Маънавий маданиятнинг илк куртаклари дастлабки меҳнат воситаларини кашф қилиш билан боғлиқ бўлиб, унинг шаклланиш илдизлари нақадар қадимий эканлигини кўрсатади. Хуллас, одамзот поғонама-поғона тараққиёт туфайли ҳозирги давр юксак маданиятига эришди.

Юқорида билдирилган маърузаларимизда илк палеолит даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда мавжуд бўлган қулай жўғрофик шароити жуда қадимги вақтларданок кишилар эътиборини жалб қилганлиги ҳақида фикрлар билдирилган эди. Хусусан, ўша маърузаларимизда Жанубий Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон мамалкатлари ҳудудларидан топилиб ўрганилган ёдгорликлар ҳақида фикр юритиб, бу топилмалар Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудлари антропогenez жараёни содир бўлган минтақалар қаторига кўшиш мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилинган эди. Хусусан, Фарғона водийсидаги Селунғур, Оҳангарон туманидаги Кўлбулоқ, Тожикистондаги Кулдора, Лахути, Қозоғистондаги Бабтак каби макону манзилгоҳларнинг бир миллион йил санага эга эканлиги бу фикримиздан далолат беради. Хусусан, Фарғона водийсида ўрганилган Селенғур ғор макони берган археологик, антропологик манбалар бу муаммони янада ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Ўрта Осиё қадимги замонлардан мавжуд бўлган табиий иқлим ва экологик шароитларига кўра, бу ерда ибтидоий тўда даврининг ашел босқичларидан бошлаб, аجدодларимиз эътиборини тортганлиги ҳамда бу минтқада синантропларнинг замондошлари илк бор макон топганлиги каби далиллар, бу ватанимиз ҳудудлари одамнинг пайдо бўлиши тизимига киришини кўрсатди. Фергантроп одамнинг пайдо бўлиши шажарасида питекантроп билан неандерталь одамлари оралиғидаги бўғинни тўлдирди.

Аммо, ҳозирги вақтда антропогenez масаласида олимлар орасида турли мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, одамзот ҳайвонот олаmidан биринчи бор қаерда ажралиб чиққан, хулласки, унинг дастлабки ватани қайси ҳудуд эканлиги ҳақидаги масалада ҳам ягона ҳулосага эга эмаслар. Табиатшунос олим Ч. Дарвин бундан бир асрдан кўпроқ вақт аввал одамзотнинг вужудга келган дастлабки бешиги Африка қитъаси эканлиги ҳақида фикр билдирган эди. Аммо, сўнгги 100 йилдан кўпроқ вақт ичида антропогenez масаласи юзасидан кўпгина янги маълумотлар қўлга киритилди ва бу муаммонинг муҳокамаси янада кучайди. Айниқса, юқорида айтганимиздек инглиз олимларининг сўнгги 40-30 йил давомида олиб борган тадқиқот натижалри кўп олимларни одамнинг дастлабки ватани Африка эканлигига мойил қилиб қўйди. Бироқ, сўнгги йилларда бу масалани ўрганиш борасида Шарқий, Шарқий-Жанубий Осиёда,

Ўрта Осиё, Кавказ, Марказий ва Жанубий Овropa мамлакатлари ҳудудларидан топилиб ўрганилган ёдгорликлар ва улардан тўпланган археологик ҳамда антропологик манбалар эса, одамнинг дастлаб пайдо бўлиш ватани нафақат Африка, шунингдек, Овropанинг катта бир қисми, Шаркий Осиё, Ўрта Осиё ва Қozoғизтон, Кавказ каби минтақалар ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги давр етакчи олимларидан В.А.Ранов тарафдорлари кишиликнинг дастлабки макони Африка, Ю.А.Мачанов тарафдорлари эса Осиё эканлиги ҳақида ўз фикрларини билдиришган. Тўғри, бу мураккаб, қатор йиллар тадқиқотларни талаб қилувчи ушбу масала ҳозирча ҳал қилинган эмас ва уни мутлоқо ҳал қилиш масаласи олимларнинг келажакдаги ишидир.

Тош асрда меҳнат қуролларни ишлаб чиқаришда хом ашё масаласи.

Тош асрда меҳнат қуролларини яратиш учун хом ашё танлашнинг аҳамияти. Ўрта Осиёда чақмоқтош конлари ва устахоналарнинг ўрганилиши аҳволи. Чақмоқтош қурол ясаш учун зарур хом ашё эканлиги. Ибтидоий даврда кон ишларининг ривожланиши ва турмушдаги аҳамияти. Чақмоқтош маданий алмашув алоқалари воситаси эканлиги. Ватанимизнинг куҳна тарихини ўрганишда ибтидоий кон ишларининг ўрни ва аҳамияти.

Ибтидоий даврнинг тош асрида меҳнат қуролларини яратиш учун фойдаланиладиган жисмларни – хом ашё танлаш, уни қидириб топиш, қазиб чиқариш, ва дастлаб қайта ишлаш технологияси каби масалалар фанда ҳамон камчил ўрганилган соҳалардан ҳисобланади. Ибтидоий даврнинг энг дастлабки босқичларида кишилар меҳнат қуролларини ясаш мақсадида турли қаттиқ жисмларни, айниқса, тошларни “синаб” кўришганлар. Бу жараён узоқ вақтлар давом этган. Сабаби, дастлабки танланган тош жинслари ўзларининг турлича сифатлари билан ва турмушда уларни қўллаши натижаларига нисбатан ҳам ўз ўрнини топа олмаган. Шу боисдан узоқ тажрибалар талаб қилинар эди. Масалан, энг қадимги даврларга доир маконларни ўрганиш борасида бундай жараёни кузатиш имкониятига эга бўлинди. Аста-секин кишилар қурол ясаш учун тош жинсларнинг сифат сирларини билиб олишга эришдилар. Хусусан, чақмоқтош бу борада жуда қўл келди. Зеро, чақмоқтош, авваламбор, ўзининг чиндан мустаҳкамлиги, уни синдириш, қайта ишлаш жараёнида зарур ва ўткир қиррали парақа, ҳамда учирма парақаларини бериш хусусиятларига эга бўлиб, бундай бўлақлардан кишилар оддий, ўз даврига хос ва зарур турмуш қуроллари яратиш сирларини билиб олишганлар. Бу жараён ҳам узоқ вақт талаб қилинган. Тўғри, чақмоқтош бўлмаган ҳудудларда эса, шунга ўхшаш тош жинсларидан фойдаланишганлар. Аммо, фойдаланилган тош жинсларининг хусусиятига нисбатан яратилган меҳнат қуролларининг “ишчанлик” сифати турлича бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралганда ҳам жаҳоннинг турли ҳудудларида ўрганилган макону манзилгоҳлардан топилган меҳнат воситаларининг “этнографик жиҳатдан” (М.Ж) фарқи бўлиши мумкин ва шундай.

Демакки, ибтидоий даврда кон ишлари турмушда муҳим аҳамият касб этган, зеро, кон ва шахталардан чакмоқтош қазиб олиш, ҳамда улардан меҳнат қуроллари яшаш учун бўлақларни танлаш, бирламчи ишлов бериш жараёнларини кузатиш, шу нуқтаи назардан қурол ишлаб чиқариш технологик маданиятини кузатиб, хулосаларга келиш, ибтидоий давр тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Дала археологик тадқиқотлар туфайли чакмоқтош конлари, улардан фойдаланиш усуллари, ҳамда олинган хом ашёга бирламчи қайта ишлов бериш устахоналарини топиб ўрганиш юқорида эслатилгандек ибтидоий тарих ҳақида қизиқарли маълумотлар берди. Хусусан, шундай ёдгорликлар Кавказ, Озов бўйи, Белгород вилоятида, Белоруссия, Волга бўйлари, Украина ва Сибирдан топилиб ўрганилган.

Ўрта Осиё миқёсида устахона ва конлар Қирғизистоннинг Олой тоғидаги Данғи дарасидан, Ўзбекистондаги Нурота тоғ тизмасининг Қоратовидан, Оҳангарон воҳаси ва Қизилқум каби кенг ҳудудларда сероб топилиб ўрганилди.

Бу ўринда, айниқса, ЎзФА археология институти экспедицияси академик Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигидага бўлим томонидан 1951-1965 йилларда ўрганилган Қопчиғой, Қоратов ва Оҳангарон чакмоқтош устахоналарининг ўрганилиши қизиқарли натижалар берди.

Қопчиғой палеолит даври устахонаси Фарғона шаҳридан 40 км жанубда, Олой тоғининг Данғи дарасида жойлашган. Тўғри, айтилиши мумкин бу ёдгорлик Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳудудига қарашли бўлиб, бу ҳудудда дастлаб атоқли олим А.П.Окладников, кейинчалик М.Р.Қосимов томонидан қизиқарли тадқиқот ишлари бажарилди. Бу ерда, очиқ жойда чакмоқтош кони мавжуд бўлиб, палеолит давридан бошлаб инсон жамоалари фойдаланиб келган экан. Ёдгорликни текшириш жараёнида сон-саноксиз чакмоқтош синиқлари, хилма-хил ўзаклар, қурол яшаш учун мослаштирилган бўлақлар ва чиқиндилар топилган. Маълум бўлдики, кишилар гуруҳлари бу кондан ашел даврининг сўнгги босқичларидан эътиборан фойдаланиб келганлар экан. Қизиқарлиси ҳам шундаки бу хом ашёдан кенг доирада яшаб келган қўшни ҳудудлар жамоалари ҳам фойдаланишган экан. Устахона ҳатто мезолит ва неолит давриларида ҳам “хизмат” қилган. Масалан, Тошқўмир, Қўшилиш ва бошқа қатор неолит маконларидан топилган меҳнат қуроллариининг маълум қисми шу кон ва устахона манбалари асосида ясалинилганлиги маълум бўлди. Тош асрида яшаган жамоалар усталари фақат зарур қурооллар билан кифояланмасдан узоқ-яқин ҳудудлардаги қароргоҳларга ҳам ташиб кетишганлар. Масалан, Самарқанд атрофидаги Чўпонота чакмоқтош кони хом ашёсидан ясалган меҳнат қуроллариини нафақат Самарқанд сўнгги палеолит маконида, балки ундан 35-40 км масофада жойлашган Сазағон мезо-неолит жамоалари манзилгоҳларида ҳам кузатиш мумкин бўлди.

Учтут ёдгорлиги яхши ўрганилган шундай устахона ва конлардан яна биридир. У Нурота тоғ тизмаси Қоратов жанубий этакларидаги ясси қирлардан бирида, Навоий шаҳрига яқин Ковоби қишлоғи атрофида, Учтут номи билан юритилинадиган жойда ўрганилган. Аслида, бу ёдгорлик 1958 йили археолог

Х.Муҳаммедов томонидан топилган эди. Кейинчалик ёдгорликни ўрганиш ишларида Т.Мирсоатов, М.Р.Қосимов, У.Исломовлар иштирок қилишдилар. Бу коннинг ўрганилишига бағишланган қатор асарлар эълон қилинган (Мирсоатов, 1973). Сўнгги йилларда эса ёдгорлик Т.Мирсоатов томонидан астойдил ўрганилди ва бу текшириш ишларига Санкт-Петербургнинг етакчи мутахассисларидан проф. С.А.Семенов, Г.Ф.Коробковалар жалб қилинди. Бу қароргоҳдан топилган ашёлар инсон жамоаларининг илк палеолит давридан бошлаб ундан фойдаланиб келганликларидан гувоҳлик беради. Бу ерда бир неча кон-шахталар қазилиб қурилди. Топилдиқ кон ишлари меҳнат воситалари ва тош жинслари асосида Археология Институтини қошида ибтидоий техникаси лабораторияси, унинг музейи барпо қилиниб, Ватанимиз тарихи билан қизиқувчилар учун илмий-услубий кўргазмалар муҳим аҳамият касб этди. Ўша йилларда Иджонт қишлоғи яқинидан ҳам палеолит ва мезолит даврларига доир чақмоқтош кони ҳамда устахонаси топилиб ўрганилди. Бу макондан қурол ясаш учун ғамлаб қўйилган манбалар топилди. Умуман, Қоратовнинг жанубий қияларидан бундай ёдгорликларнинг бир нечтаси топилиб ўрганилди. Умуман олганда, улар палеолит давридан то неолит даврларини ўз ичига оловчи кон ва устахоналардан иборат экан. 1966-1967 йилларда Учтут устахонаси қазиб ўрганилинди. Натижада қизиқ воқеа кузатилинди. Хусусан, бу ерда ер ости шахталари очилди. Маълум бўлдики, палеолит давридан бошлаб кишилар ер остидан сифатли чақмоқтош қатламларини қазиб, синдириб олишни билишганлар. Бунинг учун улар, чақмоқтошнинг йирик харсанглари устига олов ёқиб, қиздиришган ва ҳайвон териларидан тикилган мешларда сув келтиришиб, обдан қизиган тош устига сувни қўйишганлар. Натижада харсанглари парчаланган ва зарур, керакли тош бўлаклари юқорига, ер юзасига олиб чиқилиб, устахонада қайта ишлов беришганлар. Шахталарда тош қазиб олишда қўлланилган меҳнат қуроллари, хусусан, тош гурзилар, тўқмоқлар, ҳамда Бухоро буғиси, қорамол шоҳларидан ясалган қазлағич қуроллар топилди. Уларнинг излари шахта деворларида ҳам сақланган экан. Турмуш заруриятига нисбатан тошлардан ғамлаб олишиб, эҳтиётлик билан шахталарнинг кириш жойларини ялпоқ харсанглари билан бекитишганлар. Демак, бу жараён усталарнинг, ҳамда тошдан фойдаланувчи жамоалар бу ерда даврий равишда қатнаб, келиб турганликларидан гувоҳлик беради. Усталар тош қуролларни кўпинча шу жойда ясаганлар. Сон-саноксиз тош учриндилари бундан далолат беради.

1951-1953 йилларда Ўзбекистон ФА археология институтининг Мохондарё гуруҳи проф. Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигида Зарафшоннинг қадимги ирмоқ ўзани бўйлаб, бир неча жойларда неолит жамоаларининг маконларини топиб ўрганди. Шуларнинг энг қизиқарлиларидан бири – Қизилқир маконидир. Бу ёдгорлик қадимги Қизилқир шаҳарчасидан 2 км. шимолий-шарқ томонда жойлашган. Бу ерда чақмоқтош устахонаси ҳам топиб текширилди. Шунингдек, ёдгорликлар малакатимиз ҳудудларида кўплаб топилиб ўрганилган. Хусусан, 1962 йили ўқитувчи О.М.Ростовцев мактаб ўқувчилари иштирокида ўлкашунослик фаолияти юритиб, қизиқарли археологик дала кузатув ишларини олиб борди. Жумладан, у Оҳангарон дарёси воҳа

қирғоқларида палеолит даврига оид бир неча қароргоҳларни қаламга олиб, шу билан бирга чакмоқтош устахонаси ҳақида ҳам янги маълумотлар тўплашга эришди. Сўнгги йилларда эса бу ёдгорликлар М.Р.Қосимов томонидан ўрганилган эди. Шулардан бири Марказий Осиёда ва фанда машҳур палеолит макони Кўлбулоқ ёдгорлигидир. Шунингдек, 1998-1999 йилларда Зарафшоннинг пастки оқими, Қизилқум саҳроларини қамраб ётган Кўк-аёз чўкмаси қирларида ҳам чакмоқтош устахоналари топилинди ва ўрганилмоқда.

Ибтидоий кишилар сифатли чакмоқтошни биргина очик ва ёпик тарзда ер ости конларидан фойдаланиш билан кифояланмасдан, улар балки кенг доирада, хусусан тоғ дараларида, дарё қирғоқларидан ҳам излаб топишганлар. Қурол ясаш учун кишилар, одатда кўпроқ сифатли чакмоқтош, бу жинс бўлмаган ҳудудларда эса турли тошлардан ҳам фойдаланишганлар, аммо уларнинг барчаси ҳам сифатли чакмоқтошдек кутилган натижа бермаган, меҳнат қуроллари ҳам материалга қараб сифатсиз бўлиши мумкин эди. Чакмоқтошдан ташқари оҳақтош ва халцедон каби жинслар ҳам одатда кўпроқ қўлланилган. Чакмоқтош турли ранг ва сифатга эга бўлиши мумкин. Ибтидоий кишилар даврлар ўтиши жараёнида тошдан фойдаланиш тажирибаларига эга бўлганлар ва бу соҳа доимий такомиллашувда бўлиб, металдан фойдаланиш технологияси кашф қилинганга қадар ҳам давом этган. Аммо, мис, жездан фойдаланиш ихтиро қилинган асрларда уларнинг камчилиги ва ҳамон мўртлиги сабабли ҳам турмушда тош қуроллар қўлланилган. Тош қуроллар фақат темирдан фойдаланиш технологиясининг кашф қилиниши туфайли турмушдан сиқиб чиқарилади.

Юқорида зикр этилганидек, чакмоқтош сифати жиҳатидан ҳам ранг кўриниш туфайли ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Ибтидоий жамоалар чакмоқтош сингари сифатли хом ашёдан эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан фойдаланганлар. Ёдгорликларни ўрганиш жараёнида шу воқеалар кузатилиндики, одамлар тош учирмаларини, ишланган ўзакларни мутлоқо ташлаб юбормасдан, уларга қайта ишлов бериб, турли юмушларда кенг фойдаланишганлар экан. Ибтидоий даврда чакмоқтош хом ашёси буюм алмашиш воситасини ҳам бажарган. Хуллас, чакмоқтош конлари мавжуд бўлган ҳудудларда яшаган жамоалар ўз хом ашёларини бошқаларга текинга беришмаганлар. Тўғри, кўни-қўшничилик ёрдамлари ҳам унутилмаган. Демакки, чакмоқтош конлари жамоалараро иқтисодий ва маданий алоқа воситаси сифатида ҳам ўз даврида муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, ибтидоий давр кишилари шу тарзда меҳнат қуролларини яратиш борасида ҳам ўзаро тажирибалар орттирган, бир-бирларига таянган ва кўмаклашганлар. Хуллас, чакмоқтош конлари ва улар билан боғлиқ устахоналарни тадқиқ қилиш, илк аجدодларимиз маданият тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Умумий хулоса қилганда, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида қадимги аجدодларимиз – архантроплар яшаб, даврига нисбатан юқори маданият яратганлар. Хусусан, Ўрта Осиё ўзининг табиий иқлими ва экологик имкониятларига нисбатан ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичи – ашел давридан бошлаб энг қадимги аجدодларимиз эътиборини тортган, шунингдек бу минтақаларда Селенгур ғорида синантропларнинг замондошлари

илк бор макон топган. Бу далиллар Ўрта Осиёни одамнинг пайдо бўлиш ҳудудларига киритиш имкониятини берди. Фергантроп одамнинг пайдо бўлиши шажарасида питекантроп билан неандертал одамлари оралиғидаги бўғинни тўлдиришига олиб келди.

Мавзу: Жануби-ғарбий Туркманистоннинг энеолит даври археологияси

1. Жануби-ғарбий Туркманистоннинг энеолит даври умумий тавсиф.
2. Жануби-ғарбий Туркманистоннинг энеолит даврининг ўрганиш даражаси
3. Жануби-ғарбий Туркманистоннинг энеолит даври манзилгохлари
4. Жануби-ғарбий Туркманистоннинг энеолит даври моддий маданияти
5. Энеолит даври маданияти генезиси масалалари

Энеолит (мил. ав.IV-III минг йилликларнинг бошлари.) - бу дастлабки метал (энус - грекча «мис», литус - лотинча «тош») даври бўлиб, мис тош даври деб, ҳам аталади. Бу даврнинг катта ютуғи кишиларнинг дастлабки метал билан танишиб, тош қуроллари билан биргаликда мис қуролларидан ҳам фойдалана бошланишидир. Мис қуроллари тош қуролларига нисбатан анча такомиллашган бўлсада, мисдан кучли ва оғир қуроллар ясаб бўлмас эди. Шунинг учун мис коришмасидан ясалган қуроллар кишилар ижтимоий ҳаётида юқори мавқега эга булмади, тош қуроллар ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Бу даврда кишиларнинг хўжалик ва ижтимоий ҳаётларида йирик ўзгаришлар содир булди. Қадимги Шарқ (Месопотамия ва Олд Осиё)да шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши ва синфларнинг пайдо бўлиши кузатилади.

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида эса ўзлаштирувчи хўжалик ўрнида вужудга келган дехқончилик ва чорвачилик хўжалик шаклига айланиб, ҳудудий жихатдан кенгайиб боради. Лекин бу жараён Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида бир хилда кечмаган. Табиий географик жихатдан ноқулай булган шимоли-Шарқий ҳудудларда яшовчи қабилалар хўжалигида овчилик ва балиқчилик устунлик қилар эди. Демак, энеолитнинг илк ва ривожланган босқичларида Ўрта Осиё қабилаларининг ижтимоий ва иқтисодий ва маданий ривожланишида тафовут ва нотокесликлар сақланади.

Ишлаб чиқарувчи хўжалик асосида ривожланган Туркманистон аҳолиси Қадимги Шарқ маданияти районлари билан доимий алоқада бўлганлар. Ўрта Осиёнинг шимолий ва Шарқий ҳудудларида эса Калтаминор ва ҳисор маданиятларига мансуб маданий хўжалик шакллари давом этади. Ушбу ҳудудларда топилган ашёвий далилларга кўра аҳолининг иқтисодий ҳаётида овчилик ва балиқчилик асосий манба бўлганлигидан далолат беради. Шу билан биргаликда дашт аҳолиси тарихида чорвачиликнинг илк босқичи бошланган дейиш мумкин. Лекин, бу даврда неолит замони анъаналари ўз аҳамиятини йўқотмади. Аҳолининг асосий қисми кичик дарё соҳилларида ва кўллар атрофида яшаганлар.

Ўрта Осиёнинг энеолит даври Жанубий Туркманистон ҳудудида яхши ўрганилган. Бу ҳудудда энеолит даврини ўрганиш америка экспедицияси томонидан Ановда олиб борилган археологик тадқиқот ишларидан бошланади.

Бу ерда кенг кўламда олиб борилган илмий текширишлар 50-йилларда ЖТАКЭ фаолияти билан боғлиқ. Ёдгорликларни текширишда Б.А. Куфтун, В.М.Массон, В.И.Сарианиди, О.К.Бердиев ва И.В. Хлопин ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Бундан ташқари Юқори Зарафшонда Панжикент шаҳри деҳқончиликидаги Саразм манзилгоҳи ҳам ўрганилган бўлиб, унинг қуйи қатлами сўнгги мис-тош даврига оиддир.

Археологлар илмий текширишлар натижасида турар жойлар, суғориш тармоқлари ва улардан ўрин олган моддий топилмаларни ўрганиб, мис-тош даври маданияти ва тарихини мавафақиятли ёритдилар. Ўрганиш жараёнида Жанубий Туркменистон Қадимги дунё маданияти ривожига муносиб ўринга эга эканлиги равшан бўлди.

Энеолит даври манзилгоҳларнинг нисбий даври стратиграфик асосда аниқланади. чексиз даври эса Эрон ва Месопотамиядаги манзилгоҳлар билан шаклан солиштириб таҳлил қилиш ва радиокарбон таҳлиллари асосида аниқланади.

Ўрта Осиёда энеолитнинг асосий 3 даври ажратиб кўрсатилади: илк, ўрта ва сўнгги. Шу билан баргаликда ҳар бир манзилгоҳ ҳудудий белгиларига кўра даврлар ичида гуруҳларга бўлиниб, уларга у ёки бу комплекслар киради.

Илк энеолит даврига Анов I ва Намозгоҳ I манзилгоҳлари кириб, икки босқичи мавжуд. Анов I манзилгоҳи ҳудудий жиҳатдан ғарбий ва Шарқий гуруҳларга бўлинади. Намозгоҳ I эса ҳудудий жиҳатдан ғарбий, марказий ва Шарқий гуруҳларга бўлинади. Ривожланган энеолит даврига Анов II, Намозгоҳ II манзилгоҳлар киради. Намозгоҳ II ҳудудий жиҳатдан ғарбий ва Шарқий ҳудудларга бўлинади. Сўнгги мис-тош даврига эса Намозгоҳ III оид бўлиб, у ҳам ғарбий ва Шарқий ҳудудларга бўлинади. Юқори Зарафшон дарёси бўйида жойлашган Саразм (Саразм I, II) сўнги мис-тош даврига оид бўлиб, моддий топилмалар уни алоҳида гуруҳларга ажратиш имконини бермайди.

Бу даврга келиб қурилишда пахса билан биргаликда тўғри тўртбурчакли хом ғиштлар ҳам ишлатила бошлайди. қурилишда тошдан деярли фойдаланилмаган.

Мамаҳаллий меъморчилик анъаналарининг шаклланиши кескин мўътадил иқлим шароити муҳим ўрин тутди. Кам ёғин бўлганлиги туфайли уйларнинг томи болорлар билан текис қилиб ёпилган. Бундан яшаш (ёз кунларида) учун ҳамда хўжалик мақсадларида фойдаланилган.

Энеолит даврига келиб деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг янги ерларни ўзлаштириши натижасида кўп сонли янги манзилгоҳлар пайдо бўлади. Уларнинг баъзилари (Намозгоҳтепа, Олтинтепа, Қоратеп) нинг ҳажми анча катта. Баъзи бир манзилгоҳлар алоҳида қирқим кўринишидаги айланма деворлар (бундай иншоотлар Геоксюр воҳасининг Ўрта энеолит даврига оид манзилгоҳларда) аниқланиб, қўшни деворлар билан қўшилган. Булар кўринишидан яшаш учун фойдаланилган.

Энеолит даври кулолчилик соҳасида сезиларли ютуқларга эришилади. Маълум иссиқликни сақлайдиган хумдонлар пайдо бўлади, хом ашё сифати ошади, кулолчилик буюмларининг кўплигида бир рангли ва кўп рангли безаклар билан безатила бошлайди. Асосан косалар ва хумчалар нақшлар билан

безатилади. Асосан икки хил бўёқлар: қизил ва қора-жигар ранглари ишлатилади. Дастлаб идишларнинг юқори қисми учбурчак ва параллел чизиқлар билан нақшланган. Аста-секин идишлар ўзгача кўрка эга бўлиб, безаклари кўпайиб боради. Идиш атрофидаги айлана чизиқлар, учбурчак шаклларнинг ораси гоҳ чизиқ, гоҳ квадрат шаклдаги хоч, гоҳ тўлқинсимон чизиқлар билан тўлдирилган. Кенг тарқалган мотивларидан бири хоч шакли бўлиб, кўп сонли шаклларни вужудга келтиради. Маълум услубга солинган ва аниқ геометрик шаклга келтирилган ҳайвон ва қуш тасвирлари пайдо бўлади. Улар эчкилар, мушук зотиға ўхшаш олачибор ҳайвон (қоплон бўлиши мумкин), йирик қанотли бургут ва кичик қушлардан иборат. Одамлар тасвирлари камчилликни ташкил қилади. Масалан, сопол идиш бўлакчаларидан бирида қарама-қарши ҳолатда турган кишилар тасвирланиб, улар ўртасида Жанубий Туркманистоннинг энеолит даври манзилгоҳларда учрайдиган аёл ҳайкалчасига ўхшаш аёл маъбудаси тасвирланган. Кўринишдан рассом аёл маъбудасига сиғиниш ҳаракатини тасвирлаган. Кишиларнинг образи ва ҳайвонлар тасвири баъзан рамзий белги билан уйғунлашган. Агар илгари ҳайвонлар тасвири тотемизм билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик Қадимги деҳқончилик аҳолиси афсонавий тафаккурдан чиқиб, улар мазмунан бошқа бир маъноли тасвирларни акс эттира топа боради.

Энеолит даври манзилгоҳларда кўп сонли тош қуроллари топилган. Булар асосан деҳқончилик меҳнат қуроллари: ёрғунчоқ, ҳовонча, ўроқ, даста, келидаста, тагкурс ва бошқалар. Мармарсимон оҳактошдан сирти қат-қат бурма қилиб ишланган идиш кўрка қилиб ясалган. Тош ва гипсдан зеб-зийнат буюмлари, асосан мунчоқлар ясалган. Сўнгги энеолит даврига келиб бўйинга осиб учун мўлжалланган хоч ёки бир неча тишли хоч илк бор пайдо бўлади. (Қоратепа, ГеоксюрI). Улар юмшоқ навли тошлардан йўниб ишланган. Суякдан бигиз, санчқи ясалган. Кейинги даврида мисдан ясалган қуроллар учрайди. Улар пичоқ, санчқи, тўғноғич, айлана шаклдаги дастасиз ойна.

Тадқиқотчи археолог олимлар Жанубий Туркманистоннинг энеолит даври комплексларини пайдо бўлиши ва тараққиёт жараёнларини қуйидагича талқин қилади.

а) илк энеолит даврига оид Анов I Шимолий ва Марказий Эрон ҳудудларидан келган бир гуруҳ қабилалар таъсирида шаклланади.

б) илк энеолит даврига оид Номозгоҳ I неолит даври илк деҳқончилик манзилгоҳлар асосида шаклланади.

в) Номозгоҳ II комплекси Номозгоҳ I таъсирида шаклланиб, айрим белгиларида Мессопотамия ва Элам анъаналари анъаналарининг таъсири сезилади.

г) ўрта энеолит даври Яланғоч шаклидаги комплекслар маҳаллий илк энеолит анъаналари таъсирида шаклланади. Унинг содда варианты ҳам мавжуд бўлиб, Номозгоҳ II ва Мессопотамия анъанасининг алоҳида таъсири натижаси бўлиши мумкин.

д) сўнгги энеолит Қоратепа усулидаги комплекси Эрон комплекслари билан чамбарчас алоқада бўлган ҳамда Жанубий Мессопотамия таъсири сезилади.

е) Сўнгги энеолит даври Геоксюр услуги (масалан, хоч тасвири) Мессопотамия ва Элам нақш анъаналари билан алоҳида ва чамбарчас боғланганлигини ўзида акс эттиради. Шундай қилиб, Шарқий ҳудудларда ташқи ҳудуд маданиятнинг таъсири кўринади. Кўринишдан, у Эрон ҳудудидан алоҳида ажралиб турувчи ташқи тўлқин бўлган. Геоксюр билан бир қаторда Қоратепада ҳам мамахаллий анъаналарнинг ўрни юқори бўлган. Ташқи маданий таъсирнинг аниқ ҳудуди маълум бўлсада, илк энеолит давридагига нисбатан аста-секин камайиб боради.

Шундай қилиб, энеолит даврида Жанубий Туркменистон тараққиёт даражасига кўра тенг бўлган ҳозирги Эрон ва Афғонистоннинг қўшни вилоятлари билан ягона тилда гаплашиб, у ерда қабилаларнинг силжиши содир бўлади.

Энеолит даврининг охири (мил.ав. III минг йиллик бошлари)да Жанубий Туркменистонда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши кузатилади.

Энеолит даврининг сўнгги босқичларига келиб, Юқори Зарафшон ҳудудида ўтроқ деҳқончиликка асосланган Саразм манзилгоҳи шаклланади. Саразм бир неча маданий қатламдан иборат бўлиб, унинг қуйи қатлаמידан топилган нақшли сопол буюмлар Анов II, Геоксюр шаклидаги моддий буюмларга анча ўхшаш. Идишларнинг сиртида Қора ва қизил бўёқлар билан ишланган турли геометрик нақшлар бор. Маданий қатламда мисдан ясалган қуроллар топилган. Бу қатламнинг ёши радиокарбон усулида текширилиб мил ав. IV минг йиллик охири - III минг йиллик бошлари белгиланган. Бу ердан кўп хонали уйлар очиб ўрганилган. Уйлар катта жамоа уйлари бўлган. 2-3 хонали кичик оилаларга мўлжалланган уйлар ҳам мавжуд. Улардан турар жойдан ташқари рўзгор ва хўжалик мақсадларида ҳам фойдаланганлар. Турар жойга мўлжалланган уйларда думалоқ шаклдаги ўчоқлар ҳам мавжуд. Бундай ўчоқлар Анов II да ҳам кенг тарқалган эди.

Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича бу ерда деҳқончилик маданияти геоксюрликларнинг таъсирида ривожланган. Бундан ташқари, Эрон, Афғонистон ва Калтаминор маданиятларига мансуб топилмалар ҳам мавжуд. Бу энеолит даври қабилалари ўртасида доимий маданий-иқтисодий алоқалар бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида энеолит ижтимоий-иқтисодий муносабатларига кўра неолит даври шаклида ривожланиш давом этган Ўткир учли ёки думалоқ таглик сопол идишлар яшаш анъанаси сақланиб қолади. Сопол идишлар тўлқинсимон, тўғри чизиклар билан кейинчалик учбурчак ва ромб шаклларидаги нақшлар билан безатилган.

Энеолит даври Саразм маданияти

Режа:

1. Саразм маданияти шаклланиши ва босқичлари
2. Саразм манзилгоҳи ва унинг хусусиятлари

Ҳозирги Саразм қишлоғи Зарафшон воҳасининг юқори қисмида Ўзбекистон билан Тожикистоннинг чегара ҳудудида жойлашган. Шу қишлоқда истекомат қилувчи Ашурали Тойлоқов 1976 йили ўз томорқаси ва қўшнилариининг ҳовлиларидан топилган сопол синиқлари, бронза болта ва пичоқларни олиб, Панжикент музейига топширади. Бу топилмалар дарҳол олимларнинг диққатини ўзига жалб қилади ва 1977 йилда у ерда тожикистонлик археологлар тадқиқот ишларини бошлаб юборадилар. У ерда 1977 йилдан бери Тожикистонлик археолог Абдулла Исаков тадқиқот ишлари олиб боради. Кейинчалик бу билан француз ва америкалик олимлар ҳам қизиқиб ҳамкорликда тадқиқот ишлари бошланиб кетади.

Саразм ёдгорлигида олиб борилган казиш ишлари натижасида ушбу маданият тараққиётининг тўртта босқичи аниқланган. Улардан дастлабки икки босқичи энеолит даврига, қолган икки босқичи эса бронза даврига оиддир. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича бу ерда деҳқончилик маданияти геоксюрликларнинг таъсирида шаклланган. Бундан ташқари, Эрон, Афғонистон ва Калтаминор маданиятларига мансуб топилмалар ҳам мавжуд. Бу энеолит даври қабилалари ўртасида доимий маданий-иқтисодий алоқалар бўлганлигидан далолат беради.

Ёдгорликнинг умумий айдони 90 га. дан иборат. Саразм босқичининг қуйи қатламидан аҳоли уй-жой массивлари билан биргаликда тошдан айлана шаклда терилган 10 метр диаметрдаги ўзига хос дафн этиш иншооти очилган. Ундан букилган ҳолда қўйилган мурда суяклари жойлашган қабр очилган бўлиб, бўёқ излари мавжуд. Бу ҳолат Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги энеолит даври деҳқончилик маданиятлари учун хос эмас. Тошлардан айлана шаклда қурилган бундай иншоотлар Жанубий Сибир, Мўғилистон, Шарқий Туркистон ва қозоқистон ҳудудларида тарқалиб, синхирон ривожланган Афанасьев маданияти соҳиблари учун хос бўлиб, кейинги пайтларда ушбу маданиятга хос бош чаноклар Ўрта Осиё ҳудудларидан ҳам топилган. Демак, қадимги сўғдликлар маданияти тараққиётининг илк босқичларида шимолдаги кўчманчилар ҳамда жанубдаги деҳқончилик маданиятлари доимий тўқнашган жой бўлган.

Саразмнинг иккинчи босқичига келиб меъморичилик, кулолчилик ва металлларга ишлов беришнинг юксалиши кузатилади. Бу босқичда уй-жой, хўжалик ва ибодат қиладиган хоналардан ташкил топган кўп хонали иморатлар мажмуаси пайдо бўлиб, улар алоҳида ҳовлилардан ташкил топган ва кичик кўчалар билан ажратилган. Уларнинг айримларида айлана шаклдаги ўчоқлар жойлашган топтаниш хоналари ажралиб туради. Ката патриархал оила аъзолари ибодат қилишлари учун мўлжалланган бундай хоналардан деворий суратларнинг излари аниқланган. Уй-жой иморатлари пахса ва шунингдек, тўғри тўрт бурчак ғиштлардан барпо қилинган. Бу даврга оид рангдор сопол

буюмлар аниқланган бўлиб, улар Жанубий Тўркманистондаги Геоксюр сополларига ўхшаш. Иккинчи босқич сўнгги энеолитдан илк бронза асрига ўтиш даври ҳисобланади. қадимги қишлоқ ҳудуди анча кенгаяди, бир хонали гувала уйлар ўрнида хом ғиштдан ясалган кўп хонали уйлар пайдо бўлади. Айрим уйларда оилавий эътиқод жойи—думалоқ шаклда ишланган алтарь (оловхона) бўлган. Кўп хонали ховлилар оралиғида тор кўчалар ва майдонлар шаклланган. Қишлоқнинг иккита жойида ибодатхонаси бўлган. Ибодатхоналарнинг деворлари бошқа уйлардан фарқли равишда қизил рангда нақш берилган ва уларнинг қоқ ўртасида меҳроб жойлашган. Бу саразмликларнинг оловга сиғиниш эътиқоди мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Қишлоқдан тошдан ишланган тарози тошлари, тўқимачилик дастгоҳининг қисмлари, эшик ости тошлари, урчук тошлари, мисдан ишланган пичоқлар, ханжарлар, қармоқлар, игна ва бигизлар топилган.

Саразмнинг учинчи босқичида меъморчилик хусусиятлари, қурилиш усуллари ва техникасига кўра ўзидан олдинги давр анъаналарини давом эттириш билан биргаликда ўзига хос янги иморат мажмуаси билан бойийди. Манзилгоҳ ўзининг юксак тарикқиётига сўнгги босқичига чиқади. Саразм хорабаларидан топиб ўрганилган сопол буюмлари Геоксюрники сингари бой геометрик нақшлари билан безатилган, шунингдек одамлар ва ҳайвонлар тасвири ҳам мавжуд.

Мавзу: Жануби-ғарбий Туркменистон бронза даврида.

1. Жануби-ғарбий Туркменистоннинг бронза даври умумий тавсифи.
2. Жанубий Туркменистон бронза даврида (Номозгоҳ IV).
3. Жанубий Туркменистон бронза даврида (Номозгоҳ V).
4. Моддий маданият

Бронза асри металчилик тараққиётининг янги босқичга кўтарилиши ва кишилиқ жамияти тараққиёти янги даврининг алмашинуви билан белгиланади. Ўрта Осиёда бронза даври нафақат бронза қотишмасининг пайдо бўлиши, балки меҳнат қуроллари ҳамда бронза қурол-яроғларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши шу билан биргаликда бошқа қатор белгилар: патриархал муносабатларнинг қарор топиши, чорвадор қабилаларнинг ажралиб чиқиши, Қадимги цивилизациянинг шаклланиши мулкый тенгсизликнинг пайдо бўлиши, қабилалар ўртасида маданий-иқтисодий алоқаларнинг кучайиши билан белгиланади.

Аммо, тарихий тараққиёт Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида бирдек кечмаган, жанубий ҳудудларга нисбатан шимолий ҳудудлар хусусан чўл зоналар анча орқада қолиб кетган. Хўжаликнинг айнан деҳқончилик ёки чорвачилик шакли билан шуғулланувчи аҳоли тўпланган ҳудудлар пайдо бўлади. Бунинг натижасида бир-биридан фарқланувчи иқтисод вужудга келади. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида юқори даражада ривожланган деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли яшаса, шимолий ва Шарқий ҳудудларда эса андронов маданияти деган умумий номга эга бўлган чорвадор

қабилалар яшагаб, улар хўжалик ва маданият шакллариға кўра бир-бирларидан кескин фарқ қилган. Улар доимий алоқада бўлишган.

Шундай қилиб, Туркманистоннинг жанубий ҳудудларида деҳқончилик юқори даражада тараққий этган. Бу ерда бронза асри мил. ав. III-II минг йилларга тўғри келади. Бу ҳудудда бронзаға ишлов бериш техникаси ривожланади, суғориш тизими ривожланади, кетмон деҳқончилиги ўрнини ҳайвонларға омов қўшилган ҳайдама деҳқончилик эгаллайди. Қадимги шаҳар маданияти шаклланади, мамахаллий бошқарув аппарати вужудға келади, металлларға ишлов бериш. кулолчилик, тошни қайта ишлаш, тўқимачилик, қурилиш ишлари ривожланиб, уларнинг ихтисослашуви жараёни кучаяди. Монументал меъморчилик қарор топади, кулолчилик янада ривожланиб, уларға безак бериш техникаси мураккаблашиб боради. Терракотик ҳайкалчалар, заргарлик ишлариға эътибор кучаяди.

Жанубий Туркманистонда бронза даври маданияти Анов III босқичи билан белгиланиб, илк босқичи (Номозгоҳ IV - мил. ав. 2750-2300 йй), ўрта босқичи (Номозгоҳ V - 2300-1850 йй) ва сўнгги босқичи (Номозгоҳ VI - мил. ав. 1850-1100) комплекслари киради. Бу ҳудудда бронза даврига оид йирик (50 га, мас. Номозгоҳ,) ўрта (10 гача майдонға эға бўлган мас. Олтиндепа) кичик манзилгоҳлар хосдир.

Бронзанинг илк босқичи. Манзилгоҳларда шаҳарсозлик қурилиши усулининг мураккаблашиши ва янада тараққий этганлиги сезилади. Олтиндепа фортификацияси такомиллашиб, манзилгоҳға учта бўйлама йўлакча орқали қирилган. Диний марказ бўлган Олтиндепа минора шаклидаги иморат бўлиб, гишдан тўрт томони ўйиқ қилиб қурилган (Мессопотамия зиккуратлари шаклида). Ёнида дафн қилиш маросимлари учун мўлжалланган хоналар жойлашган. Хоналарнинг бирида маросимлар ўтказилган, қолганларида мурда ва суяклар сақланган. Бу ердан турли хилдаги сиғиниш буюмлари ва безаклар топилган. Санъат буюмлар юлдуз белгиларининг мавжудлиги диний комплекснинг Ой худосига таалуқли эканлигидан дарак беради.

Ривожланган бронза босқичи. Манзилгоҳларнинг ҳажми катталашади. Уйлар тартибли қурилиб, ўртадан асосий йўл ўтади. Бир неча шаклдаги уйларнинг пайдо бўлишиға кўра аҳолининг бир неча табақға ажралганлигини кўриш мумкин. Олтиндепадаги диний иншоот қайта қурилиб, зинасимон миноранинг баландлиги оширилади ва майдони кенгайтирилади. Бинонинг ибодат қилинадиган хоналаридан бирида муқаддас ичимлик сақланган идиши топилган. Девор ёнида муқаддас олов ёниб турган. Бу ерда ҳам юлдуз белгилари учрайди. Хоналардан бири жамоа дахмаси бўлиб, у кўринишдан коҳинлар уюшмасига тегишли.

Бронзанинг сўнгги босқичи. Бу давр йирик манзилгоҳларнинг кичик манзилгоҳларға айланиши билан характерланади. Олтиндепа ташлаб кетилади. Номозгоҳдепанинг майдони эса кескин қисқаради. Илк шаҳар маданияти Мурғоб воҳасига кўчиб, у ерда бир неча деҳқончилик воҳалари шаклланади. Бу ердаги марказий манзилгоҳ атрофида ҳажми кичик бўлган манзилгоҳлар қарор топади.

Қадимги Туркменистонда урбанизация жараёнлари, ғоявий тасаввурлари, шу билан биргаликда ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий масалаларини ўрганишда уй-жой, қалъа-қўрғон ва ибодатхона каби қурилиш иншоотлари ўрин олган Келели, Гонур ва Тўғалоқ каби археологик ёдгорликлар ҳамда улардан топиб ўрганилган иморатлар ва бошқа моддий топилмалар муҳим ўрин тутadi. Бу турдаги археологик ёдгорликлар мажмуаси Мурғоб воҳасининг сўнгги бронза босқичига оид протошаҳр маданияти хусусиятларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Воҳада урбанизация жараёнларининг шаклланиши мил. ав. II минг йилликнинг биринчи чорагидан бошланиб, Келели воҳасида мураккаб тузилмага эга бўлган археологик ёдгорликлар: Келели 3 қалъа-қўрғони ва бошқа Келели гуруҳидаги аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўладик, уларнинг харобаларидан аниқланган меъморчилик иншоотлари ва моддий топилмалар ўз даври ижтимоий муносабатларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Келели 3 ёдгорлиги квадрат шаклида, томонлари 128х128 м. иборат қалъа-қўрғон.

Манзилгоҳдаги қадимги қабрлар кишида қизиқиш уйғотади. қабрлар лаҳот ёки ёрма шаклида, баъзан идиш ва деворларга кўмиш ҳоллари ҳам учрайди. Ёш болалар қабри кичик чуқурлардан иборат. Катта ёшдагилар қабри бир томонга қаратилиб, ёнбош Шарқ букчайтириб кўмилган. Бир неча кишилар ҳатто алоҳида ҳайвонлар кўмилган қабрлар ҳам учрайди. қабрларда меҳнат қуроллари мавжуд. Улар сопол буюмлар, металл буюмлар, тош, чарм ва бошқалардан иборат.

Бронза даври сапол буюмларини ясашда кулолчилик чархидан кенг фойдаланилади ва уларни ясаш усуллари мураккаблашиб, сифати ошади. Кўринишдан кулолчилик чархидан фойдаланиш ҳамда ихтисослашган кулоллар томонидан истеъмол молларининг кўплаб ишлаб чиқарилиши нақшли сополларнинг инқироzi ва кейинчалик уларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келди.

Кулолчиликка нисбатан металлчилик тараққиёти анча орқада эди. Аммо, турли хил буюмлар ясашга ихтисослашган мис қуйиш устахоналари мавжуд бўлган. Чақмоқтошга ишлов беришнинг баъзи бир кўринишлари сақланиб қолади. Тошдан деҳқончилик учун керакли бўлган меҳнат қуроллари, тақинчоқлар тайёрланади. Тўқимачилик кенг ривожланган бўлган. Бу даврда бронза, кейинчалик кумуш ва олтинлар асосида заргарлик санъати шаклланиб, бронза даврининг охирида етилган хунармандчилик турига айланади. Заргар усталар турли тақинчоқ, илоҳий буюмлар тайёрлашган. Масалан, Олтиндепа ибодатхонасидан буқанинг олтин боши (мил. ав. II м. й.) топилган бўлиб, у кўринишдан аҳолининг диний маросимлар ва анъаналари билан боғлиқ бўлган. Бронза ва мисдан қилинган муҳрлар кишида катта қизиқиш уйғотади. Булар эса кўринишдан жамоа ёки умумоилавий мулкнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган. Улар орасида тошдан ясалган муҳрлар кўпчиликти ташкил қилади. У ёки бу муҳрлардаги тасвирларнинг шакли ва услуби Мессопотамия муҳрларига ўхшаш. Дастлаб муҳрларда аниқ ҳайвонлар ёки фантастик мавжудотларнинг тасвири кам учраган бўлса, кейинчалик кўпайиб уларнинг рамзлари мураккаблашади ва гуруҳ тасвирлар кўпайиб боради.

Бронза даври ҳайкалчагарига янги шаклдаги аёл маъбудалари образининг пайдо бўлиши хосдир. Белдан пастки қисми қайта қилинган бўлиб, уларнинг бош қисмини қайтадан ишлашга асосий эътиборни қаратишган. Эркакларнинг ҳайкалчагарии эса кам учрайди. Ривожланган бронза даврида бир неча шаклдаги аёл ҳайкалчагарии пайдо бўлади, бу эса жанубий Туркменистон аҳолиси ягона худога эмас, аксинча бир неча аёл маъбудаларга сиғинганликларидан далолат беради. Бу даврда ҳам эркакларнинг ҳайкалчагарии аёлларникига нисбатан жуда кам учрайди. Сўнгги бронза даврида Мурғоб воҳасида диний мақсадларда фойдаланиш учун ясалган сопол идишлар пайдо бўлади. Бу идишларнинг атрофи одамлар ва турли ҳайвон шакллари билан безатилган.

Бронза даврида жанубий Туркменистон Ўрта Осиёдаги юксак даражада ривожланган ва юксак маданият яратган ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудуд нафақат Қадимги Шарқнинг тараққий этган шаҳар маданияти таъсирида, балки деҳқончилик маданиятига эга бўлган қўшни Эрон ва Афғонистон таъсирида ҳам ривожланади ва аксича бу маданият Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Мавзу: Марғиёнанинг сўнгги бронза даври бронза даври археологияси

1. Марғиёнанинг сўнгги бронза даври умумий тавсифи
2. Марғиёнанинг сўнгги бронза даври манзилгоҳлар
3. Марғиёнанинг сўнгги бронза моддий маданияти

Ўтган асрнинг 80-90 йилларда Марв воҳасида мунтазам олиб борган археологик тадқиқот ишлари натижасида мил.ав II минг йилликга оид кўплаб ёдгорликлар ўрганилди. Бронза даврининг сўнгги босқичига оид ушбу ёдгорликлар алоҳида кичик деҳқончилик воҳаларида ривожланади. Ушбу кичик воҳалар археолог олимларнинг илмий тадқиқотларида воҳа-туман ёки ҳўжалик тумани номлари билан келтирилган. Улар Келели, Гонур, Тоип, Тоғолоқ ва бошқалардан иборат. Улардан Келели мил.ав. II минг йилликнинг бошларига, Гонур мил.ав. II минг йилликнинг ўрталарига, Тоип ва Тўғолоқлар ва бошқалар эса мил.ав. II минг йилликнинг охирлари оид. Археологик тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, мил.ав. III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг ўрталарида об-ҳавонинг кескин ўзгариши натижасида Яқин Шарқдаги кичик суғориш тизимига асосланган деҳқончилик маданияти марказлари инқирозга учрайди. Мил.ав II минг йилликнинг бошларида Жанубий Туркменистоннинг илк шаҳар маданиятига оид кўпчилик манзилгоҳлар ҳам инқирозга учрайди. Ҳўжалиги кичик дарё ирмоқлари ва жилғалар асосида суғориладиган қабилалар ўз жойларини ташлаб, кўчиб кетишади. Улар сув билан мунтазам таъминладиган воҳаларни излашга мажбур бўлди. Мурғоб дарёси дельтаси, Шерабод воҳаси, Шимолий Афғонистон ҳудудларидаги марказларнинг пайдо бўлиши ҳам ушбу жараёнлар билан боғлиқ. Ушбу минтақаларда вужудга келган ўтроқ деҳқончилик маданияти маразларилари протошаҳар характериға эга бўлган.

Марғиёна ва Бактриянинг мил.ав. II минг йиллик оид моддий маданияти умумий ўхшашлик ва яхлитликга эга бўлиб, кулолчилик идишлари, меҳнат

куроллари, бронзадан ясалган курол-яроқлари, муҳрлар, зеб-зийнат буюмлари шакли жиҳатидан шунчалик яқинки, тадқиқотчлар ушбу умумчиликни Бактрия-Марғиёна археологик комплекси (БМАК), деб номлашни таклиф этадилар. Шунингдек, БМАК билан бир даврда ривожланган Шарқий Эрон, Афғанистон ва Ҳинд воҳасидаги Хараппа маданияти билан алмашган Жхукар маданиятлари жуда яқин ўхшашликка эга.

Қадимги Марғиёнадаги урбанизация жараёнлари, ғоявий тасаввурлари, шу билан биргаликда ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий масалаларини ўрганишда уй-жой, қалъа-қўрғон ва ибодатхона каби қурилиш иншоотлари ўрин олган Келели, Гонур ва Тўғалоқ каби археологик ёдгорликлар ҳамда улардан топиб ўрганилган иморатлар ва бошқа моддий топилмалар муҳим ўрин тутди. Бу турдаги археологик ёдгорликлар мажмуаси Мурғоб воҳасининг сўнгги бронза босқичига оид протошаҳр маданияти хусусиятларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Воҳада урбанизация жараёнларининг шаклланиши мил. ав. II минг йилликнинг биринчи чорагидан бошланиб, Келели воҳасида мураккаб тузилмага эга бўлган археологик ёдгорликлар: Келели 3 қалъа-қўрғони ва бошқа Келели гуруҳидаги аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўладик, уларнинг харобаларидан аниқланган меъморчилик иншоотлари ва моддий топилмалар ўз даври ижтимоий муносабатларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Келели 3 ёдгорлиги квадрат шаклида, томонлари 128х128 м. иборат қалъа-қўрғон.

Бу ёдгорликлар диний маросимлар ўтказиладиган монументал меъморий иморатлар мажмуасидан иборат бўлган. Улар Марв воҳасида яшаган қадимги қабилалар ва халқларнинг ижтимоий ҳаётини маълум даражада тартибга солиб турувчи ғоявий марказ ҳисобланган. Туркманистонда бронза даври марказий ёдгорликларининг умумий майдони 12-20 гектаргача борган. Улар икки қисмдан иборат бўлиб, монументал ибодатхоналар жойлашган биринчи қисм мудофаа деворлари билан ўралган. Иккинчи қисм эса очиқ жойда жойлашган. Воҳаларнинг маркази бўлган шаҳарлар ибодатхона мубодлари томонидан бошқарилган.

В.И. Сарианида томонидан қазилган ишлари олиб борилган Тўғалоқ 21, Тўғалоқ 1 ва Жанубий Гонур каби диний иморатлар мажмуаси илк шаҳар характеридаги юксак маданиятини намоён қилади. Улар маълум маъмурий ҳудудда яшаган аҳолининг марказий ибодатхонаси вазифасини ўтган. қадимги Бактрия ҳудудида ўрганилган бронза даврига оид ибодатхона (Жарқўтон ибодатхонаси ва Дошли 3 ибодатхонаси ва сарой-ибодатхона)лари шаклига кўра Марғиёнананикидан фарқ қилади. Ҳар иккала ҳудуд ибодатхоналари меъморий хусусиятларига кўра ҳар хил бўлсада, уларда одам ёки ҳайвон шаклидаги бутлар тимсолларининг учрамаслиги уларнинг умумийлигидан далолат беради. Келтирилаган диний иморатларни ташқи кўриниш, кенг майдонни эганлаган мудофаа тизми ва коинот ҳақидаги тушунчалар билан боғлиқ мураккаб тузилмага эга эканлиги ҳам бириктирилиб туради. Бу қадимги ўтроқ деҳқон қабилалари бирлашмасининг катта ёшдаги аҳолиси маълум маросим кунлари йиғиладиган диний ва ғоявий маркази вазифасини ўтаган.

Иморатлар ички структурасининг ўта мураккаблиги ва ундаги

хоналарнинг ўзаро боғлиқлиги космогоник қарашлар билан боғлиқ бўлиб, космогония ва теогония жараёнлари диний маросимларида тақлид қилинган. Тадқиқотчи олим Карл Йеттмар Бактрия ва Марғиёна диний иншоотларини диний маросимлар ўтказиладиган марказ сифатида изоҳлайди.

Марғиёна ибодатхоналари учун Бактриядаги каби марказларда жойлашиши хос эмас. Марғиёна ибодатхоналари учун манументал комплекслари учун марказий ўқ бўйлаб иморатларнинг айлана шаклида қурилиши хосдир. Бундай хусусият сўнги даврга оид Тўғолоқ 21 меъморчилик комплексида аниқ намаён бўлди.

Ибодатхона қурилиши композициясидаги бундай фарқланиш ҳар бир хоналарнинг маълум вазифани бажариш аҳамияти билан боғлиқ бўлиб, Марғиёна ва Бактрия ибодатхона комплекслари диний маросимлар ўтказиш ва тоат-ибодат жараёнлари билан фарқ қилган.

Бундан ташқари Тўғолоқ 21, Тўғолоқ 1 ларнинг марказий хоналаридан кўплаб ҳаома таёрлашда фойдаланилган ўсимликни янчадиган кели тошлар ва каома таёрланадиган идишлар топилган. Идишларнинг бўғизи илон, ҳайвонлар ва қушлар тасвир билан безатилган. Бунга ўхшаш идишлар баъзи ҳолларда Бактрияда ҳам топилган. Бошқа томондан эса ушбу образлар рим давридаги митра символ билан ўхшашликка эга. Митрага топтаниш хусусияти ва буқалар қабри Тўғолоқ 1 да дафн қилинган қаҳин қабрида топилган. Бронза даври муҳрларидан бирида буқа думи билан тасвирланган. Ушбу манзара ҳам рим даври митрага сиғиниш одатига хос бўлиб, бошқа мидалошк доираларида учрамайди.

Манзилгоҳ атрофларида жойлашган сўнги бронза даври қадимги қабрлар кишида қизиқиш уйғотади. қабрлар лаҳот ёки ёрма шаклида, баъзан идиш ва деворларга кўмиш ҳоллари ҳам учрайди. Ёш болалар қабри кичик чуқурлардан иборат. Катта ёшдагилар қабри бир томонга қаратилиб, ёнбош Шарқ букчайтириб кўмилган. Бир неча кишилар ҳатто алоҳида ҳайвонлар кўмилган қабрлар ҳам учрайди. қабрларда меҳнат қуроллари мавжуд. Улар сопол буюмлар, метал буюмлар, тош, чарм ва бошқалардан иборат. Мурдалар ён томони билан букилган шарқ томонга ётқизиб кўмилган. Жарқўтонда ўрганилган қабрлар Жарқўтон, Кузали, Молали даврларини алоҳида ажратиб кўрсатиш ҳамда Қадимги деҳқон жамоаларининг мулкӣ муносабатлари ва социал-иқтисодий тараққиёти хусусиятларини аниқлаш имкониятини беради.

Жанубий Туркманистонда бронза даври марказий ёдгорликларининг умумий майдони 12-20 гектаргача борган. Улар икки қисмдан иборат бўлиб, монументал ибодатхоналар жойлашган биринчи қисм муҳофаа деворлари билан ўралган. Иккинчи қисм эса очик жойда жойлашган. Воҳаларнинг маркази бўлган шаҳарлар ибодатхона муҳофазалари томонидан бошқарилган. Ҳунармандчиликнинг ихтисосликларга ажралиши метал ва металга ишлов беришнинг юқори даражада ривожланишига имкон берди. Асосий хом-ашё бўлган бронзага обдон ишлов бериладиган бўлди. Тошдан меҳнат қуроллари тайёрлаш ўз аҳамиятини йўқотмади.

Бақтриянинг сўнгги бронза даври археологияси

Режа:

1. Бақтриянинг бронза даври хусусиятлари
2. Бақтриянинг бронза даври босқичлари ва уларнинг хусусиятлари
3. Моддий маданият

Сўнгги бронза асри палеометалл даврининг охирги босқич ҳисобланиб, кишилик жамияти тараққиёти янги даврининг алмашинуви билан белгиланади. Ўрта Осиёда бронза даври нафақат бронза қотишмасининг пайдо бўлиши, балки меҳнат қуроллари ҳамда бронза қурол-яроғларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши шу билан биргаликда бошқа қатор белгилар: патриархал муносабатларнинг қарор топиши, чорвадор қабилаларнинг ажралиб чиқиши, Қадимги цивилизациянинг шаклланиши мулкӣ тенгсизликнинг пайдо бўлиши, қабилалар ўртасида маданий-иқтисодий алоқаларнинг кучайиши билан белгиланади.

Мил. ав. II минг йилликка келиб Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ҳам ўтроқ декончилик маданияти қарор топади. Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида бу даврга оид қатор манзилгоҳлар аниқланиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: қалъа қишлоқлар, мудофаа деворларига эга бўлган ҳамда эга бўлмаган қишлоқлар. Бу ерда бронза даври маданияти Сополли маданияти номи билан машҳур бўлиб, унинг қуйидаги босқичи ажратиб кўрсатилади: саполли, жарқўтон, муллали, кўзали ва бўстон

Сополли босқичи шу номли майдони 3 га. дан иборат манзилгоҳ топилмалари билан белгиланган. Бу ерда аҳоли кварталлари аниқланган бўлиб, уларда кичик, уларда кичик кўчалар ва кўчалар билан ажралиб турган уй-жой ва хўжалик иморатлари ўрин олган. Сополли босқичига оид кулолчилик буюмлари асосан кулолчилик чархида ишланган уй-рўзғор идишларидан иборат. Барча идишлар юқори сифатга эга. Жарқўтон босқичида кулолчилик ишлаб чиқаришда, Айникса меҳнатни ташкил этишда бир қадар ўзгаришлар кўзга ташланади. Барча кварталларда идишларни пиширишга мўлжалланган учоқ қолдиқлари топилган. Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида кулолчилик учоқлари катталаштирилиб, уларнинг қурилиш усуллари мураккаблаштирилади. Бу юксак даражада тараққий этган ихтисослашган ҳунармандчилик малакали меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ эди.

Жарқўтон даври шу номдаги манзилгоҳ топилмалари асосида ўрганилган. Майдони 90 га. дан иборат манзилгоҳнинг планировкаси тарқоқ Шарқ бўлиб, арк ва мудофаа деворларига эга. Бу ердан ибодатхона қазиб ўрганилган. Ибодатхона топилмаларига кўра Жарқўтонликлар олов ва сувга сиғинганлар. Адабиётларда таъкидланиб келинаётган Жарқўтон ёдгорлигининг умумий майдони 100 гектардан ошиқ деган маълумотни нисбий тушунча деб қараш керак. Ёдгорликнинг горизонтал стратиграфиясини инобатга олсак, бир вақтда 100 гектарлик майдонда шаҳар фаолият этмаган. Ёдгорликнинг қабристон жойлашган тепаликларини шаҳар ҳудудидан ажратадиган бўлсак, янада соддароқ шаҳар бўлганлиги кўринади. Булар «арк» ва унинг атрофида жойлашган саккизта катта патриархал уруғ жамоалари мажмуасидан иборат

бўлган «шахристон»дир. Тепаликлар баландлиги жиҳатидан бир-биридан унчалик фарқ қилмайди.

Жарқўтон арки ёдгорликнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган, умумий майдони 3 гектар, атрофи 1,20-1,50 метр қалинликдаги мудофаа девори билан ўралган, ғарбий томонида Жарқўтон “шоҳлар саройи” жойлашган. Аркнинг ички қисми кичик тепаликлар мажмуасидан иборат. Бу ерда А.А. Асқаров томонидан қазилган стратиграфик шурф натижасида Сополли маданияти ашёлари билан бирга Кучук I даврига оид сополлар мажмуаси топилган.

Жарқўтонда аجدодлар руҳига ибодат қилиш каби диний тасаввурларнинг мавжудлигини бу ердан топилган эркак кишининг бюсть ҳайкали, ҳомиладор аёлнинг қорин қисмидан топилган иккита эмбрион кўринишли лой массаси мисолида кузатиш мумкин. Эркак кишининг оғзи очиқ ва кўзлари юмук ҳолатда ифодаланиши асосида ўлган киши ҳайкали деб аталди ва аждодлар руҳининг ҳомиладор аёлни, у дунёга келтириши кутилаётган чақалоқларни бало-қазолардан сақлашини, яъни аждодлар руҳининг диний қараш сифатида ифодаланишининг археологик кузатилиши деб ҳисоблаймиз. Ҳомиладор аёл ҳайкали қорин қисмининг ҳар-ҳар жойи қизил рангга бўялиши, қўл билан қорин қисм оралиғида илонларнинг ифодаланиши нариги дунё тушунчасини беради. Маълумки, мифологияда қизил ранг қонни, илон эса ер ости илоҳиятидан далолатдир. Шу азоб-укубатлардан ҳомиладор аёлни фикримизча, «аждодлар руҳи қутқара олиши мумкин» деб тасаввур қилишган.

Жанубий Ўзбекистоннинг Жарқўтон даврида яшаш деҳқонларнинг маданиятини белгиловчи асосий материаллар қабрларни очиш жараёнида топиб ўрганилган. Манзилгоҳдаги қадимги қабрлар кишида қизиқиш уйғотади. қабрлар лаҳот ёки ёрма шаклида, баъзан идиш ва деворларга кўмиш ҳоллари ҳам учрайди. Ёш болалар қабри кичик чуқурлардан иборат. Катта ёшдагилар қабри бир томонга қаратилиб, ёнбош Шарқ букчайтириб кўмилган. Бир неча кишилар ҳатто алоҳида ҳайвонлар кўмилган қабрлар ҳам учрайди. қабрларда меҳнат қуроллари мавжуд. Улар сопол буюмлар, метал буюмлар, тош, чарм ва бошқалардан иборат.

Мурдалар ён томони билан букилган шарқ томонга ётқизиб кўмилган. Жарқўтонда ўрганилган қабрлар Жарқўтон, Кузали, Молали даврларини алоҳида ажратиб кўрсатиш ҳамда Қадимги деҳқон жамоаларининг мулкӣ муносабатлари ва социал-иқтисодӣ тараққӣети хусусиятларини аниқлаш имкониятини беради.

Сополли босқичига оид кулолчилик буюмлари асосан кулолчилик чарҳида ишланган уй-рўзғор идишларидан иборат. Барча идишлар юқори сифатга эга. Жарқўтон босқичида кулолчилик ишлаб чиқаришда, Айникса меҳнатни ташкил этишда бир қадар ўзгаришлар кўзга ташланади. Барча кварталларда идишларни пиширишга мўлжалланган учоқ қолдиқлари топилган. Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида кулолчилик учоқлари катталаштирилиб, уларнинг қурилиш усуллари мураккаблаштирилади. Бу юксак даражада тараққӣй этган ихтисослашган ҳунармандчилик малакали меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ эди.

Кўзали ва молали босқичларига келиб кулолчилик ўзининг юқори даражасига кўтарилади. Юқори сифатли нафис кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилади, уларнинг маълум шаклга эга бўлганлиги сезилади, тез айланадиган кулолчилик чархлари қўлланила бошланди ҳамда уларни пиширишда янги усуллардан фойдаланила бошлайди.

Ҳунармандчиликнинг ихтисосликларга ажралиши метал ва металга ишлов беришнинг юқори даражада ривожланишига имкон берди. Асосий хомашё бўлган бронзага обдон ишлов бериладиган бўлди. Тошдан меҳнат қуроллари тайёрлаш ўз аҳамиятини йўқотмади.

Бактрия ва қадимги Ҳиндистон маданий алоқалари маълум даражада ўрганилган. Хусусан, Кўзали даври моддий маданиятининг шаклланишида Хараппа маданиятининг ўрни А.А. Асқаров томонидан кўрсатиб берилган бўлса, меъморчиликдаги ўхшашликлар Т.Ш. Ширинов томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон-Германия экспедицияси ҳам маданий алоқалари хусусида янги маълумотлар тўплади. Жарқўтондан фил суягидан ясалган, квадрат шаклдаги ашёлар топилди, унинг юзасида айлана шаклли 9 та безак чизилган, улар учтадан уч қаторда жойлашган. Фикримизча ушбу топилма Хараппа маданияти ва унинг маданий таъсир доирасида бўлган ҳудудларда тўлов воситаси вазифасини ўтаган. Бу фикрнинг исботи сифатида Олтиндепадан битта сопол идиш ичида 11 та квадрат, 2 та айлана ва 8 та таёқча шаклдаги фил суягидан ясалган топилмани эслаб ўтиш лозим.

Юқорида келтирилган тарихий жараёнларга кўра Жарқўтон илк давлатчилик шаклларига ўтиш босқичида бўлиб, Кўзали ва Молали илк давлатчилик шаклларига ўтиш босқичида бу жараён янада кучаяди.

Сополлитепа ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳдан ўрганилган топилмалар жанубий Туркменистон, шимоли-шарқий Эрон, шимолий Афғонистон қисман жанубий Афғонистон манзилгоҳлари топилмалари билан ўхшашликка эга. Бироқ, Қадимги Бактрия ҳудуди учун бу топилмалар ягона маданият мажмуасидан иборат.

Бу ҳудуддаги ўтроқ деҳқончилик маданияти ташқи маданият таъсирида шаклланиб, унинг негизини ишлаб чиқариш хўжалик шаклига эга бўлган Қадимги маданият ўчоқларидан излаш керак. Сополлитепа топилмалари Мурғоб воҳасидаги Номозгоҳ V ва Номозгоҳ VI ларининг илк босқичига оид топилмаларига, Жарқўтон топилмалари ривожланган Номозгоҳ VI, Кўзали ва Молали топилмалари эса сўнгги Номозгоҳ топилмаларига айнан ўхшаш. Кўринишдан жанубий Туркменистон маданияти сополли маданиятининг шаклланиши ва тараққиётида асосий марказ бўлиб хизмат қилган. Тахминан II минг йилликнинг иккинчи чорагидан бошлаб Қадимги Бактриянинг қатор ҳудудлари шимоли-Шарқий Эрон ёки Жанубий Афғонистон ҳудудларида яшовчи ўтроқ деҳқончилик қабилалари томонидан эгаллана бошланади. Натижада бу ерда бронза даврининг турли босқичларида янги деҳқончилик воҳалари шакллана бошлайди. Кейинчалик бу ердаги деҳқонлар ўзига хос мамахаллий тараққиёт йўналишига эга бўлганлар.

Мавзу: Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудлари бронза даври маданиятлари
Замонбобо ва Саразм маданиятлари
Режа:

1. Замонбобо маданияти
2. Бронза даври Саразм маданияти

Зарафшоннинг қуйи оқимида Замонбобо маданияти шаклланади. Замонбобо манзилгоҳи мил. ав. III минг йиллик охири - II минг йиллик биринчи ярмига оид. Бу ердан ярим ертўла ва чайла-уй қолдиқлари очиб ўрганилган. Уйлар лойсувоқ қилинган. Замонбоболиклар содда деҳқончилик, чорвачилик шу билан биргаликда овчилик ва балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар. Сопол идишлар ва хумдонларнинг қолдиқлари ҳам топиб текширилган. Кулолчилигида Калтаминор маданияти таъсири мавжуд.

Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзасида топилган мотиға деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган қабиаларнинг ёдгорлиги ҳисобланади. У ерда 1950–1960 йилларда Я.Ғ.Ғуломов бошлиқ Моҳондарё отряди тадқиқот ишларини олиб борди. Улар қуйи Зарафшон ҳудудидан икки хил маданият изларини топишди. Бири Замонбобо маданияти бўлса, иккинчиси Андронova маданияти излари ҳисобланади.

Замонбобо маданияти маҳаллий туб аҳолининг жанубдаги ўтроқ деҳқон жамоалари таъсирида шаклланган бронза даври маданияти бўлиб, унинг ҳўжалик асосини хонаки чорвачилик ва мотиға деҳқончилиги ташкил этган. Андронova маданияти типи эса Амударё дельтасида ташкил топган Тозабоғёб маданияти таъсирида шаклланган.

Замонбобо маданиятига тегишли биринчи ёдгорлик –қабристонни 1950 йилда Я.Ғ.Ғуломов топди. У Бухоро вилояти Қоракўл туманининг чўл зонасида жойлашган Замонбобо кўли ёқасида эди. Қабристонда 1951–1952 йилларда қазилма ишлари олиб борилиб, бронза даврига оид 40га яқин қабр очилди. 1960 йилдан қабристонда А.Асқаров тадқиқот иши олиб бориб яна 6 та мазорни очди.

Мазорлар тузилиши жиҳатидан катакомба (лахат) шаклида бўлиб, кўп холларда усти шамол таъсирида очилиб қолган. Замонбобо қабристонидан япроқсимон шаклда ишланган тош пайконлар, ости ясси ва тухумсимон бўлган сопол идишлар, бронзадан ишланган сопол куракчалар, ҳалқасимон билакузуклар, қимматбаҳо тошлардан ясалган жуда кўп мунчоқлар, жез ойна, игна, бигиз, терракота ҳайкалчалар, бошқа маданиятларга оид сопол буюмлари ва бошқа нарсалар топилган.

1961 йили А.Асқаров Замонбобо қабристонидан унча узоқ бўлмаган жойдан, Зарафшоннинг қадимги ўзани Гурдуш–Гужайли соҳилидан шу маданиятга тегишли қишлоқ топди. У ерда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида замонбоболикларнинг ҳўжалиги ва турмушига доир янги материаллар тўпланди. У ердан ертўла типига кулба харобаси, бир нечта енгил чайла ўрни, икки ярусли хумдон харобаси ва кўтарма девор қолдиқлари топиб ўрганилди. Ертўла майдони 200 кв.мга яқин

Саразм ёдгорлигида олиб борилган қазилар ишлари натижасида ушбу маданият тараққиётининг тўртта босқичи аниқланган. Улардан дастлабки икки босқичи энеолит даврига, қолган икки босқичи эса бронза даврига оиддир.

Ёдгорликнинг умумий айдони 90 га. дан иборат. Саразм босқичининг қуйи қатламидан аҳоли уй-жой массивлари билан биргаликда тошдан айлана шаклда терилган 10 метр диаметрдаги ўзига хос дафн этиш иншооти очилган. Ундан букилган ҳолда қўйилган мурда суяклари жойлашган қабр очилган бўлиб, бўёқ излари мавжуд. Бу ҳолат Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги энеолит даври деҳқончилик маданиятлари учун хос эмас. Тошлардан айлана шаклда қурилган бундай иншоотлар Жанубий Сибир, Мўғилистон, Шарқий Туркистон ва қозоқистон ҳудудларида тарқалиб, синхрон ривожланган Афанасьев маданияти соҳиблари учун хос бўлиб, кейинги пайтларда ушбу маданиятга хос бош чаноклар Ўрта Осиё ҳудудларидан ҳам топилган. Демак, қадимги сўғдликлар маданияти тараққиётининг илк босқичларида шимолдаги кўчманчилар ҳамда жанубдаги деҳқончилик маданиятлари доимий тўқнашган жой бўлган.

Саразмнинг иккинчи босқичига келиб меъморчилик, кулолчилик ва металлларга ишлов беришнинг юксалиши кузатилади. Бу босқичда уй-жой, хўжалик ва ибодат қиладиган хоналардан ташкил топган кўп хонали иморатлар мажмуаси пайдо бўлиб, улар алоҳида ҳовлилардан ташкил топган ва кичик кўчалар билан ажратилган. Уларнинг айримларида айлана шаклдаги ўчоқлар жойлашган топтаниш хоналари ажралиб туради. Ката патриархал оила аъзолари ибодат қилишлари учун мўлжалланган бундай хоналардан деворий суратларнинг излари аниқланган. Уй-жой иморатлари пахса ва шунингдек, тўғри тўрт бурчак ғиштлардан барпо қилинган. Бу даврга оид рангдор сопол буюмлар аниқланган бўлиб, улар Жанубий Тўркманистондаги Геоксюр сополларига ўхшаш.

Саразмнинг учинчи босқичида меъморчилик хусусиятлари, қурилиш усуллари ва техникасига кўра ўзидан олдинги давр анъаналарини давом эттириш билан биргаликда ўзига хос янги иморат мажмуаси билан бойийди. Бу даврда ҳам ғиштдан барпо қилинган томонлари 15x15 метрдан иборат ўн икки хонали иморат мажмуаси пайдо бўлади. Бу мажмуа хоналаридан ташкил ҳам ғиштдан қурилган манулинтал қурилган манулинтал қурилиш кўринишдаги ибодатхонага комплекси барпо этилди. Манзилгоҳ ўзининг юксак тарикқиётига сўнгги босқичига чиқади. Ўйрик ҳажмдаги кўпхонали уй-жой массивлари Саразмликларнинг дала ва боғлари ўртасида жойлашган бўлиб, маълум жойда тўпланган англомерация кўринишига эга Саразмликлар экинлари суғоришда Зарафшон дарёсининг ирмоқларидан биридан фойдаланишга Саразм хоналаридан топиб ўрганилган сопол буюмлари Геоксюрники сингари бой геометрик нақшлари билан безатилган, шунингдек одамлар ва ҳайвонлар тасвири ҳам мавжуд. Бу давр учун хос бўлган тош қуроллар ҳам мавжуд улар гири, колонетки, наваршия бўлоб. Меъморчилик комплексида айлана ёки квадрат шаклдаги оташкалар жойлашган топтаниш хоналари ажралиб туради.

Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларининг сўнгги бронза даври маданиятлари

Режа:

1. Қуйи Амударё бронза даври маданиятлари хусусияти
2. Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсининг сўнгги бронза даври Андронova доирасидаги маданиятлари

Хоразм ҳудудида Суюрган маданияти (мил. ав. II минг йиллик) тарқалган. Уйлари устунлар асосида ясси ва кейинчалик тўғри тўртбурчак шаклида қурилган чайлалар ва ярим ертўла-уйлардан иборат. Кулолчилик идишларининг таги ясси бўлиб, баъзилари ўйма нақшлар билан безатилган. Меҳнат қуроллари ва қурол-аслаҳалари тош ва бронзадан ясалган. Суюрган маданияти кўринишдан Калтаминор маданиятининг давоми бўлса, Анов маданияти билан бўлган алоқалар кўп жиҳатдан ўз таъсирини ўтказган.

Мил. ав. II минг йилликнинг ўрталарида Зарафшон воҳасига Андроново (Қозоғистон ва Сибирь) ва ёғочбанд маданияти соҳиблари кириб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши кузатилади.

Мил. ав. II минг йиллик ўрталарида Хоразмда маҳаллий Суюрган маданияти Ёғочбанд соҳиблари ва Андроново маданиятлари таъсирида Тозабоғёб маданияти шаклланади. Бу ердан 50 та макон топиб ўрганилган. Улар ярим ертўла шаклидаги уй-жойлардан иборат бўлиб, атрофидан каналлар ва Қадимги суғориш иншоотлари топиб ўрганилган. Кулолчилик идишларининг таги ясси бўлиб, қўлда ясалган ва геометрик шаклдаги ўйма нақшлар билан безатилган. Меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлари бронзадан, қисман тошдан ясалган. Бронза қуйиш устахоналарининг излари ҳам мавжуд.

Ўзбекистоннинг бронза даврига оид ёдгорлик дастлаб 1938 йилда қадимги Хоразм ҳудудидан топилди. У Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги Оқчадарё ўзани бўйидаги Тозабоғёб канали бўйида С.П.Толстов томонидан топилди ва номи фанга "Тозабоғёб" маданияти деб киритилди.

Тозабоғёб маданияти қадимги Хоразм ҳудудида милoddан аввалги II минг йилликларда шакллаган. Бу маданият аҳолиси асосан, ертўла ва чайлаларда яшаб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Тозабоғёб кулбалари ярим ертўла шаклида қурилиб, уларнинг ўртача майдони 12–18 кв.м га тенг. Кулбанинг марказида ўчоқ жойлашган. Кулба жуфт оила учун мўлжалланган. Лекин кулбалар орасида майдони 100–120 кв.м.га тенгги ҳам учрайди, улар бир уруғ жамоа учун мўлжалланган.

Бу маданиятга оид археологик материаллар қум ва тақир юзасида сочилиб ётган геометрик нақшли сопол парчалар ҳисобланади. Сопол идишлар қўлда ясалган қўпол, мўрт бўлиб, хурмача, банкасимон идишлар ва ярим доира шаклидаги косалардан иборатдир. Археологлар уларни таҳлил қилиш орқали қисқа муддатли бронза даври чўлли зона қабилаларининг моддий маданият ёдгорлиги эканлиги исботланди. Шунингдек, бу материаллар Қозоғистон ва жанубий Сибирь ҳудудларида тарқалган Андронova маданиятига айнан ўхшаб кетиши таъкидланди

Ғазалкент шахридан шарқда Чирчиқ дарёси чап томонида турли даврларга оид хусусан бронза даврига оид Андронova маданиятига хос текис тоғли туваксимон шаклидаги сиртига тишли нақш берилган сополлар эга бўлган грунт чуқурдан иборат қабрлардан иборат. Бундан ташқари мил.авв. I минг йилликнинг охирига оид кузатув буюмларига эга бўлган мазор қўрғонлар ҳам ўрин олган. Бошқа бор грунтли чуқурдан иборат қабрларда мурдалар учрамайди, кенотаф бўлган. Тўябўғиз сув омбори ҳудудида Бурғулик маданиятига оид ертўла уйларни ўрганиш давом эттирилади. Ертўла №1 бир неча бўлмалардан ташкил топиб, улар ўзаро пахса деворлар билан бир-биридан ажратилган. 1,5 метр қалинликдаги маданий қатламдан 2000 дан ортиқ сопол парчалари бронза тошқоллари, ҳайвон хусусан қорамол суяклари аниқланган. Сополлар думалоқ тагли ва тумакли идишлардан ташкил топган. Нақшлари Чуст маданиятига оид қора бўёқда берилган нақшлардан ташкил топган. Тўрта дона Корасус маданиятига оид шаклга эга бўлган ўроқлар бир ва икки тигли пичоқлар, баргсимон камон ўқи учлари ва бошқалар топилган. Мазкур ҳудудда икки турдаги дафн иншоотлари аниқланган. Биринчиси ён томонида жойлашган дромосли жамоавий қабрлардан ташкил топиб, туваксимон сопол идишлар бандига қўйнинг шартли шакли берилган тасвири ва сариқ тилла суви юритилган мунчоқлардан иборат. Иккинчиси қабрлар мусулмон даврига оид.

Шимолий Тожикистон, Фарғонанинг бир қисми, Тошкент воҳаси ва Зарафшон дарёси водийси ҳудудларида Қайроқум маданияти (мил. ав. II минг йиллик Ўрталари) пайдо бўлади. Бу маданиятда Ҳисор, Тозабөгёб ва Андроново маданиятларининг таъсири кўринадди. Бу маданият соҳиблари Чуст ва жанубдаги ўтроқ деҳқончилик маданиятлари билан ҳам алоқада бўлишганлар. Кичик ҳажмги манзилгоҳлар бир неча чўзиқ шаклдаги уйлардан иборат. Аҳоли чорвачилик ҳамда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Хўжаликда метал қуйиш ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кулолчилик идишлари ясси таглик бўлиб, қуйма нақшли безаклар билан безатилган.

Фарғона водийсида Қайроқум маданияти билан биргаликда Чуст маданияти (мил. ав. II минг йиллик охирилари) ривожланган. Чуст маданиятига оид мудофаа тизими қолдиқлари, уй-жойлар, қабрлар ва хўжалик ўралари ўрганилган. Кулолчилик буюмлари нақшли. Бронза, тош, суяклардан ясалган буюмлар ҳам мавжуд. Чустликлар деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланганлар ҳамда кулолчилик, тўқимачилик, бронза қуйиш ишлари билан ҳам яхши таниш бўлганлар. Фарғона ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлардан топиб ўрганилган топилмалар бу маданият соҳибларининг Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий ва шимоли-шарқий ҳудудлари билан алоқада бўлганликларидан гувоҳлик беради.

Жанубий Тожикистон ҳудудида мил. ав. II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмига оид бир-бирига ўхшаш ва ўзига хос томонлари билан ажралиб турадиган жиҳатларига эга маконлар топиб ўрганилган.

Бу ерда аҳоли чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Бронзадан ясалган меҳнат ва жанговар қуроллари ҳамда тош қуроллар топиб ўрганилган. Сопол идишлари қўлда ясаиб, ўйма нақшлар билан безатилган. Сурхондарё,

шимолий Афғонистон ва жанубий Туркменистон сопол буюмларига ўхшаш буюмлар учрайди. Бу ерга мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида жануби-ғарбдан деҳқончилик билан шуғулланувчи қабила келиб ўрнашган.

Марказий Осиё археологияси фанига кириш

1. Темир даври хронологияси масалалари
2. Темир даври умий тавсиф
3. Ўрта Осиёнинг темир даври ижтимоий-иқтисодий муносабатлари.

Ўрта Осиёнинг сўнгги бронза даври охирларида Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкалари (Бахтрия, Марғиёни) ўзгача ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлади. Юксак даражада ривожланган протошаҳар туридаги маданият марказлари инқироз жараёни, яъни протошаҳар туридаги манзилгоҳлар ташлаб кетилиши кулолчиликда қўлда ясаиб, сиртига геометрик нақшлар бериш анъанасининг қайта жонланиши, хайкалтарошлик, торевтика санъатининг йўқолиши қабилар содир бўлади. Бу жараён ўтган аср давр тадқиқотларда Ўрта Осиёдан шимолда сўнгги бронза даврида ҳаёт кечирган орий қабилаларига тегишли андроново маданияти соҳибларининг жанубга силжигани натижаси эканлиги археолог олимлар томонидан маъқулланмоқда. Бронза даври якунланиши давомида аввал ўқув кейинги давр Ўрта Осиё ҳудудидан топилган дасталбки темир буюмлар мил. ав. I минг йилликнинг бошлари (Анов-IX-VIII, Даратепа-мил. ав. VII-VI, Қуйисой-мил. ав. VII-VI, Далварзинтепа - мил. ав. VIII-VII) билан саналади. Лекин уларнинг кенг тарқалиши мил. ав. VI-V асрларга тўғри келади. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда илк темир даврининг бошланиши санаш тўғрисида илмий мунозаралар мавжуд. Баъзи бир олимлар Ўрта Осиёда илк темир даври Эрон ва Ҳиндистонга замондош бўлиб, мил. ав. X-VIII асрларда бошланган деб ҳисоблайдилар. Ўрта Осиё ҳудудидан топилган барча темир буюмларнинг саналаридан хулоса қилиб, бу ерда илк темир даврини мил. ав. VII-IV асрлар деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Мил. ав. X-VIII асрларни эса бронза давридан илк темир асрига ўтиш даври, деб ҳисоблаш мумкин.

Умуман, мил. ав. I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги деҳқон, деҳқон-зарводор ва чорвадор қабилалари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида қатор ўзгаришлар содир бўлади. Ўтроқ деҳқончилик воҳаларида суғориш тизими янада такомиллашиб, деҳқонлар томонидан янги ерлар ўзлаштирилди. Манзилгоҳларнинг сони ортиб, уларнинг майдони кенгаяди, ҳамда ички структураси мураккаблашиб, йирик шаҳарлар қарор топади. Шаҳар ва қишлоқларда меъморчилик ва ҳунармандчилик такомиллашади. Бу эса иккинчи ижтимоий меҳнат тақсимооти-деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиш жараёнини таъминлайди. Йирик давлат бирлашмалари пайдо бўлади.

Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларида (Бахтрия, Марғиёна) сўнгги бронза даври протошаҳар туридаги маданиятнинг инқироzi ва унинг ўрнида янги турдаги маданиятнинг қарор топиш жараёнининг кечиши билан тавсифланади.

Бу турдаги маданият айрим белгилари билан сўнгги бронза даври анъаналаридан фарқ қилар эди. Биринчидан, йирик протошаҳар туридаги манзилгоҳлар барпо қилиш анъанаси унитилиб, аҳоли кичик мустаҳкам муҳофаза тизимига эга бўлган манзилгоҳларни барпо қилиш анъанаси кенг ёйилади. Иккинчидан, сапол идишларни кўлда ясаб, сиртига геометрик нақшлар бериш анъанаси қайта жонланади. Учинчидан эса, юксак даражада ривожланган короппластика, торевтика санъатидан фойдаланишдан воз кечилади. Бу давр тарихи варварлар босқини даври (ЭВО) натижаси бўлиб, унинг илдизларини Ўрта Осиёнинг шимолидан андронova маданияти соҳибларининг силжиши натижаси сифатида талқин этиш ҳозирга қадар ҳукмрон бўлган илмий назария ҳисобланади. Бу турдаги маданият соҳиблари археология тили билан “нақшли саполлар маданияти” номи билан юритилиб, ўлканинг кейинги тарихи тараққиётида старт майдони бўлиб хизмат қилган. Бу давр аҳолиси ғоявий қарашларида ҳам айрим ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Хусусан, бу даврда бронза даврига хос олов ибодатхонаси ва дафн иншотлари учрамайди. Бу эса андронova маданиятининг сўнгги босқичларига хос “кремация” одатининг тарқалганлигини аҳамонийлар даврига оид айрим ёдгорликларда (Пишактепа) сақланган.

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари, хусусан, Жанубий Туркменистон (Копетдоғ ёнбағирлари, Серахс ва Мурғоб воҳалари) Сурхон, Жанубий Тожикистон, Қашқадарё, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийси ҳудудларида муҳим ўзгаришлар: деҳқончиликнинг ривожланиши ва янги деҳқончилик воҳаларининг ўзлаштирилиши ҳамда суғориш тизимининг такомиллашиши кузатилади. Манзилгоҳлар сони ортиб, муҳим маданий-иқтисодий марказлар пайдо бўлади.

Қадимги Чоч ва Уструшона ҳудудларида ҳам ўзгаришлар бўлади. Бу ерда аҳолининг ўтроқлашуви ва деҳқончилик хўжалиги шаклининг вужудга келиш кузатилади.

Деҳқончилик воҳалари атрофида, ҳамда Умумий тавсифи Шимолий ва шарқий минтақаларида хўжаликнинг муҳим шакли-кўчманчи чорвачилик пайдо бўлди. Кўчманчи-чорвадор қабилаларининг моддий маданиятига оид топилмалар Оролбўйи, Сирдарёнинг қуйи оқими Жанубий Тожикистон ҳудудларидан топиб текширилган. Улар ўтроқ деҳқончилик аҳолиси билан доимий алоқада бўлганлар. Улар Ўртасидаги алоқалар ва ўзаро таъсир Ўрта Осиёнинг тарихий тараққиётидаги муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Мил. ав. I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида яшовчи халқлар ижтимоий ҳаётида содир бўлган ўзгаришларнинг энг муҳими темирдан ясалаган меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар ва зеб-зийнат буюмларининг тарқалишидир.

Ўрта Осиё ҳудудида қарор топган умумий ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турувчи бир неча деҳқончилик маданий марказлари аҳолисининг ижтимоий муносабатлари, диний тушунчалари, тарихий вилоятлар, илк давлат бирлашмалари, табиий-географик жойлар, алоҳида жойлар ва уларнинг чегаралари билан боғлиқ бўлган қисқа маълумотлар «Авесто»,

аҳамонийларнинг михсимон ёзувлари ва юнон-рим тарихчиларнинг асарларида ўз аксини топган.

«Авесто»да Ўрта Осиёдаги қадимги давлат бирлашмалари, тарихий вилоятлар: Ариёнам Вайжо ёки Ариейшаёна, Моуру, Суғда, Бахди, Хваризам ҳамда қадимги кўчманчи човадор қабилалари турлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қадимги форс ёзувларида ушбу вилоятлар Маргуш, Суғуда, Бактриш, Хваразмиш, Парсава, ҳамда юнон тарихчиларининг асарларида эса Марғиёна, Сўғдиёна, Бактриёна, Хорасмия, Парфиёна номлари билан тилга олинади. Форс ёзувларида Ўрта Осиёнинг шимолида яшовчи кўчманчи чорвадор қабилалари саклар, юнон тарихчиларининг асарларида скифлар ва массагетлар деб аталган. Шимоли-шақий ҳудуддаги даҳқончилик воҳалари: Уструшона, Чоч ва Фарғона водийси тўғрисида маълумотлар кейинги даврларга оид Хитой манбаларда учрайди. Асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб олиб борилган кенг қамровли археологик дала- тадқиқот ишларининг натижалари Ўрта Осиё ҳудуди доирасида ташкил топган ушбу тарихий-маданий вилоятлардаги ёдгорликларнинг юқори санасини мил. ав. I минг йилликнинг бошларига доир эканлигини кўрсатади. Лекин, ушбу тарихий вилоятларнинг тўлиқ шаклланган даврини мил. ав. VII-VI асрлар деб ҳисоблаш мумкин. Шундай қилиб мил. ав. I минг йилликларнинг биринчи ярми Ўрта Осиё тарихи ўзига хос жараёнлар билан белгиланади. Жанубдаги минтақалар билан хўжалиги ва маданиятига кўра бир-биридан кескин фарқ қилар эди. Жанубда (Жанубий Туркманистон ва Жанубий Ўзбекистон) илк темир даврида мил. ав. II минг йилликнинг Ўрталарида шимолдан силжиган кўчманчи-чорвадор қабилаларининг таъсирида маданият тараққиёти кузатилиб, кейинчалик шаҳар маданияти қарор топган бўлса, Умумий тавсифи Шимолий минтақаларда бу жараён анча кеч содир бўлади. Бу минтақаларда деҳқончилик илгари ўтроқликка ўта бошлаган аҳоли ҳудудига кўчманчи чорвадор қабилаларнинг иккинчи бор келиб жойлашиши натижасида содир бўлади.

Умуман, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида мил. ав. I минг йилликнинг биринчи ярмида деҳқончилик янада тараққий этиб, йирик шаҳар марказлари қарор топади. Бундай йирик шаҳарлар қалин ва мустаҳкам муҳофаа деворлари билан (Урқўрғон, Узунқир, Кўзалиқир, Қизилтепа ва бошқа шаҳарлар) ўралган. Ўрта Осиё шаҳарларида қурилиш, меъморчилик, ихтисослашган ҳунармандчилик ва савдо ҳийла ривожланган. Малакали бинокорлар томонидан аҳоли яшайдиган уй-жойлар, саройлар ва диний иморатлар аниқ режа асосида, маҳаллий шароитга мослаб барпо этилган.

Шаҳарларда ихтисослашган ҳунармандчиликнинг кўпгина соҳалари: кулолчилик, тўқимачилик, заргарлик, металга ишлов бериш ва бошқалар ҳийла ривожланган. Шаҳар ҳаробаларида ҳунармандчилик устахоналари ўрнининг топилиши фикримизни исботлайди. Ҳунармандчилик буюмлари товар характерида бўлиб, қўшни воҳалар билан савдо алоқаларини олиб борганлар.

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра Ўрта Осиё маҳсулотлари Эрон, Мессопатамия ва Қадимги Шарқнинг бошқа ўлкаларига олиб борилган. Масалан, Бадахшон Ложуварди Мисргача олиб борилган.

Ўрта Осиё ҳудудида энг қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши муҳим масаладир. Бу масалага аниқлик киритишда ёзма ва археологик манбалар муҳим роль ўйнайди. Айниқса, Авесто ва антик даври авторлари қолдирган маълумотлардир.

Ктесийнинг «Персика» асарида Қадимги Бактрия давлати ҳақида бир қанча узук-юлуқ (истехком ва қалъалар, уларнинг кўп сонли аҳолиси ҳамда Оссурия подшоси Ниннинг Бактрия тупроғига қилган юришлари тўғрисида) маълумотлар келтирилади.

Олиб борилган археологик қазилма ишларининг натижалари Ктесийнинг маълумотларида тўлиқ тасдиқланган. Унинг таъкидлашича Бактриянинг маркази Бақтро шаҳри бўлган. У мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган йирик шаҳар бўлган.

Лекин Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш жараёни анча илгари содир бўлган. Бу жараён Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида бронза давридаёқ намоён бўла бошлайди. Мил. ав. 1 минг йилликнинг бошларида бу жараён тўлиқ шаклланади. Бундай давлатлар маълум дарё воҳаси доирасида бўлиб, уларнинг маъмурий марказлари (Елкантепа, Езтепа, Қизилтепа, Бандихонтепа, Узунқир) вужудга келади.

Кўринишидан ушбу давлатлар асосида Қадимги Бактрия ва Катта Хоразм каби йирик давлатлар қарор топган.

Жанубий Туркманистоннинг илк темир даври археологияси

Режа:

1. Мурғоб воҳаси
2. Шимолий Парфия
3. Қадимги Дахистон

Ўрта Осиё ҳудудида илк темир даври археологияси яхши ўрганилган ҳудудлардан бири Мурғоб воҳаси саналади. Ўлкадаги дастлабки ёдгорликлар (Ёздепа, Аравалидепа, Кўхнедепа ва Учдепа) 1903 йили америкалик тадқиқотчи олим Р.Помпели томонидан аниқланган бўлиб, 30-йилларда ҳам текшириш ишлари олиб борилган. Археологик тадқиқот ишлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси ташкил этилиши билан фаоллашиб кетади. Ўтган асрнинг 50-60 – йилларида амалга оширилган кенг кўламли қазилма ишлари олиб борилиши билан тадқиқотлар жадаллашиб кетади. Натижада Ёздепа мажмуасининг илк темир даври хронологик устуни ишлаб чиқилади:

Ёз I мил. ав. 900-650 йиллар

Ёз II мил. ав. 650-500 йиллар

Ёз III мил. ав. 500-350 йиллар

Лекин ўтган асрнинг охирларида Ёздепа ёдгорлигида амалга оширилган радиокарбон таҳлили Ёз I даврини мил.ав. 1300 билан белгिलाган.

Бу воҳа Мурғоб дарёсидан бош оладиган анҳорлар ёки ҳосил қилган делталари ташкил этган кичик воҳалар ёки хўжалик туманлари Тохирбой, Яздепа, Аравалидепа, Тоип ва Тўғалоқлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг

ҳар бирида 3 тадан 25 тагача ката-кичик манзилгоҳлар бутун воҳада 60 га яқин манзилгоҳ аниқланган. Ёздепа улар орасидаги нисбатан йирик ва марказий воҳани ташкил этади. Улар аркли нисбатан йирик манзилгоҳлар, арксиз йирик манзилгоҳлар ва кичик қишлоқлар уй- қўрғонлар.

Воҳадаги археологик ёдгорликлар орасида Ёздепа нисбатан йирик ва яхши ўрганилган манзилгоҳ ҳисобланади. Унинг майдони 16 га. ни ташкил этиб, манзилгоҳнинг бир четида баланд саҳни устида барпо қилинган арк жойлашган. Манзилгоҳдан хом ғиштдан (53x28-29x12-13 см) барпо қилинган, уй-жой қолдиқлари, аркда бино қилинган йирик иморат сарой ёки ибодатхона жойлашган. Иморатлар узун ва тўғри тўрт бурчак хоналардан иборат. Иморатлар хоналари ва сатҳи лойсувоқ қилинган.

Воҳа аҳолисининг асосий ҳўжалик машғулоти сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликни ташкил этган. Археологик тадқиқотлар давомида Марвликларнинг асосий ҳўжалиги суғорма деҳқончиликдан иборат бўлган. Ёздепа кичик воҳасида Гатиоқар (эни 5-8 м, чуқурлиги 2-3 метр, узунлиги 55 км) ва Аравалидепа кичик воҳасида эса Гунияб (5-6 м, чуқурлиги 1,5-2 метр, узунлиги 36 км.) каби ҳозирда мавжуд бўлган анҳорлар тадқиқотчи олимларнинг тахманларига кўра ўша давр ўзанлари билан мос кела экан. Ушбу анҳорлар атрофида қадимда фойдаланилган экаин майдонларининг ўрни сақланганлиги археологик жиҳатдан маълум. Деҳқончиликда бошоқли дон ва полиз экинлари экишган. Чорвачилик ҳолати қай даражада бўлганлиги тўғрисидаги етарли ва аниқ маълумотлар кам.

Бу ердаги Тохирбой I ва Чурнок манзилгоҳларидан темир тошқоллари учрайди. Кулолчилик ишлаб чиқариши боғлиқ масалалар яхши ўрганилган. Бу ердаги кўпгина манзилгоҳлардан кулолчилик печларининг излари топилган. Улар ичида Чурнокдан топилган иккита печ диққатга сазовардир. Улар қўнғироқ симон шаклга эга бўлиб, оловхона ва идишлар жойлаштириладиган қисмлардан иборат. Учдепадан эса кулоллар маҳалласи ўрганилган, ундаги хумдонлар мил. ав. V-IV асрларга оид.

Мил. ав. X-VII асрларга (Ёз I) оид сопол идишлар қўлда ясалаган. Идишлар сариқ ангоб билан бўялган, устидан жигар ва қизил бўёқлар билан геометрик нақшлар берилган. Мил. ав. VII-IV асрларга келиб, идишларни кулолчилик чархида яшаш анъанаси кучаяди, атрофига нақшлар солинган идишлар учрамайди. Марв воҳасидаги манзилгоҳлардан тош қуроллар, еркўрғичоклар, зеб-зийнат буюмлари. қурол- аслаҳа ва камон ўқларининг учлари ҳам топиб ўрганилган. Мил. ав. IV (Ёз III) келиб воҳаларнинг барча манзилгоҳларда инқироzi кузатилади. Суғориш тизимининг мураккаблашиши натижасида аҳоли янги ерларни ўзлаштиради.

Шимолий Парфия. Копетдоғ тизмаларининг ёнбағирларида илк темир аврига оид қуйидаги типдаги манзилгоҳлар ўрганилган.

1.Йирик ҳажмдаги цитаделга эга бўлган манзилгоҳлар. (Елкантепа, Улуғдепа). 2.Ўрта ҳажмдаги цитаделга эга бўлмаган манзилгоҳлар(май. 1 га. дан ортиқ), (Яссидепа, Агачлидепа) 3.Кичик манзилгоҳлар (кичик қишлоқлар май. 1га. гача), (Крахандепа I,II,III, Еландепа, Овадандепа). Елкандепа I ва Улуғ III, сўнги бронза даврда шаклланган. Елкан II, Улуғ II лар мил. ав. 650-

500, ҳамда Елкан III, Улуғ I лар мил. ав. 500-350 йиллар билан саналади. Елкантепа цитадели бронза даврида барпо этилиб, атрофида 14,5 га иборат жойда аҳоли манзигоҳи шаклланади. Мил. ав. X асрларда мудофаа деворлари (умумий қалинлиги 10, 5 м; ўртада- 6 м. дан иборат коридор мавжуд) билан ўралиб, иморатларнинг асосий кўпчилик қисми қурилади. Мудофаа девори атрофида чуқур хандаклар қазилган. Мил. ав. VII-VI асрларга келиб эса манзилгоҳ атрофида иморатлар барпо этилади. Унинг атрофи ҳам мудофаа деворлари билан ўраб олинади. Шунга ўхшаш Улуғдепа ҳам бронза даврида шаклланиб, мил. ав. X асрларда баланд сахни устида қўрғон барпо этилади. Елкандепадан фарқи ўлароқ бу ерда аҳоли иморатлари жойлашган қисми мудофаа деворларининг излари аниқланмаган. Иморатлар тўрбурчак ғиштлардан қурилиб, деворлари ва уйларнинг сахни лой сувоқ қилинган. Баъзи бир иморатларнинг деворлари ганч билан сувалган.

Аҳолининг асосий машғулоти суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик бўлган. Деҳқончиликда асосан бугдой ва арпа экилган. Суғориш иншоотларининг излари ўрганилмаган бўлсада, тоғдан оқиб тушадиган кичик дарё сувлари деҳқончиликда асосий манба бўлган. Сувга бўлган талабнинг юқори бўлганлигини ҳисобга олиб, қадимги деҳқонлар дамба ва туғонлардан фойдаланган, деган хулосага келиш мумкин. Кейинги даврларда бу ерда коризлар пайдо бўлади.

Бронза ва темирдан меҳнат қуроллари, қурол аслаҳалар таёрланганлиги археологик жиҳатдан аниқланган. Булардан ташқари тошдан қуроллар ҳамда сопол буюмлар ўрганилган. Сопол буюмлари Марғиёнананикига ўхшаш. Мил. ав. X-VII асрларга оид сопол буюмларнинг асосий қисмини қўлда ясалган, ҳамда нақшли буюмлар ташкил этади. Нақшлар геометрик шаклда. Улуғтепанинг мил. ав. VII-IV асрларга оид сопол буюмлари Ёздепанинг шу даврга оид буюмлари билан ўхшаш. Ёз I сополларига ўхшаш сопол буюмларининг бу ерда бронза давридаёқ пайдо бўлиши ўзига хос хусусиятлардан биридир.

Жанубий Туркменистондаги Тажанг дарёси атрофида Серахс воҳасида ҳам тадқиқот ишлари олиб борилган (Кўхна Серахс, Мовлекдепа, Бешдепа, Акчадепа манзилгоҳлари). Бу ерда ҳаёт неолит даврида бошланиб, мил. ав. I минг йилликнинг бошида қайтадан ўзлаштирилади. Кўхна Серахс Ёзидепали ўрнида манзилгоҳ шаклланиб, атрофи мудофаа девори билан ўралган. Цитаделдан ташқарида иморатларнинг ўрни сақланган. Мовликдепада қадимги канал излари ўрганилган. Воҳанинг сопол идишлари Марв сопол идишларига ўхшаш. Тош қуроллари, ёрғучоқлар, темир қотишмаларнинг чиқиндилари топилган.

Қадимги Дахистон Туркменистоннинг жанубий-ғарбида қадимги Дахистон воҳаси ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Қадимги Дахистон ёдгорликлари Гурген, Сумбар ва Атрек Бенгувона каби кичик дарё воҳаларида ривожланади. Қадимги Дахистон ёдгорликлари ҳам цитаделга эга бўлган. Йирик манзилгоҳлар ёки қадимги шаҳарлар (Мадов, Иззаткули), йирик ҳамда кичик ҳажмдаги қишлоқлардан иборат. Иморатлар хом ғишдан қурилган, томлари текис ёпилган. Бу ерда Атрек дарёсида чиқарилган қадимги канал излари ўрганилган. Уларнинг узунлиги 50-60 км. ни ташкил этади.

Каналларнинг сувлари бир неча ариқлар орқали экин майдонларига тақсимланган. Деҳқончилик аҳолининг асосий машғулоти ҳисобланиб, буғдой, арпа ва бошқа дуккакли экинлар экишган. Чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Сопол идишлар кулолчилик чархида ишланиб, нақшлар берилган. Бу ерда темир бўлаклари, темир қотишмасининг чиқиндилари ҳам топилган. Умуман, Дахистон топилмалар Жанубий Туркменистоннинг I минг йиллик бошларига доир моддий манбалардан кескин фарқ қилади. Кўринишдан қадимги Эрон қабилалари билан кенг алоқада бўлиб, уларнинг таъсирида ривожланган.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари илк темир даври археологияси

1. Шимолий Бактрия археологияси
2. Шимолий Сўғднинг илк темир даври археологияси
3. Жанубий Сўғднинг илк темир даври археологияси

Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий-маданий вилоятларидан бири бўлган Бактриянинг Умумий тавсифи Шимолий ҳудудлари. Бу ўлка ҳозирги Сурхон воҳаси ва Тожикистон Республикасининг жанубий ҳудудлари киради. Мазкур минтақада мил.ав. I минг йилликнинг бошларига келиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан туб ўзгаришлар содир бўлади. Маълумки II минг йилликнинг охирига келиб Сурхон воҳасидаги Сополли маданияти инқирозга учрагандан сўнг ўзига хос ўтроқ деҳқончилик маданияти вужудга келади. Бу турдаги маданият айрим жиҳатларига кўра Ўрта Осиёнинг жанубида, хусусан, Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон ҳудудларида жойлашган Умумий тавсифи Шимолий Бактриянинг илк темир даврига оид ёдгорликларини ўрганиш ўтган асрнинг 50-йилларидан, яъни Қалан Мир манзигоҳида олиб борилган тадқиқот ишларидан сўнг кучаяди. Умумий тавсифи Шимолий Бактриянинг мил. ав. I минг йилликларнинг бошларига оид манзилгоҳлари Сурхон ва Шеробод дарёларининг ирмоқлари атрофида Сополли маданиятининг инқирозидан сўнг ривожланган бўлса, Сурхон ва Амударёларнинг Ўрта оқими, Кофирнигон, Вахш ва Панж дарё воҳалари эса қадимги деҳқонлар томонидан мил. ав. I минг йилликнинг иккинчи чораги ва Ўрталарида ўзлаштирилган.

Умумий тавсифи Шимолий Бактрияда мил. ав. I минг йилликнинг биринчи ярмида ўндан ортиқ деҳқончилик воҳалари ўзлаштирилиб, турли шакллардаги манзилгоҳларнинг ривожланиши кузатилади. Шулардан еттитаси Саргандак -Тўпаланг-(Холчаённинг қўйи қатлами), Халқажар (Миршоди)-(Қизилтепа, Қизилча гуруҳидаги манзилгоҳлари, Аҳаткул), Ургулисой (Бандихон)-(Бандихон I, II, Ғозимулла), Шеробод-(Жондавлаттепа, Талашкантепа I, Пачмактепа), Улонбулоқсой-(Кучуктепа, Пшактепа, Дабилқўрғон), Ўрта Сурхон-(Хайитобод, Номсизтепа), Ўрта Амударё-(Кўхна Термизнинг қуйи қатлами, Кампиртепа яқинидаги Номсизтепа.) каби кичик дарё воҳалари Сурхон воҳасида ва Қуйи Кофирнигон-(Қалам Мир, Мунчоктепа, Хирмонтепа), Вахш-Явон-(Томошатепа, Болдой I, Шўрчитепа), Бойтудашт-(Бойтудашт) каби воҳалар Тожикистон Республикасининг жанубида ривожланади. Уларнинг ҳар бирининг ҳудуди табиий чегараланиб, Археолог

олим А.С.Сагдуллаевнинг илмий таҳлилларига кўра уларнинг ҳар бири алоҳида деҳқончилик тумани ёки кичик маъмурий тузилмани ташкил этганган. Мазкур маъмурий бўлинмаларнинг ҳар бирида тахминан 3-5 тадан манзилгоҳ жойлашган. Улардан бири ҳажми ката ва структурасига кўра мураккаб бўлган. Кўринишдан улар маълум туманнинг маъмурий маркази бўлган бўлиши мумкин.

Келтирилган воҳалардаги манзилгоҳларнинг қуйидаги шакллари ажратиш мумкин.

1. Атрофи мудофаа девори билан ўралиб, цитаделга эга бўлган йирик ҳажмдаги манзилгоҳлар (ёки қадимги шаҳарлар) - Қизилтепа, Ҳайитободтепа.
2. Мудофаа деворларига эга бўлган қалъа-қўрғонларига иморатлар тутуш жойлашган манзилгоҳлар - Кучуктепа Бандихон II, Талашконттепа I.
3. Йирик ҳажмдаги манзилгоҳлар ёки қадимги қишлоқлар- Ғозимулладепа.
4. Уй-қўрғонлари - Қизилча гуруҳдаги манзилгоҳлар
5. Алоҳида вазифани бажарувчи манзилгоҳлар (диний иншоотлар)- Пишактепа, Пачмактепа.

Мил. ав. II минг йилликнинг охири ва мил. ав. I минг йилликнинг бошларига келиб, бу ерда ўзига хос маданият шаклланадики, бу давр тарихи археологик жиҳатдан Кучук I (мил. ав. 1000-750) Қизил I (мил. ав. 1000-700 йиллар) Кучик II (мил. ав. 750-600) ҳамда Қизил II (мил. ав. 750-600), белгиланган. Кучик III (мил. ав. 600-500), Кучук IV (мил. ав. 500-350), Қизил III (мил. ав. 600-350) босқичлари эса аҳамонийлар даврига тўғри келади.

Воҳанинг мил. ав. I минг йилликнинг биринчи чорагига оид тарихини археологлар Кучук маданияти, деб юритиш одатланган. Бу давр ёдгорликларининг ҳажми анча кичик (3 га дан ошмайди). Улардан машҳури Кучиктепа манзилгоҳи ҳисобланиб, баланд саҳни (4 метр қалинликда) устига қурилган қалъа-қўрғончадан иборат. Манзилгоҳ атрофида иморатлар жойлашган ҳамда улар мудофаа деворлари билан ўралган. Кейинги босқичда Кучиктепа маданияти таракқиёти давомида Қадимги Бактрия маданиятининг вужудга келади. Бу давр воҳа ижтимоий-иқтисодий муҳим жараёнлар кечганлиги билан тавсифланади. Ўтроқ деҳқончилик маданияти ҳудуди кенгайиб, манзилгоҳлар сони кўпайди ва уларнинг ҳажми ортиб боради. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларидаги каби қадимги йирик шаҳар марказлари шаклланади.

Бу даврга оид Қизилтепа воҳадаги йирик манзилгоҳ ҳисобланади. Унинг умумий майдони 30 га.ни ташкил этади. Манзилгоҳ цитадел (арк), шаҳар (шаҳристон) ва атрофий ҳамда шаҳар атрофий округи қисмларидан иборат. Манзилгоҳ Қизил I даврида шаклланиб, кейинги босқичда кенгайиб асосий қисми шаклланади. Манзилгоҳ шимоли-ғарбида арк (май. 2 га) барпо этилиб, уларнинг атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинади. Мил. ав. V-IV асрларда мудофаа девори атрофи иморатлар барпо этилади. Шаҳар ичкараси алоҳида янги иморатлар қурилади. Мудофаа деворлари икки қатордан иборат бўлиб, уларнинг Ўртасида коридор мавжуд. (Ички девор 2,5 м, ташқи девор 0,7-1,0 м, коридор эса 1,5 м) деворлар ярим айлана ва тўртбурчак миноралар билан кучайтирилган. Уларнинг ҳар бирида жанговар шинаклар бор. Манзилгоҳ

ичкарисида очик майдон жойлашган. Қизилтепанинг воҳадаги бошқа манзилгоҳдан ҳар томонлама ва алоҳида ажралиб туриш маданий-иқтисодий ҳамда маъмурий марказ вазифасини ўтаганлигидан далолат беради.

Шеробод воҳасидаги Талашкон I ҳам диққатга сазовордир. У доира шаклидаги истехком қалъадан иборат бўлиб, мудофаа деворлари билан ўралган. Деворлар тўғритўртбурчак шаклидаги миноралар билан кучайтирилиб, уларда шахмат шаклидаги икки қатор шинаклар жойлашган. Қалъа ичидаги уйлар мудофаа деворларига тақаб қурилган. Манзилгоҳ Ўртаси ҳовли сифат очик жой қолдирилган. Бандихон воҳа туманидаги йирик манзилгоҳ Бандихон II ҳисобланади. Бу манзилгоҳнинг умумий майдони 14 га. дан иборат бўлиб, икки қисм цитадел ва унинг атрофидаги жойланган уй-жой иморатлари жойлашган қисмлардан иборат. Жанубий Тожикистон ҳудудидаги манзилгоҳлардан Бойтудашт ва Болдай I каби ёдгорликлар ажралиб туради. Бу ёдгорликларнинг шаклланган даври мил ав. I минг йилликнинг иккинчи чоракларига тўғри келади. Бу ёдгорликларда ҳам шаҳар аломатлари мавжуд бўлиб, Сурхон воҳаси манзилгоҳлариникига нисбатан сода ва уларда жараёнлар кечроқ содир бўлганлиги билан ажралиб туради. Кичик воҳаларидаги марказий манзилгоҳ атрофидаги манзилгоҳларда ҳам уй-жой ва ҳўжалик иморатлари аниқланган. Манзилгоҳлар шаклларида уй--қўрғонлар муҳим ўрин тутди. Қизилтепа ёдгорлиги атрофида жойлашган Қизилча гуруҳидаги манзилгоҳлар мазкур давр қишлоқ ҳўжалиги ҳаётини ўрганишдаги аҳамияти ката. Улардан Қизилча I ва VI ёдгорликлари археологик жиҳатдан яхши ўрганилган. Бу ёдгорликларнинг майдони тахминан 0,2 га. ни ташкил этади. Манзилгоҳ қўра шаклида барпо қилинган. Умумий девор билан ўраб олинган ҳовлининг бир қисмида уй-жой иморатлари ва унинг олд тамонида ҳовли жойлашган. Кўринишдан бу манзилгоҳ мазкур давр давлатманд патриархал оиласига тегишли уй-жой комплекси ҳисобланган. Умуман бошқа турдаги манзилгоҳларда ҳам археологик тадқиқот ишлари олиб борилиши натижасида ўлканинг қурилиш-меъморий хусусиятларини ўрганиш имкониятлари мавжуд. Барча турдаги иморатлар хом ғишт ва пахсадан барпо қилинган. Деворлар лойсувоқ қилинган. Баъзи иморатларда ёғоч устунларининг ўрни аниқланган. Иморатларнинг томи текис ёпилган.

Умуман, мазкур давр Ўрта Осиё тарихида чуқур тарихий-маданий ўзгаришлар билан белгиланиб, йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши, қадимги давлатларнинг қарор топиши ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишлар содир бўлган давр ҳисобланиб

Аҳолининг асосий машғулоти суғорма деҳқончилик бўлиб кичик дарёлардан анҳорлар орқали сув чиқарилган, ёки тўғридан-тўғри дарёлардан ариқлар орқали сув чиқарилган. Катта анҳорлардан бирининг излари Бандихондан топиб текширилган. Бу ерда бошоқли ўсимликлар полиз ва боғдорчилик ривожланган. Чорвачиликнинг ҳам яхши ривожланганлиги тўғрисида Кучуктепа ва Бандихондан топилган ҳайёвон суяклари етарли маълумот беради. Топилмаларга қўра Умумий тавсифи Шимолий Бақтриянинг қадимги аҳолиси қўй, эчки, қорамол, от, чўчка боқишган.

Маълумки, Саполли маданияти инқирозга учрагандан сўнг ўлкада ўзига хос маданият қарор топади. Бу даврда Сополли маданияти учун хос бўлга айрим ютуқлардан воз кечилади, хусусан кулолчиликда қулда идишлар яшаш анъанаси пайдо бўлади. Умумий тавсифи Шимолий Бақтриянинг илк темир (Кучук I) даври сопол идишлар асосан қўлда ва қисман кулолчилик чархларида ясалган. Қўлда ишланган идишларнинг сиртига геометрик шаклларда нақшлар билан безатилган. Уларнинг шакллари турлича, кўпчилигининг таги ясси. Тош ва бронзадан ясалган меҳнат қуроллари ҳамда қурол аслоҳалари кўплаб топилган. Кейинги (Кучук II, Қизил II) босқичида кулолчилик чархида сопол буюмларини тайёрлаш кучаяди. Бу босқичдаги сопол идишлар консуссимон ва банкасимон шакллардан иборат. Идишларнинг атрофи тўқ жигар рангда ангоб берилган. Бу даврда сополларни қўлда яшаш анъанаси ҳам сақланиб қолади.

Бу даврга оид топилган тош қуроллари, хусусан ёрғучоқлар, темир ва бронзадан ишланган турли меҳнат қуроллари ва қуро-яроғлар бой маданият намуналаридир.

Сўғд Сўнгги бронза ва илк темир даврининг дастдлабки босқичига келиб, Сўғдиёнанинг жанубий ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик маданияти қарор топади. Илк темир даврида Сўғдиёнанинг барча ҳудудлари деҳқонлар томонидан эгалланади. Сўғдиёна ҳудудларида илк темир даврига оид ёдгорликлар бир хил суратда ривожланмаган. Бу даврга оид ёдгорликлар кўпроқ учрайдиган ва яхши ўрганилган воҳа Қашқадарё ҳисобланади. Зарафшон воҳасида эса Афросиёб, Лолазор ва Кўктепаларнинг қуйи қатламларида бу даврга оид моддий топилмалар қисман сақланган.

Умуман, Сўғдиёнанинг илк темир даври ёдгорликлари ҳам дарё воҳаларида алоҳида шаклланади. Бу анъанани Қашқадарё воҳасида аниқ кўриш мумкин. бу ерда илк темир даврига оид бир нечта воҳаларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Манзилгоҳларини эса, хажми ва авзифаларига кўра қуйидаги типларга ажратиш мумкин.

1. Арк ва мудофаа деворларига эга бўлган йирик шаҳар харобалари (Афросиёб, Узункир, Ерқўрғон).
2. Қишлоқлар (Даратепа, Чироқчитепа, Бешқўтонтепа).
3. Мудофаа деворлари билан ўралган алоҳида вазифаларини бажарувчи манзилгоҳлар, кўринишидан ибодатхона (Сангиртепа).

Шимолий Сўғднинг илк темир даври ёдгорликлари Қадимги Сўғд тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумотлар зардуштийлик дининг муқаддас китоби Авестода учрайди Унинг энг қадимги қисмларидан бўлган Гат қисмида Сугуд, қадимги форс манбаларида Сўғд ва Юнон-рим муаллифларининг асарларида эса Сўғдиёни номлари билан келтирилади. Бу ўлка Зарафшон воҳаси, ва Қашқадарё воҳаси ҳудудларидан ташкил топган. Сўнгги бронза ва илк темир даврининг дастдлабки босқичига келиб, Сўғдиёна муҳим жараёнлар содир бўлади. Бу даврда ўтроқ деҳқончилик маданиятига асосланган жамоа қишлоқлари вужудга келади.

Илк темир даврида Сўғдиёнанинг барча ҳудудлари деҳқонлар томонидан эгалланади. Сўғдиёна ҳудудларида илк темир даврига оид ёдгорликлар бир хил суратда ривожланмаган. Бу даврга оид ёдгорликлар

кўпроқ учрайдиган ва яхши ўрганилган воҳа Қашқадарё ҳисобланади. Зарафшон воҳасида эса Афросиёб, Лолазор ва Кўктепаларнинг қуйи қатламларида бу даврга оид моддий топилмалар қисман сақланган.

Афросиёб Сўғднинг қадимий марказий шаҳарларидан бирининг ўрни. Юнон-рим муаллифлари асарларида келтирилган Мароқанда номи билан тилга олинади. Манзилгоҳ мил. ав. I минг йилликларнинг бошларида шаклланган. Унинг энг пастги қисмидаги маданий қатламлари мил. ав. I минг йилликнинг бошлари (Янги радиокарбон бўйича мил. ав. XIV аср) дан қўлда сиртига нақш солиб ишланган сапол буюмлари топиб ўрганилган. Бу жараён Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларида ҳам кузатилади. Мил. ав. VIII-VII қадимгит қишлоқ ўрнида дастлабки шаҳар шаклланади. Ёдгорликнинг Умумий тавсифи Шимолий қисмида амалга оширилган қазилмаларда бу даврда 19 га. дан иборат майдон бир томони текис тескари ясси –иштлар билан 7 метр қалинликдаги муҳофаза девори билан ўраб аниқланган. Шундан 0,5 га. майдонни эгаллаган аркида алоҳидам муҳофаза девори билан ажралган. Унда ҳукмдор саройи жойлашган. Юнон-рим муаллифлари асарлари маълумотларида келтириб ўтилган шаҳарнинг 220 гектарлик майдони мазкур даврда тўлиқ шаклланган. Илк темир даври сапол идишлари қўлда ва кулолчилик чархида ясашиб, улардан қўлда ясалганларининг айримларининг атрофига шакшлар берилган. Бу ерда кулоллар ва тўқимачиларнинг устахоналари ва ховуз ўрни аниқланган. Катта майдонни эгаллаган. Бундай муҳофазаланган ҳудуддаги шаҳар Ўрта Осиёнинг бошқа учрамайди. Бунинг учун кучли ташкилотчилик имкониятига эга бўлган қудратли давлат аппарати бўлиши керак.

Воҳанинг иккинчи бир йирик шаҳрининг ўрни Самарқанддан 30 км. Умумий тавсифи Шимолий-ғарбида Челақ тумани ҳудудида жойлашган. Бу ёдгорлик ҳам Афросиёб билан бир даврда шаклланган. Унинг умумий майдони 100 ортиқ. Ҳозирги пайтда ёдгорликнинг бир қисми бузилиб кетган. Мудофаа девори билан ўраб олинган 23 га. дан иборат қисми илк темир даврининг бошларида шаклланган. Бу ёдгорликда баланд тағ курси устида барпо қилинган арк жойлашган бўлиб, унда ўрганилган иморат Сарой бўлган бўлиши мумкин. Ундан жанубий-ғарбда шаҳристон ҳудудида оташпарастилар ибодатхонаси жойлашган. Кўктепанинг қуйи қатламидан ертўла шаклидаги уйларнинг ўрни аниқланган. Сапол идишлари қўлда ишланиб, сиртига нақшлар берилга. Илк темир даврининг кейинги босқичида (Кўктепа II) уй-жой иморатлари ер устида барпо қилинади. Сапол идишлари ҳам кулолчилик чархида ишлана бошлайди.

Жанубий Сўғддаги маданий-иқтисодий марказлардан бири бу Ерқўрғондир. Майдони 34 га, манзилгоҳнинг қуйи қатламида мил. ав. VIII-VII асрларга оид мудофаа девори ўрни сақланган. Мил. ав. VI асрда шаҳар майдони кенгайтирилиб, Янги мудофаа девори билан ўраб олинади. Ички томондан ҳашаматли маъмурий бино барпо этилади, ҳамда темирчилар маҳалласи пайдо бўлади. Ушбу даврга оид арк излари аниқланмаган.

Узунқир. Сўғдиёнаннинг (Қашқадарё, Китоб тумани) илк темир даврига оид маданий марказларидан бири майдони 70 га. Ҳозирги пайтда 450 метрдан иборат мудофаа девори сақланиб қолган. Мудофаа деворининг пастки қисми гувала, юқори қисми эса пахса ва хом ғиштда кўтарилган. Деворнинг

қалинлиги 1,85 метр бўлган. мудофаа девори ташқи томонидан тўғри бурчакли минора- буржлар билан кучайтирилган. Бурж ва деворда жанговар ва «алдамчи» шинаклар мавжуд.

Мудофаа деворига гувала ва пахсадан қурилган қисми тахминан мил. ав. IX-VII асрларда асос солинган. Асосий девор ва буржлар кейинги даврда бунёд этилади. Кейинчалик эса биринчи деворга туташ қилиб, 1,6 м. қалинликда иккинчи девор қурилади ва умумий қалинлиги 3, 5 метрга етади. Учинчи даврида 1,2 м. қалинликда яна бир қўшимча девор қурилади. Сўғдиёналиклар суғорма деҳқончилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланганлар. Қашқадарё воҳасидан арпа, буғдой, жавдар ҳамда хайвон суяклари топиб текширилган. Қашқадарё воҳасида топиб текширилган сопол идишлар икки гуруҳга бўлинади. Кулолчилик чархида ясалган нақшсиз идишлар. Улар коса, товоқ, хумчалардан иборат. Қўлда ишланган идишлар геометрик ва эгри чизиқлар билан нақшланган. Нақшли идишлар Қашқадарёнинг тоғолди ҳудудларидан ҳам топиб текширилган.

Воҳада ҳунармандчилик, ҳусусан темирчилик ва тўғимачилик кенг ривож топган дейиш мумкин. даратепадаги мил. ав. VII-VI асрларга оид темир буюмнинг топилиши фикримиз далилидир.

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудларининг илк темир даври археологияси

1. Фарғона водийси илк темир даврида (Чуст ва Эйлатон маданият)
2. Тошкент воҳаси илк темир даврида (Бургулик маданияти)
3. Уструшона илк темир даврида

Фарғона (Чуст ва Эйлатон маданият) Фарғона (Чуст ва Эйлатон маданият) водийсининг I минг йилликларда оид моддий топилмалар 30-йиллардан маълум. XX асрнинг иккинчи ярмида кўплаб ёдгорликларда археологик қазиш ишлари олиб борилдики, воҳанинг ушбу даврдаги моддий маданияти хўжалиги ва деҳқончилик маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш имкониятини яратди. Фарғона водийсидаги I минг йилликларга оид маданиятининг Чуст ва Эйлатон босқичлари ажралиб туради. Чуст давридаги манзилгоҳлар алоҳида воҳаларда ривожланади. Ҳозирги пайтда қуйидаги воҳалар аниқланган: Ўзган, Қорасув, Тава-Косон, Қорадарё-Хўжабод. Уларнинг кўпчилиги марказий манзигоҳга эга бўлганлар. Уларда қуйидаги шаклдаги манзилгоҳлар ўрин олган. Йирик манзилгоҳлар (Ашкол, Далварзин) Ўртача манзилгоҳлар (Чуст, Деҳқон, Кичик манзигоҳлар) бу ердаги манзилгоҳларнинг асосий кўпчилиги.

Биринчи турдаги манзилгоҳлар цитадел, уй-жой ва хўжалик иморатлар ва очиқ майдон жойлашган шаҳар ҳамда шаҳар атрофи қисмларидан иборат. Уларнинг ҳар бири мудофаа тизимига эга. Бу турдаги манзилгоҳ сирасига кирувчи Далварзин яхши ўрганилган. Кўринишидан у бутун воҳанинг маркази ҳисобланган.

Иккинчи турдаги манзилгоҳлар икки қисмдан иборат бўлиб, бундай ёдгорликлар сирасига Чуст ёдгорлигини киритиш мумкин. Манзилгоҳнинг

Шимолий ғарбий қисми (1,5га) мудофаа қилинган. Қолган асосий қисми эса мудофаа тизимига эга эмас. Кичик манзилгоҳлар бир-неча хонадан иборат уй-жой иморатларидан ташкил топган. Улар деҳқон жамоасининг катта патриархал оиласи яшайдиган манзил бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Чустликлар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Деҳқончиликда арпа, буғдой ва бошқа дуккакли ўсимликлар етиштирганлар. Бу ерда суғорма деҳқончилик асосланмаган. Чорвачиликда қорамол, қўй, эчки боққанлар. Дарё ва кўл бўйларида яшаган халқлар балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар. Чустликларда бронзага ишлов бериш, улардан меҳнат қурол-яроғлар тайёрлаш яхши ривожланган. Далварзинтепа ёдгорлигидан мил. ав. IX асрга оид темир буюм намунаси топиб ўрганилган бўлсада, фарғоналикларда темир металлургияси пайдо бўлган, деган хулоса ясаб бўлмайди. Тошдан меҳнат қуроллари ясаш ўз аҳамиятини йўқотмайди. Чустликларнинг сопол буюмлари кўлда ясалган. Уларда бу даврга оид кулолчилик чархи ясалган сопол буюмлар учрайди. Сопол буюмларининг таги думалоқ шаклда бўлиб, уларнинг аксариятининг атрофига турли нақшлар солинган. Нақшларнинг асосий қисми геометрик (ромб, учбурчак) шакллардан иборат.

Чуст маданиятининг давоми сифатида Фарғона водийсида Эйлатон маданияти (мил. ав. VII-IV асрлар) ривожланади. Эйлатон маданиятига доир ёдгорликлар Фарғона водийсининг деярли барча ҳудудларида аниқланган. Улардан Эйлатон манзилгоҳида тўлиқ бўлмасдан кенг кўламли қазилар ишлари олиб борилган. Манзилгоҳ учбурчак шаклда, мудофаа деворлари (эни 4 м) билан ўралган. Мудофаа деворлари бир неча буржларнинг ўрни аниқланган. Манзилгоҳ дарвозаси бурчакларида ҳам буржлар мавжуд. Манзилгоҳда уй-жой қолдиқлари ҳам аниқланган. Қурилишда пахса, хом ғишт ҳамда гуваладан фойдаланилганлар. Эйлатон маданияти соҳиблари машғулотининг асосини арпа, буғдой экишга асосланган суғорма деҳқончилик ташкил этган. Гуруч ҳам шу даврдан экила бошлаганлиги шубҳасиздир. Чорвачилик ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кичик туёқли чорва моллари қорамолларга нисбатан кўпроқ боқилган.

Эйлатон сопол идишлари дастлаб кўлда ва кейинчалик кулолчилик чархида ясалган. Бу даврда темирдан буюмлар ясашлар кенг тарқала бошлайди. Бронза ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Тўқимачилик ҳам ривожланади.

Тошкент воҳаси (Бургулик маданияти) Тошкент воҳасининг илк темир даври моддий маданияти Бургулик маданияти мисолида яхши ўрганилган. Бу маданиятга оид дастлабки моддий топилмалар 1940 йили Терепожкин А. И. томонидан Оҳангорон дарёсининг Ўрта оқимида Бургуликсойёқасидан топиб ўрганилган.. Ҳозиргача бу маданиятга оид 10 дан ортиқ манзилгоҳлар 50 га яқин уй-жойлари маълум. Бу маданият дастлаб Х.Дуке томонидан мил.ав.IX-VII саналанган. Кейинчалик Ю.Ф. Буряков ва М.И.Филановичлар олиб борган тадқиқотлари ушбу маданият мил. ав IV асрга қадар давом этганлиги қайд этилган. Бургулик I мил.ав. IX-VII, Бургулик II мил.ав. VI-IV асрлар билан саналади. Бургулик маданияти соҳибларининг манзилгоҳлари каир ва лимонли суғориш усули учун қулай бўлган кичик сой бўйларида жойлашган. уларнинг йирик манзилгоҳларидан бири ҳозирги Туябўғиз сув амбори ҳудудида,

Оҳонгарон дарёсининг иккала соҳилида жойлашган ертўла уй-жойлардан иборат. Кейинчилик Оҳангарон ва Чирчиқ воҳаларидаги кўпгина манзилгоҳларнинг қуйи қатламларидан Бургулик маданиятига оид ертўла уйлар аниқланди. Шундай уйлар Канка, Шоштепа, ва бошқа ёдгорликларнинг қуйи қатламларида учраб ушбу манзилгоҳлар уларнинг устида шаклланган.

Бургулик маданиятига оид йирик, Ўртача ва кичик уй-жойлар хос бўлиб, йириклари лой девор орқали хоналарга ажратилган. Улар айлана ёки чўзиқ шаклидаги ертўлалардан иборат. Суний суғоришнинг содда усуллари учун қулай бўлган жойларида деҳқончилик билан шуғулланган. Суғориш усули кўрфаз шаклидан иборат. Деҳқончиликда буғдой, арпа экишган. Воҳанинг кенг даштлари ва тоғолди ҳудудлари чорва учун яйлов вазифасини ўтаган. Ҳайдаб боқиладиган чорвочилик мавжуд бўлиб, йирик ва кичик туёқли чорва моллари боқилган. Тошкент воҳасининг Чотқол-Қурама тоғ тизмалари турли маъданлага бойлиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Хўжаликнинг бошқа бир тури металлларга ишлов бериш ва улардан қурол яроғ, уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш ва заргарлик яхши ривожланган. Ҳунармандчиликнинг бошқа бир тури тўқимачилик бўлган. Сапол идишларнинг бир қисми мато қолипда ишланган бўлиб, уларнинг ички томонида матонинг излари сақланиб қолган.

Бу ерда бронзадан ясалган меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлари, ўроғ, пичоқ, игна, бигиз, қошиқ, совут, комон ўқи учларидан иборат. Бундай буюмлар шаклида кўра Ўрта Осиёнинг шимолмий ҳудудларида бир пайтда ривожланган маданиятлариники билан ўхшаш. Сопол идишлари қўлда ясалган бўлиб, таги думолоқ, бир қисми жигар рандаги нақшлар билан безатилади.

Бургулик маданиятининг сўнги босқичига келиб воҳада урбанизация жараёни шаклланади.

Бургилик маданияти Тошкент воҳасида мил. ав. I минг йилликнинг бошларида шаклланади. Бу маданиятга оид дастлабки моддий топилмалар 1940 йили Терепожкин А. И томонидан Бургуликсойдан топиб текширилган. Ҳозиргача бу маданиятга оид 10 ортиқ ёдгорлик аниқланган. Бургилик маданиятининг икки босқичи Бургулик I (мил. ав. IX-VII асрлар) Бургулик II (мил. ав. VII-III асрлар) мавжуд. Бу ердаги ёдгорликларнинг кўпчилиги дарё бўйларида жойлашиб баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрига кўра улардан баъзиларининг атрофида чуқур ва кенг қандақлар қазилган бўлган.

Уйлари лойдан баъзиларида эса хом гишт ишлатилган. Ертўлаларнинг эшиги дарё томон қурилди. Йирик хажмдаги ертўлалар пахсадан қилинган юпқа деворлар билан хоналарга ажратилган ёки битта эшикдан кирувчи битта ертўладан иборат бўлган.

Бургулик маданиятининг сўнги босқичида урбанизация жараёни қайд қилинади. Бунинг яққол мисоли сифатида Оҳангарон дарёси бўйидаги Канқа кўриш мумкин. Майдони 6,5 га иборат эллинлар қурилиш анъанаси асосида тўртбурчак шаклда барпо қилинган. Цитадель ва шаҳар мудофаа девори ҳамда хондақларга эга. Улар дарёга туташтирилган. Шаҳар мудофааи ўта мураккаб. Мудофаа деворлари икки қатор (ташқи 2,7 м, ички 4,5 м, коридор 2,2 м) дан иборат бўлиб, энига 9 м. ни ташкил этади. Девор ярим айлана шаклдаги мудофаа буржлари билан кучайтирилган. Шаҳарга ягона дарвоза орқали

кирилган. Дарвозада ҳам буржлар мавжуд. Ю. Ф. Буряковнинг фикрига кўра Канханинг қурилиши воҳа ижтимоий ҳаётидаги тараққиёт таъсирида эмас, аксинча Салавкийлар давлатининг шимолда қалъа барпо этиши натижасида шаклланган сивоҳасига келиб жойлашиши ва таъсири натижасидир. Бургулик маданияти соҳибларининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Улар металлларга илов беришни ҳам билганлар. Кулолчилик идишлари қўлда қилинган. Таги думалок, баъзиларида нақшлар учрайди. Тўқимачилик ҳам мавжуд бўлган.

Уструшона илк темир даврида Фарғонадан жанубий-шарқда Суғд ва Чоч оралиғида Ўрта Осиёнинг яна бир муҳим тарихий маданий вилояти жойлашган бўлиб, кейинги манбаларда Уструшона номи билан юритилган. У Туркистон тоғ тизимидан шимолда Хўжанддан Жиззахгача бўлган ҳудудда жойлашган. Бу ерда мил.ав. VII-V асрларда дастлабки ўтроқ деҳқончилик қарор топади. Уларнинг ўрнида мил.ав. I минг йилликнинг Ўрталарига оид Нуртепа, Ўратепа (Мугтепа) Хўжанд каби манзилгоҳлар ривожланиб, аҳамонийлар даврига меъморий тизими шаклланган. Археологик жаҳатдан бу ерда ривожланган маданият Нуртепа маданияти номи билан ҳам юритилади. Бу маданиятга оид Нуртепа ва Хўжанд манзилгоҳлари археологик жиҳатдан яхши ўрганилган Нуртепанинг майдони 18 гектардан иборат бўлиб, арк ва шаҳар қисмларига бўлинади. Улар ўзларининг алоҳида муҳофаа деворларига эга. Манзилгоҳ мил. ав. VII асрда шаклланиб, мил. ав. VI-V асрларда муҳофаа деворлари барпо қилинади. Нуртепада 17,5 кв. м. ҳажмдаги ертўла ҳам аниқланган. Мил. ав. VI-V асрларда Қадимги Хўжанд ўрнида аҳоли манзилгоҳи шаклланади. Бу ерда муҳофаа девори аниқланган. Манзилгоҳ аркига эга. Уструшоналиклар дастлаб ертўла шаклидаги уйларда яшаб, кейинги босқичда пахса ва хом ғиштдан уй-жойлар қуришни ўзлаштирганлар. Хўжаликда деҳқончилик асосий ўрин тутган. Уструшонанинг моддий маданиятида Чуст маданиятининг таъсири унчалик кучли бўлмай, аксинча илк темир даври Чоч ва Суғдларнинг таъсири кучли бўлганини кўриш мумкин. Сопол буюмлари дастлабки босқичларда асосан қўлда кейинчалик кулолчилик чарҳида ясалган. Гулдор сопол буюмлари ҳам топиб ўрганилган. Металлларга ишлов бериш анъанаси ҳам тарқалди. Хўжаликда деҳқончилик ва чорвачилик асосий ўрин тутган.

Уструшона қадимда Ўрта Осиёнинг муҳим вилоятларидан бири бўлган. У Туркистон тизмасидан шимолда катта ҳудудни: Жиззахдан Хўжандгача бўлган ерларни ўз ичига олган. Бу ердан илк темир даврига оид Нуртепа ва Хўжанд манзилгоҳда археологик жиҳатдан ўрганилган Нуртепанинг майдони 18 гектардан иборат бўлиб, арк ва шаҳар қисмларига бўлинади. Улар ўзларининг алоҳида муҳофаа деворларига эга. Манзилгоҳ мил. ав. VII асрда шаклланиб, мил. ав. VI-V асрларда муҳофаа деворлари барпо қилинади. Нуртепада 17,5 кв. м. ҳажмдаги ертўла ҳам аниқланган.

Мил. ав. VI-V асрларда Қадимги Хўжанд ўрнида аҳоли манзилгоҳи шаклланади. Бу ерда муҳофаа девори аниқланган. Манзилгоҳ аркига эга. Уструшоналиклар дастлаб ертўла шаклидаги уйларда яшб, кейинги босқичда пахса ва хом ғиштдан уй-жойлар қуришни ўзлаштирганлар. Хўжаликда

деҳқончилик асосий ўрин тутган. Кулолчилик идишлари кўлда ва чархда ясалган. Хўжанд харобаларидан нақшланган идишлар ҳам топиб ўрганилган. Бу даврда воҳада металга ишлов бериш ҳам кенг тарқала бошлайди. Хоразмнинг I минг йилликнинг бошларига оид ёдгорликлари Амиробод маданияти мисолида ўрганади. Бу даврда алоҳида канал бўйларида деҳқончилик ривожланади. Ёдгорликларда ертўла, ярим ертўла, ер усти енгил қурилишлари тадқиқ қилинган. Мил. ав. VI-V асрларда воҳада атрофи муҳофаа деворлари билан ўралган манзилгоҳлар тарқала бошлайди. Улардан Қалъалигир ва Кўзалигирлардан қазилган ишлари олиб борилган. Манзилгоҳлар муҳофаа деворлари билан ўралиб, буржлар билан кучайтирилган. Кўзалигирдан йирик иморат ҳамда учта минора симон иншоот аниқланган. Кўринишидан бу диний характерга эга бўлган. Қаламгирда катта ҳажмдаги сарой ўрни аниқланган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра бу иншоот аҳамонийларнинг Хоразмдаги вакилига тегишли бўлган.

Ўрта Осиёнинг шимоли-ғарбий ҳудудлари илк темир даври археологияси

1. Хоразмнинг антик даври археологияси
2. Қадимги кўчманчиларнинг илк темир даври моддий маданияти

Хоразмнинг Қадимги қишлоқларини ўрганишда Бозорқалъа харобаси муҳимдир. Қадимги Хоразм қишлоқларида иморатлар тўғиз қурилган. Айтилса бу даврда уй қўрғонлар пайдо бўлади. Бу даврга оид Дингелжи уй-қўрғони тўлиқ қазиб очилган. Ўрта Осиёнинг қадимий тарихий маданий вилоятларидан бири бўлган ўлка Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Хоразм вилояти, Қорақолпағистон автоном республикаси ва Туркменистон Республикасининг Тошхөвүз вилоятлари ҳудудлари мос келади. Бу ўлка қадимдан мураккаб сиёсат юргизиб, юнонлар давлати таркибига қирмаган. Фақат эллин маданиятининг айрим аломатлари Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари орқали кириб келганлигини кўриш мумкин. Хитой манбаларида келтирилган маълумотлардаги Кангуйлар давлатининг кичик мулкларидан бири бўлган Юеган кўпчилик тадқиқотчи олимлар томонидан Хоразм ҳудуди билан қиёсланади.

Қадимги даврлардан бошлаб Амударёдан бош олган анҳорлар атрофида ҳаёт шаклланиб, аҳоли манзилгоҳлари тараққий этган. Археологик жиҳатдан бу ердаги манзилгоҳларнинг шаҳар шаклидаги йирик ва қишлоқлардан иборат кичик шаклидаги икки тури мавжуд бўлганлиги аниқланган. Ўлкада дастлабки шаҳарлар мил. ав. VI асрдан бошлаб тараққий этганлигини Кўзалиқир ёдгорлиги мисолида гувоҳ бўлиш мумкин. Бу шаҳар аҳамонийлар даврида барпо қилиниб, жанубий ҳудудлар шаҳарлар қурилиш анъанаси асосида барпо қилинган. Кейинги асрда Қалъалигир ўрнида йирик шаҳар шаклланади.

Хоразмликларнинг асосий хўжалиги деҳқончилик бўлган. Деҳқончилик Амударё ва Ақчадарё чиқарилган анҳор сувлари билан суғорилган. Арпа бугдой, тарих экилган. Сопол идишлари Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларига ўхшаш, сўнги даврга оид сопол идишлари тайёрланиши ва шаклига кўра фарқ қилади.

Чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи қабилалар Авестода турлар, юнон тарихчиларининг асарларида скифлар ва массагетлар аҳамонийлар даври ёзувларида эса улар саклар номи билан келтирилган.

Ўрта Осиёнинг дашт ва тоғли районларида яшаган сакларнинг ёдгорликлари Куйи Зарафшон, Амударё, Орол бўйи, Помир ва Тянь-шань тоғларида топилган. Улар асосан мазорқўрғонлардан иборат. Топилмалар бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қуроллар зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қуроллари ва сопол идишлар учрайди.

Сакларнинг мазор-қўрғонларидан от анжомлари учрайди. Геродотнинг маълумотларига кўра сакларнинг хўжалигида йилқичилик асосий ўрин тутган.

Қадимги Юнон ва Рим тарихчиларининг асарларида сакларни учғуруҳи келтирилган. Уларнинг кўпчилигини сака-тиграхуада, яъни ўткир учли кигиз қалпоқ кийиб юрувчи саклар. Улар Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон ерларида яшаганлар. Сака-тиай-тара-дарайа, яъни дарё орти саклари. Улар Сирдарёнинг қуйи оқими ва Орол бўйида яшаганлар. Учунчи гуруҳ саклар Помир тоғлари ва Фарғона водийсида яшаб, сака-хоумоварка деб аталганлар.

Тагискен мазор қўрғони. Бу мазор тўрт бурчак ва халқасимон қўрғон шаклда. Улар илк ва сўнги даврга оид икки гуруҳ қабрлардан иборат. Бугунги гуруҳ қабрлар (мил. ав. IX-VIII асрлар) хомғишдан қурилган бўлиб, кўринишидан қабила қабила оқсоқолига тегишли бўлган. Марҳум олтин ва бронзадан ишланган зеб-зийнат буюмлари, бронза пайконлари, қўлда ва кулолчилик чархида қилинган сопол идишлари билан бирга қўшилган. Сўнги даврга қилинган сопол идишлари билан бирга қўшилган. Сўнги даврга (мил. ав. VII-V асрлар) оид иккинчи гуруҳ қабрларда ҳам кўпгина топилмалар учрайди. Уларнинг ичида сарматларникига ўхшаш қуроллар, от анжомлари, йиртқич ҳайвон шаклидаги топилмалар мавжуд. Сарматлар билан яқин алоқада бўлганлигидан далолат беради. Тагискен мазор-қўрғони сакларга тегишли бўлган.

Сирдарёнинг қуйи оқидамида қадимги ирмоғи Инкар дарё бўйида Уйғарак қабристони топилган ёдгорлик халқа шаклида. Кичик мазор-қўрғонлардаги оддий қабрларда бронзадан ясалган ўқ учлари, сополдан ясалган идишлар учрайди. Катта мазор-қўрғонлардаги сак уруғ ва қабила бошлиқларининг қабрларида қурол -яроғ анжомлари зеб-зийнат буюмлар топилган.

Томди ва Аличур мазор-қўрғонлари, (VI-IV асрлар) шарқий Помирдаги Аличур, Томди мазор қўрғонларидан темирдан ясалган ҳарбий қуроллар: қиличлар, ҳарбий болталар, ханжарлар, бронзадан ясалган ўқлар топилган. Ўқлар баргсимон, икки ёки уч қиррали. Бу даврда ўқлар бронзадан ташқари темирдан ҳам ясалган. Бронзадан зеб-зийнат буюмлари ҳамда думалоқ тагли сопол идишлари ҳам мавжуд. Сакларнинг от анжомлари ва жанговар қуроллари скифларникига ўхшаш бронзадан ясалган санъат буюмларида ҳам катта ўхшашлик бор. Улар бир-бирлари билан доимий маданий алоқада бўлганлар.

Кўчманчиларнинг уйлари ертўла ва чайласимон шаклда бўлган. улар чорва изидан доимо кўчиб юрганликлари туфайли доимий ўтроқ ҳаёт улар учун муҳим роль ўйнамаган. Кўчманчи сак қабилаларининг мазор қўрғонларидаги моддий топилмаларга кўра уларга мулкый тенгсизлик мавжуд бўлган. Лекин

уларда чорва қачон синфий жамият пайдо бўлганлиги ноаниқ. Олимларнинг фикрига кўра, мил. ав. VII-VI асрларда кўчманчилар орасида ҳарбий-сиёсий қабила уюшмалари мавжуд бўлган.

Жанубий Туркменистоннинг антик даври археологияси

Режа:

1. Шимолий Парфия
2. Мурғоб воҳаси (Марғиёна)

Шимолий Парфия. Бу ҳудуд Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари каби Александр Македонский вафотидан бир неча йиллар ўтиб, вужудга келган селевкийлар давлати таркибида бўлган. Мил. ав. 250 маҳаллий юнон зодогони Андрогор селевкийлар давлатидан мустақил бўлиб олгандан сўнг мамлакат мил.ав. 247 йили шимолдан келган кўчманчи дах (даи) ёки даи томонидан босиб олиниб, аршакийлар сулоласи таркиб топади. Археолог олима Л.М. Левина Аршак бошчилигидаги дах (даи) қабилалари миграциясини Сирдарё дельталаридан бирида ривожланган Чирикработ маданият курғоқчилик туфайли инкирози учраши натижаси билан боғлайди. Мил. ав. II асрларда Парфия давлатининг кудрати янада кучайиб, мамлакат чегаралари Сурияга қадар ерларга қадар кенгайиб йирик империялардан бирига айланади. Бу даврда Марғиёна ҳам босиб олиниб, Парфия таркибига киритилади. III асрнинг биринчи чорагида Эронда тобор кучайиб бораётган сосонийлар Парфия давлатига барҳам бериб, Умумий тавсифиШимолий Парфия ва Мурғоб воҳалари босиб олинади.

Умумий тавсифиШимолий Парфия ҳудудининг антик даври ёдгорликларини ўрганиш 1930 йилдан бошланган. Воҳанинг антик даври моддий маданият меросларини ўрганишнинг янги босқичи 1946 йили Жанубий Туркменистон археологик комплекси ташкил этилгандан сўнг бошланади. Ўтган асрнинг иккинчи ярми давомида М.Е.Массон, А.А.Марущенко, Г.А. Кошолёнов, Д.Дурдиев, В.Н.Пилипко ва бошқа археолог олимлар томонидан амалга оширилган турли даражадаги тадқиқотлар давомида барча турдаги археологик ёдгорликлар ўрганилган.

Энг йирик ёдгорликлар сирасига Янги Нисо, Эски Нисо, Кўҳна Каахка, Ярикдепа, Хусравқалъа шу каби қадимги шаҳар харобалари қалъа-қўрғон, деҳқончилик қишлоқлари ёки алоҳида мақсадлар учун хизмат қилган манзилгоҳлар (Эски Нисо, Мансуртепа) аниқланиб, уларда турли даражадаги қазилма ишлари амалга оширилган.

Ҳозирги Ашгабад шаҳридан 18 км. ғарбда жойлашган Янги Нисо нисбатан яхши ўрганилган манзилгоҳлар сирасидаги кўҳна шаҳри харобаси саналиб, ўз даврида сунъий дўнгликда жойлашган арк (4 га. атрофида) ва унга туташ шаҳар (18 га.) ва шаҳар атрофдан ташкил топган қадимги шаҳарнинг учала қисмлари алоҳида муҳофаа деворлари билан муҳофаза қилинган.

Мухим мақсадларда фойдаланилган манзилгоҳлар сирасига кирувчи Эски Нисо эҳтимол Митридат I (мил.ав. 171-138 йй.) ҳукмронлиги даврида барпо

қилинган Парфия хукмдорининг кўриқхона қалъаси-Михрдаткирт (Митридатокерт) ёдгорлиги марказида сарой-ибодатхона мажмуаси ва улар учун хизмат қилган хўжалик ҳамда яшаш хоналари жойлашган. “Квадрат зал”, “Айлана ибодатхона” ва “Минорасимон ибодатхона”лар муҳим ўрин тутати.

Айрим илгаридан режалаштириш асосида аниқ ўлчамда барпо қилинган шаҳар туридаги манзилгоҳлар одатда қалин мудофаа деворлари билан муҳофаза қилиниб, тўғри тўртбурчак буржлар билан таъминланган. Шунингдек, айлана ёки квадрат ўлчамга асосланган манзилгоҳлар қалъа вазифасини бажариб, уларнинг атрофи одатда зичланган тупроқ деворлар (вал) муҳофаза қилинган. Бу даврда асосий қурилиш ашёсини тупроқ ташкил этиб, одатда хом ғишт ва пахса сифатида фойдаланилган. Хом ғиштлар тўғри тўртбурчак ва квадрат ўлчамлардан иборат. Айрим кўтарма деворлар пишган ғишдан барпо қилинган. Иморат томлари асосан ёғоч болор асосида текис, айрим ҳолларда эса гумбаз қилиб, айлана моратлар чодирсимон шаклда ёпилган.

Шимолий Парфиянинг асосий хўжалиги суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик шаклларида иборат бўлган. Ҳунармандчилда биринчи навбатда деҳқончилик иш қуроли ясаш асосий ўрин эгаллаган. Бу даврдаги ҳарбий қарама-қаршилик қурол-яроғлар ишлаб чиқаришга бўлган талабни кучайтириши табиий, эди. Шимолий Парфиянинг нисбатан яхши ўрганилган ҳунармандчилик турларидан бири-кулолчилик сапол парчалари, хумдонлар кўплаб қдгорликларда ўрганилган. Ўрганилган хумдонлар айлана шаклдаги икки ярусдан иборат. Ангоб бериш ва пардозлаш кенг қўлланилган антик даври саполлари юқори сифати билан ажралиб турган. Бу даврда косалар, пиёлалар, кўзалар ва бокалсимон идишлардан фойдаланилган. Антик даврининг охирларида ангоб бериш ва пардозлаш сусаяди. Ангоблар қизил, қизил-жигар ва жигар рангларида иборат. Бу даврда айниқса, тагли бокалсимон идишлар урф бўлган.

Марғиёна. Марғиёна Ўрта Осиёнинг антик даври йирик тарихий маданий ўлкаларидан бири бўлиб, Марғиёна Туркменистон Республикасининг Мурғоб воҳаси ҳудудида жойлашган.

Маълумки, мил ав. 521 йил Фрада бошчилигидаги кўзғалон Доро I буйруғи билан Бактрия подшоси Дадаршиш томонидан бостирилгандан бостирилгандан сўнг Марғиёна ўлкаси Бактрия сатраплиги таркибига киритилиб, мил.ав. II ўрталарида ўлка Парфия давлати томонидан босиб олинганга қадар Юнон-Бактрияси подшолиги таркибида бўлган. Кейинчалик эса II асрнинг биринчи чорагида Парфия давлати вориси сифатида вужудга келган сосонийлар давлатининг таркибида ривожланади.

Ўлканинг Александр Македонский босқинидан кейинги тарихига оид қисқача маълумотлар юнон-рум муаллифларининг асарлари ва кейинчалик хитой манбаларида учрайди.

Марғиёнанинг антик даври моддий маданияти XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги археологияга ҳавасманд олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Ўлка археологиясини илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари иккинчи жаҳон урушидан кейин Жанубий Туркменистон археологик комплекс

экспедицияси (ЮТАКЭ) ташкил этилгандан сўнг бошланади. Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) “Ўрта Осиё археология” кафедраси илмий жамоаси 30 йилдан ортиқ давр мобайнида воҳанинг антик даври маркази бўлган Гяурқалъа ва Эркқалъа ёдгорликларида кенг кўламдаги археологик қазилмаларни олиб борадилар. Мазкур тадқиқот ишларида кафедра археолог олимларидан М.Е.Массон З.И.Усманова, М.И. Филанович ва бошқаларнинг хизматлари катта. Маҳаллий археологлардан Д.Дурдиев ва антикшунос археолог олим Г.А. Кошолонколар ҳам воҳадаги бошқа бир археологик ёдгорликларни ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ўлкада сақланиб қолган антик ёдгорликлар археологик белгиларига кўра қадимги шаҳарлар ва қадимги деҳқон жамоаларининг қишлоқларини ташкил этади. Воҳанинг антик дариға оид манзилгоҳларидан Гяурқалъа, Эркқалъа, Кўхна Кишман, Жинтепа, Такиржатепа, Дурнали ва Девқалъа каби ёдгорликлар археологик жиҳатдан яхши ўрганилган.

Марғиёни маданияти ўзига хос тараққиёт йўналишига эга бўлганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Зардуштийлик асосий диний эътиқод сифатида мавқеи юқори бўлган. Маҳаллий мабудалар култига сиғиниш одатлари ҳам сақланиб қолган.

Моддий маданиятда терракотик ҳайкалчалар намуналаридан муҳим аҳамият касб этадиган санъат тарсапол идишлари тез айлантирадиган чархда ишланган. Ёдгорликлардан темирдан ишланган рўзгор анжомлари, меҳнат қуроллари ва қурол яроғлар ясалган. Шунингдек, зеб-зийнат буюмлари, аёл ва маъбуда тасвирлари берилган терракотик ҳайкалчалар қадимги марғиёналикларнинг бой моддий маданиятидан далолат беради.

Қадимги марғиёналикларнинг асосий машғулоти суғорма деҳқончилик бўлган. Қадимги юнон ва хитой ёзма манбаларида буғдой, гуруч, узум экишганликлари тўғрисида хабар беради. Археологик жиҳатан эса полиз маҳсулотлари этиштирганликлари тўғрисида ашёвий манбалар аниқланган.

Шимолий Бақтриянинг антик даври археологияси

Режа:

1. Антик даври умумий тавсифи
2. Шимолий Бақтриянинг шаҳарлари тавсифи
3. Шимолий Бақтриянинг маданияти хусусиятлари

Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) юришига қадар аҳамонийлар империяси таркиби, мил.ав. 327 йилдан Искандар, кейин селевкийлар таркибидаги сатрапликни ташкил этган. Мил.ав. III аср ўрталаридан юнон зодогонларидан бўлган Диодот селевкийлардан мустақил бўлган Юнон-Бақтрияси давлатига асос солган. Бу даврда (Евтидем, Деметрий, Евкратид) мамлакат ҳудуди Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбига қадар кенгаяди. Айрим илмий фаразларга кўра Сўғд ҳудудлари ҳам ушбу мамлакат таркибда бўлган. Мамлакат маказлашган монархияга айланади. Мил.ав. II асрнинг ўрталарида (Митридат I даврида) ғарбда Парфиянинг қудрати кучайиб, Марғиёна босиб олинади. Сўғд ҳам тахминан мана шу даврларда мустақил сиёсат юрита бошлаган бўлса керак.

Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлигига кўра Бақтриянинг асосий кўпчилик шаҳар ва қишлоқлари Александр Македонский бошчилигидаги юнон кўшинлари юришлари пайтида вайронага айланган. Шимолий Бақтриянинг антик даври археологик ёдгорликлар илк темир даврида бўлгани каби алоҳида ҳудудлар, яъни қадимги анҳорларга атрофида шаклланган микроҳалардан ташкил топиб, уларнинг ҳар бирида асосий манказий манзилгоҳдан ташқари бир неча деҳқончилик қишлоқлари ҳам ўрин олган.

Шимолий Бақтриянинг антик даври йирик иқтисодий, маданий ва мафкуравий марказларидан бири Қадимги Термиз тўғрисидаги нисбатан аниқроқ маълумотлар қадимги ҳинд манбаларида Тармита, арман манбалари Дрмат илк ўрта аср хитой манбаларида Тами номлари билан тилга олинади. Шаҳарнинг қачон пайдо бўлганлиги борасида олимлар орасида айрим илмий қарашлар ва тахмин мавжуд. Шаҳарнинг қадимги ўрни ҳозирги Термиз шаҳридан 12 км шимоли-ғарбида Амударёнинг ўнг соҳилида ҳозирда қалъа номи билан юритиладиган тўғритўртбурчак таҳрига эга бўлган манзилгоҳда пайдо бўлган. Ёдгорликнинг куйи қатламидан аҳамонийлар даврига оид саполлари топиб текширилган. Ибодатхона-монастр мажмуаси, мил.ав. II шимоли-ғарбида Қоратепа ғорсифат ибодатхонаси ва шарқида эса Зурмала ступаси каби буддавийлик диний муассалари барпо қилинади. Улар билан қўшиб ҳисоблаганда шаҳарнинг умумий майдони хийла кенгаяди.

Юнон-Бақтрия подшолиги даврида мудофаа девори билан муҳофазаланган арк пайдо бўлади. Кушонлар даврида шахристон қисми ҳам шаклланиб, алоҳида муҳофаза девори барпо этилади. Сурхондарё вилоят Шўрчи тумани ҳудудида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги Шимолий Бақтриянинг антик даврига оид йирик манзилгоҳ саналади. Манзилгоҳ мил.ав. III асрда шаклланиб, Шахристон кўчаларининг чорраҳасида буддавийлик ибодатхонаси, Умумий тавсифи Шимолий мудофаа девор яқинида маҳаллий маъбудлари ибодатхонаси Шаҳарнинг бошқа бир томонида деворига яқин жойда маҳаллий

мабудлар ибодатхонасининг ўрни аниқланган. Шаҳардан ташқарида унинг қисмида буддавийликнинг бошқа бир ибодатхонаси ва зардуштийлик жамоасига тегишли наус сақланган.

Археолог олима Г.А.Пугаченкова Далварзинтепа манзилгоҳини хитой манбаларида қайд этилган Ходзо шаҳри билан қиёслайди. Шаҳар йирик савдо-иқтисодий, маъмурий ва ғоявий марказ сифатида ўз тараққиётининг чўққисига кушон даврида кўтарилиб, мил.ав. III асрнинг иккинчи ярмида Эрон сосонийларининг ҳужуми туфайли инқирозга учраган.

Денов шаҳридан Манзилгоҳ ичкарасида олдиндан режалаштириш асосида барпо қилинган давлатманд ва оддий шаҳарликлар уй-жойлари ҳамда ҳунармандлар кулоллар маҳалласи ўрганилган. Оддий шаҳарликларнинг содда уйларидан тортиб, ички деворларига бой мазмундаги ранг-тасвирлар ва ўйма ганчли нақшли безаклар бериб ишланган давлатманд шаҳарлик задогонларнинг маҳобатли ва шинам уйлари жойлашган.

Умумий тавсифи Шимолий-шарқда жойлашган шоҳона қабул маросими тасвирларида Айниқса деворларнинг бирида шоҳ ва унинг оила аъзолари ҳамда сарой аҳилларининг суратлари кишини ўзига жалб қилади.

Бошқа бир тасвирда бир неча отлик ва юнон худолари Афина, Геракл ва Никаларнинг кўчманчиларга хос белгиларда акс эттирилган шаклларида иборат ранг-тасвир намуналаридан ташкил топган. Холчаён антик даври юксак маданияти намуналаридан дарак берувчи ёдгорликликлардан бири саналиб, у шарққа томон олд айвонли қлиб қурилган мажмуадан ташкил топган. Айвондан сарой хоналари ва асосий зали кирилган. Хоналарнинг деворлари ички томондан ганч сувоқ қилиниб, уларнинг сиртига дунёвий ва диний мазмундаги ранг-тасвирлар моҳирона дид билан чизилган. Марказий зал деворларининг бирида

Шимолий Бақтриянинг учинчи шаҳар маркази шубҳасиз Ангор тумани ҳудудида жойлашган Эски Термиздан Зартепа манзилгоҳи ўрнида бўлган. куйида Амударёнинг ўнг соҳалида жойлашган уч қисмдан ташкил топган Кофирқалъа (Кампиртепа) қалъа кўрғони манбаларда қайд этилган Пардагви шаҳри билан қиёсланади.

Умумий майдони 17 га. ни ташкил этган ушбу шаҳар олдиндан режалаштирилган лойиҳа асосида барпо қилиниб, атрофи ярим айлана буржлар билан кучайтирилган муҳофаза деворига эга бўлган. Шаҳарнинг асосий кўчаси бўйлаб уй-жой иморатлари жойлашган. Шунингдек Зартепанинг шарқий томонидан буддавийлик ибодатхонасининг ўрни очиқ ўрганилган.

Қўшни Тожикистон ҳудудида ҳам мустакам антик даврига оид шаҳар марказларидан Кейободшоҳ ҳам археологик жиҳатдан ўрганлиган. Шаҳар мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган, девор бўйлаб, ҳамда ҳар бир бурчагида тўғри тўртбурчак шаклидаги миноралар мавжуд. Шаҳарга Юнон-Бақтрия даврида асос солинган.

Шимолий Бақтрия ҳудудига мил. бошларидан Буддавийлик дини кириб келади. Ушбу ҳудуд орқали Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларига кейинчалик шарқий Туркистон орқали Хитойга ёйилади.

Ибодатхона бой деворий суратлар ҳамда ҳайкалчалар билан безатилган улар ичида будда суратлари ва ҳайкаллари алоҳида моҳият касб этади.

Қоратепадан Умумий тавсифи Шимолий шарқида буддаларнинг яна бир ибодатхонаи топилиб, ҳозирги пайтда Файёзтепа номи билан машҳур. Увихара туридаги ибодатхона бўлиб уч қисмдан яъни диний маросимлар ўтказадиган жой, моностир ва хўжалик иморатларидан. Буддавийлик иншоотларидан шунингдек кулолчилик буюмлар, метал буюмлар, брахма, кхарошти, ҳамда юнон алфавитида битилган Кушон ёзувлари ўрганилган.

Кушон даври қишлоқлари ўша давр иқтисодий ҳаётини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Бу даврга оид Термизда Мирзакултепа, Шерободда, Оққўғон, Ангренда Шўртепа каби қишлоқ ҳаробалари очиб ўрганилган. Улар ҳам аниқ режага асосланган. қишлоқлар қишлоқ хўжалигидаги маҳсулотларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш ишлари яхшими йўлга қўйилган.

Бақтрия маданиятини чуқурроқ англашда топиб ўрганилган ҳайкаллар, ҳайкалчалар, заргарлик буюмлари, деворий тасвирлар муҳим аҳамият касб этади. Қиман юкорида келтирилган ҳамда Тахти-Сангин ва «Амударё ҳазинаси» орқали бизга маълум бўлган санъат намуналари турли даврларга оид бўлиб, уларда маҳаллий аҳамонийлар, Эллин, Ҳинд (Гандхара) ва кўчманчилар маданияти анъаналари ўз аксини топган.

Сўғдиёнанинг антик даври археологияси

Режа:

1. Шимолий Сўғд антик даврида
2. Жанубий Сўғд антик даврида

Сўғднинг антик даври тарихи ҳам мураккаб сиёсий жараёнлар билан боғлиқ унинг антик даври археологияси Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари археология ёдгорликлари асосида ўрганилиб кейинги йилларда талай кашфиётлар амалга оширилди. Ўлкада йирик шаҳар марказлари ҳам, қишлоқ туридаги ёдгорликларида ҳам археологик қазилар ишлари амалга оширилган.

Самарқанд Сўғднинг энг йирик шаҳар марказларидан бири ҳозирги Афросиёб ўрнида бўлиб, юнон манбаларида бўлиб Мароканда номи билан тилга олинади. Антик даври маданий қатламлари Афрасиёб, II ва III лар билан белгиланади. Бу даврда шаҳарнинг ўша манбаларда келтирилган барча ҳудудлари (220 га) тўлиқ шаклланади. Шаҳар икки қатор муҳофаа девори (7 метр) билан ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги муҳофаа буржлари ва шинакларига эга. Шаҳар арки (цитадель) (май. 0,5 га) ҳам алоҳида муҳофаа девори билан ўралган. Унга киришдаги чўзиқ шаклда буржлар аниқланган.

Самарқанддаги Қўрғонтепа шаҳар ҳаробаси цитадель, шахристон ва шаҳар атрофи қисмларидан иборат. Цитадели антик даври паҳса деворлари аниқланган. Манзилгоҳда олов ибодатхонаси аниқланган.

Самарқанд Сўғд антик даври санъати намуналари ҳайкалчаларида ўз аксини топган. Улар қўлида мева, гул, ўсимлик ёки идиш ушлаб турган

ҳосилдорлик аёл мабудаларининг ҳайкалчаларидан иборат. Бош кийими ва кийим кечаги турли вариантларида берилган. Мусиқачи аёл ва эркак ҳайкалчалари ҳам учрайди.

Бухорода антик даври йирик шаҳар марказлар яхши ўрганилмаган. қишлоқ типигаги манзилгоҳларнинг икки тури ажралиб туради. Қизилқир I Сеталоқ II, Ромиш ёдгорликлари яхши ўрганилган. Ҳозирги Бухоро шаҳри антик даврда шаклланиб, ўша давр ўрни сақланмаган.

Сўғднинг антик даври тарихи ҳам мураккаб сиёсий жараёнлар билан боғлиқ унинг антик даври археологияси Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари археология ёдгорликлари асосида ўрганилиб кейинги йилларда талай кашфиётлар амалга оширилди. Ўлкада йирик шаҳар марказлари ҳам, қишлоқ туридаги ёдгорликларида ҳам археологик қазилш ишлари амалга оширилган. Самарқанд Сўғднинг энг йирик шаҳар марказларидан бири ҳозирги Афросиёб ўрнида бўлиб, юнон манбаларида бўлиб Мароканда номи билан тилга олинади. Антик даври маданий қатламлари Афросиёб, II ва III лар билан белгиланади. Бу даврда шаҳарнинг ўша манбаларда келтирилган барча ҳудудлари (219 га) тўлиқ шаклланади. Шаҳар икки қатор мудофаа девори (7 метр) билан ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги мудофаа буржлари ва шинакларига эга. Шаҳар арки (цитадель) (май. 0,5 га) ҳам алоҳида мудофаа девори билан ўралган. Унга киришдаги чўзиқ шаклда буржлар аниқланган. Самарқанддаги Қўрғонтепа шаҳар ҳаробаси цитадель Шаҳристон ва шаҳар атрофи қисмларидан иборат. Цитадели антик даври паҳса деворлари аниқланган. Манзилгоҳда олов ибодатхонаси аниқланган. Самарқанд Сўғд антик даври санъати намуналари ҳайкалчаларида ўз аксини топган. Улар қўлида мева, гул, ўсимлик ёки идиш ушлаб турган ҳосилдорлик аёл мабудаларининг ҳайкалчаларидан иборат. Бош кийими ва кийим кечаги турли вариантларида берилган. Мусиқачи аёл ва эркак ҳайкалчалари ҳам учрайди. Бухорода антик даври йирик шаҳар марказлар яхши ўрганилмаган. қишлоқ типигаги манзилгоҳларнинг икки тури ажралиб туради. Қизилқир I Сеталоқ II, Ромиш ёдгорликлари яхши ўрганилган. Ҳозирги Бухоро шаҳри антик даврда шаклланиб, ўша давр ўрни сақланмаган.

Жанубий Сўғдда антик даври йирик марказларидан Еркургон археологик жихатдан яхши урганилган. У кудратли мудофаа тизими ва аниқ режага асосланиб икки қатор мудофаа девори билан ўралган. Ички мудофаа девори 40 га, ташқари мудофаа девори 150 га майдонни ўраб олган. Цитадель шаҳаристоннинг Умумий тавсифиШимолий қисмида жойлашган бўлиб, 90X60 м ҳажмда Цитадель мудофаа девори мудофаа буржлари ва шинаклар билан кучайтирилган. Бу ердан мил. ав. III-IV асрларга оид маъмурий бино ўрни ҳамда III-IV асрларга оид ибдатхона ўрганилган. Қашқадарё воҳасининг шарқида Китоб шаҳрининг қадимги ўрни 40 га ортиқ бўлган. Шаҳарларнинг цитадели (май. 1 дан ортиқ) кулолчилар маҳалласи аниқланган. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрига кўра қадимги Кеш Қанғларнинг жанубий вилояти бўлиб, ёзма манбаларда келтирилган Қанғ-Сусега тўғри келади. Лекин Қашқадарё воҳасининг Кушонлар давлати таркибида бўлган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Қашқадарё воҳасининг шарқида Китоб шаҳрининг қадимги ўрни 40 га ортиқ бўлган. Шаҳарларнинг цитадели (май. 1 гектардан ортиқ) кулолчилар маҳалласи аниқланган.

Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрига кўра қадимги Кеш Кангюй давлатининг жанубий вилояти бўлиб, ёзма манбаларда унинг таркибида келтирилган бешта вилоятлардан бири - Си-сега қиёсланади. Р.Ҳ. Сулейманов мазкур қиёсни бошқа томондан маъқуллайдиган фикрни билдиради. Унинг фикрига кўра Шарқий Оролбўйи ҳудудида яшаган аҳолининг

Лекин, бошқа бир гуруҳ олимлар Қашқадарё воҳаси Кушонлар давлати таркибига кирган, деган фикрларни илгари суришга ҳаракат қилишади.

Хоразмнинг антик даври археологияси

Режа:

1. Антик даври умумий тавсифи
2. Антик даври археологик ёдгорликлари хусусияти

Хоразмнинг антик даври сиёсий тарихи Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлар билан бирдек кечмаганлиги туфайли ўзига хос маданият тараққиёти йўлидан боради. Маълумки, мил.ав. IV асрнинг бошларида ўлка аҳомонийлардан ажралиб чиққандан сўнг мустақил сиёсат юриб, Александр Македонский бошчилигидаги юнонлар таъсирига тушмайди. Ўлканининг кейинги давр тарихига оид маълумотларни манбаларда учрайди. Унда Кангуй давлатининг бешта кичик мулкларидан бири бўлганлиги маълумотлар мавжуд бўлиб, уни замонавий тадқиқотчи олимлар ҳамфикрликда Ургенч билан қиёшлашади. Демак, бу ўлка мил. ав. III асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Кангуй давлати таркибига кирган бўлиши мумкин. Хоразм ҳудудидан милоднинг бошларига оид олд томонида ҳукмдор тасвири ва орқа томонида эса тамға туширилиб зарб қилинган тангалар Кангуйларнинг вассали сифатида ривожланган, деган хулосага келиш мумкин. Беруний келтирган маълумотларга кўра 305 йилда Хоразм африғийлар сулоласи томонидан мустақил бошқарилган.

Ўлканинг бу даврга оид археологияси Хоразм археологик-этнографик экспедицияси (ХАЭЭ) ва бошқа экспедициянинг илмий изланишлар натижасида яхши ўрганилган. Бу давр манзилгоҳларининг қадимгиси аҳомонийлар даври шаҳар ва қишлоқлари тараққиётининг этиши билан боғлиқ. Антик даври жамияти ривожланиши ўлка ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти жадаллашишига олиб келади. Натижада уларнинг маркази сифатида йирик шаҳарларнинг ривожланиши ва янгиларининг пайдо бўлиши содир бўлади. Илгари шаклланган Кўзалиқир ва Қалъалиқир кабилардан ташқари Жонбосқалъа, Тупроққалъа, Турпоққалъа, Қарқизқалъа, Қўйқирилганқалъа, Хазорасп ва бошқа шулар каби шаҳар туридаги манзилгоҳлар тараққий этади. Хоразмнинг бу даврга оид кўхна шаҳарлари Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлариникидан шакли жиҳатдан кескин фарқ қилади. Уларнинг

айримларида арк қисми мавжуд. Шунингдек, шахристон муҳофаа девори атрофида ҳаёт шаклланмаган ва шаҳарда кам ҳоллардагина ҳунармандчилик ишлаб чиқариш мавжуд бўлган. Кейинги йилларда Хазорасп харобаларида амалга оширилган тадқиқот ишлари давомида мазкур белгиларнинг айримлар шаҳар учун хос эканлиги маълум бўлди. Умуман ўлканинг антик даврида маълум режа ва муҳофаа тизими асосланган шаҳар марказлар пайдо бўлади. Йирик шаҳар марказлари учун сарой ва ибодатхона комплекслар, шаҳар ичкарасидаги уй-жой иморатлари ҳосилдир. Хоразмнинг антик даврига оид қўйқирилганқалъа нисбатан яхши ўрганилган ёдгорликлардан бири саналади. Унда ўтган асрнинг 50-йилларида С.П.Толстов тадқиқот ишларини олиб борган.

Йирик шаҳар марказларидан Тупроққалъа Хоразмнинг маданий-маъмурий маркази бўлган. Манзилгоҳдан сарой ибодатхоналар ва уй-жой иморатларининг ўрни очиқ ўрганилган. Лойдан ясалган ҳайкалчалар, хусусан хоразмшоҳлар ва уларнинг аждодлари тасвири тушириб ишланган ҳайкалчалар ва деворлардаги ранг-тасвир намуналари Хоразмнинг қадимги давр санъат намуналаридан дарак беради. Бу ерда саполлар сиртига битилган ёзув намуналари бир томондан қадимги

Қадимги Чоч ва Фарғонанинг антик даври археологияси

Режа:

1. Тошкентнинг антик даври ижтимоий муносабатлари
2. Антик даври археологик ёдгорликлари хусусиятлари
3. Фарғона водийси антик даврида

Тошкентнинг узок ўтмиши ва у қад кўтарган қадимги Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда хилма-хил ҳамда узук-юлуқ тарзда акс этган. Зардуштийларнинг қадимги муқаддас китоби “Авесто”да Сирдарё ҳавзасидаги мамлакат «Турон», аҳолиси эса «тур»-лар деб юритилган. Бу ўлкада тур қавмлари уруғ ва қабила оқсоқолларининг диний ва сиёсий қароргоҳи — Қанғха (Қанға) шаҳри борлиги тилга олинади.

Тошкент ҳақидаги дастлабки аниқроқ маълумотлар миқлоддан аввалги II аср — миқлодий V асрларга мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент вилояти қадимда Ло-юени, Юни, сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган. Бу атамалар (аввалги иккитасидан ташқари) «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охириги «Ши» топоними хитойчада «тош» маъносини англатган.

Миқлоддан аввалги III асрда қадимги Чоч вилоятида ташкил топиб, миқлоднинг III асрларигача ҳукм сурган «Қанғ» («Қанға» ёки «Қанғха») давлати Хитой ёзма манбаларида «Канкия» («Канзюй») номлари билан тилга олинади. Қадимги тохарлар тилида «қанғ» сўзи ҳам «тош» маъносини англатган. Бу давлатнинг пойтахти — Битянь шаҳри бўлиб, у Йоша-Хасарт дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган. Битянь шаҳри Даван (Фарғона

водийси)дан 1510 ли (528 км) масофада бўлган. Битянь шахрининг бизгача сақланиб қолган харобалари маҳаллий аҳоли ўртасида «Қанқатеп» номи билан машҳур (қ. Қанқа). У Тошкентдан 70 км жанубда — Сирдарёга яқин ерда, Охангарон дарёсининг қуриб қолган қадимги ўзани бўйида жойлашган. Археологик маълумотлардан маълум бўлишича, Қанқатеп Миллдан аввалги III асрдаёқ атрофи мудофаа девори билан ўралган ҳамда аркли катта шаҳар бўлиб, майдони 160 гектарга тенг бўлган. Қадимги Қанғ давлатининг фуқаролари ҳам «қанғар», «қанзар», кейинчалик «қанҳи», «қанғли» ёки «қаъни» деб номланган. Улар (қанқалар) ҳиндларнинг қадимги китоби «Маҳабхарата»да сақлар ва тохарлар номлари қаторида тилга олинган.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Тошкентнинг қадимги номи «Чоч» бўлган. Тошкент араблар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида «ч» ҳарфининг йўқлиги боис араб тилидаги асарларда «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадинат аш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» деб номланган. Тошкент ҳақидаги дастлабки маълумотлар маҳаллий олимлар (Хоразмий) ва тарихчи-географлардан Табарий, Истаҳрий асарларида учрайди. Истаҳрийнинг «Китоб ал масолик вал мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар тўғрисидаги китоб»)ида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилади. X асрда ёзилган (муалли-фи номаълум) «Худуд ул-Олам» («Оламнинг чегаралари») китобида «Чоч бу катта вилоят, халқи жанговар ва саҳийдир. У ерда камон ва ўқ - ёй ясалади. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар, айни вақтда подшонинг қароргоҳидир», деб таърифланади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Чоч ўзининг камони Шоший (ўқ-ёйлари) билан машҳурлиги, ҳақида мисралар бор.

Шаҳар «Тошкент» номи билан даставвал XI асрнинг машҳур алломалари — Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида тилга олинади. Беруний «Ҳиндистон» асарида Тошкент номининг келиб чиқиши тўғрисида сўз юритиб, «Тош» сўзи асли туркча бўлиб, Шош кўринишини олган. «Тошканд — тошли қишлоқ демакдир» (Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, Тошкент, 1963, 2-ж., 232-б.), деб изоҳлайди. Маҳмуд Кошғарийнинг маълумоти бўйича, Тошкент XI – XII асрларда «Таркан» деб ҳам юритилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» да Тошкент номи устида тўхталиб, «...асарларда Тошкент номини Шош, баъзан Чоч ёзадилар» деб қайд этади. Бироқ XVI - аср охири ва XVII - аср бошларида Тошкент топоними шуҳрат топиб, унинг қадимги Чоч, Шош ва Бинкат номлари аста - секин муомаладан тушиб қолди. XVII - асрда яшаган тарихчи олим Маҳмуд ибн Вали шундай ёзади: «Шош — Сайхун (Сирдарё)нинг у томонига жойлашган шаҳар ва Туркистон (вилоят)га қарайди... Уни Чоч атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир».

Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиб, шаҳарнинг қад кўтариши шу ўлкада яшаган қадимги чорвадор ва деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги улкан тарихий жараён бўлиб, бу жараён шубҳасиз ўлканинг ўзлаштирилиб, обод этилиши, айниқса, унда чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликларининг ташкил топиши ҳамда ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ривожланиш тарихи билан узвий боғлиқдир. Бу жараённинг

тарихий манзараси ниҳоятда кенг бўлиб, у ёзма манбаларга нисбатан кўпроқ археологик тадқиқотлар воситаси билан тикланмоқдадир. Шунинг учун ҳам Тошкент ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотларнинг натижалари қадимги ва ўрта асрларга оид манбалардаги маълумотларни тўлдириб, уларга аниқлик киритмоқда.

Географик жиҳатдан қулай, иқлими мўътадил бўлган Чирчиқ ва Охангарон водийларида узоқ ўтмишдаёқ чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли яшаган. Археологик ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, милoddан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида кўчманчи чорвадор аҳолининг ўtroқлашуви кучайиб, деҳқончилик кенгая бошлаган. Ҳали суғорма деҳқончилик ва ирригация иншоотлари қуриш имконияти бўлмаган. Тошкентнинг дастлабки деҳқонлари, гарчи дарёнинг асосий оқимидан сув боғлаб олишга қурбилари келмаган бўлсада, лекин, дарё тошқинлари ва адирлардан келган сувлардан ҳосил бўлган ирмоқлар бўйида, табиий заҳоб ерларда деҳқончилик қилганлар. Ҳозирги Тошкентнинг Қорасув, Салор ва Жўн ариғидан суғориладиган жанубий қисмида шундай ибтидоий деҳқончилик маданияти ташкил топган. Тошкентнинг бу ибтидоий деҳқончилик маданиятининг излари даставвал шаҳардан 30 км жанубда Бурганлисой ёқасида топилиб, тадқиқ этилгани туфайли тарих фанида у Бурганли маданияти номи билан машҳур бўлган.

Милилoddан аввалги VI аср — IV асрларда Қорасув, Салор ва Жўн ариғи ёқаларида дастлаб илк қишлоқлар қад кўтарган. Шулардан бири Жўн ариғи бўйидаги Шоштепаннинг остки қатламидан қазиб очилган қалъа харобасидир. 1980—1982 йилларда олиб борилган қазиш ишлари унинг милилoddан аввалги VI аср — IV асрлар ва II — I асрлардаги ривожланиш босқичларини аниқлашга имкон берди. Бир томони Жўн ариғига ёндошган бу қадимги жой атрофи даставвал тупроқ, марза билан ўралиб, қалъа, истехком қиёфасини олган. Шоштепаннинг қадимги аҳолиси чорвачилик (қорамолчилик, йилқичилик, қўйчилик ҳамда туячилик) билан шуғулланган. Қадимги шоштепаликлар жез ва темирдан қурол-яроғ ва асбоблар ясашни, кулолчилик ҳамда тўқимачиликни яхши билган. Шубҳасиз, бу қишлоқларда, кейинчалик Тошкент воҳасида шаҳар маданияти шаклланиб, қадимги Тошкентнинг аста-секин қад кўтаришига замин бўлди.

Милилoddан аввалги II — I асрларда Шоштепада қадимги шаҳар белгилари пайдо бўлди. Қадимги қишлоқ харобалари устида атрофи қалин айланма девор билан ўраб олинган доира шаклидаги қалъа (қўрғон) қад кўтарди. Милодий I — II асрларда суякдан ясалган ёзув таёқчаси (стиль) қадимги Шошда ясаиб ишлатилган. 15 см ли бу суяк қаламнинг бир томони ёзиш учун учли қилиб, иккинчи ўчиргич томони эса қийшиқ кўп бурчак шаклида куракча қилиб ясалган. Бу топилма милod бошларидаёқ Тошкент воҳасида ҳам хаттотлик мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Шоштепадаги археологик обидалар шаҳарнинг мустаҳкам муҳофаа девори, ҳашаматли меъморий мажмуоти, ҳунармандчилик буюмлари, хат-савод ва савдодан далолат берувчи топилмалар милod бўсағасида Тошкент воҳасида шаҳар маданияти ривожланиб, Шоштепадаги қадимги қишлоқ шаҳар

қиёфасини ола бошлаганини кўрсатади. Шоштепани ўрганиш Тошкент ҳудудидан шаҳар маданияти тарихи ҳудди шу даврдан бошланган, яъни унинг ёши 23 асрдан кам эмас деб баҳолашга имкон берди.

Милоднинг I асрига келиб Чирчиқ, Салор, Қорасув бўйларидаги воҳанинг қарийб ярмидан кўпроғи ўзлаштирилиб обод этилган. Салор ёнида жойлашган Чоч шаҳри бу даврда ҳар томонлама етакчи мавқега эга бўлиб, уни муаррихлар ҳақли равишда милоднинг бошларидаги Тошкентнинг асоси деб ҳисоблайдилар. Буюк ипак йўлида жойлашган Тошкент Европа мамлакатларининг Ҳиндистон ва Хитой билан олиб борган турли алоқаларида муҳим роль ўйнаган..

Юқорида ёзма манбаларда номлари келтириб ўтилган шаҳарларнинг замонавий тадқиқотчи олимлар тамонидан ҳозирги пайтда харобалари сақланиб қолинган айрим археологик ёдгорликлар билан қиёслаб, уларнинг ўрнини аниқлашга ҳаракат қилишган. Масалан, кўпчилик олимлар Яксарт (Сирдарё) бўйидаги Александрия ҳозирги Хўжанд ўрнида бўлган, деган фикр билдиради.

Бу ҳудудда антик даврига қадар Бургулик маданиятининг тарқалганлиги маълум. Ўлкада дастлабки шаҳар (Канка) юқорида таъкидланганлиги каби мил. ав. III аср бошларида шаклланади. Мил. ав. II асрда воҳага Сирдарёнинг қуйи оқими ҳудудидан илгари шаҳарсозлик анъаналари билан таниш бўлган қабилаларнинг кўчиб келиб жойлашиши кузатилади. Бу ерда маҳаллий Бургулик, кўчманчи сак қабилалари ва Жетиосар маданияти қисман ўлкага эллин маданияти анъаналарининг кириб келиши билан антик даврида ўзига хос маданият шаклланади.

Археологик жиҳатдан воҳанинг антик даври дастлабки ўрганилган ёдгорликга нисбатан Қовунчи маданияти номи билан юритилади. Қовунчи I (мил. ав. II асрнинг охири-мил. III аср) Қовунчи II (III-IV асрлар). Воҳада антик даврига оид дан ортиқ ёдгорликлар аниқланган бўлиб, улардан 13 таси Ю.Ф. Буряковнинг тахминларига кўра қадимги шаҳар сирасига киради. Улардан Қовунчитепа, Киндиктепа, Шохрухия, Кавардан, Хонободтепа, Қулоқчинтепа, Кугаиттепа, Мингўрик, Шоштепа ва бошқаларни қайд этиш мумкин.

Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашган Шохрухия харобасидир. Унинг қадимги даврдаги томонлари ҳозирги пайтда кўпгина қисмини дарё ювиб кетган ва учбурчак шаклида сақланиб қолган.

Шоштепа манзилгоҳи ибодатхона шаклидаги қурилиш мажмуаси бўлиб, Жетиосар диний иншоотлари билан умумий алоқадорлиги мавжуд. Қовунчи маданиятининг кейинги босқичида Мингўрик манзилгоҳининг шаклланиши кузатилади. Аркда сарой, ҳарбий захира учун мўлжалланган иморат ва бошқаларнинг ўрни аниқланган. Иморатларнинг деворлари турли мазмундаги ранг-тасвир намуналари билан безатилдган.

Воҳа антик даври маданият босқичларини ўрганишда кулолчилик буюмлари муҳим аҳамиятга эга. Дастлабки босқичга оид сопол буюмлар асосан қўлда ясалган. Ковуни II босқичдан бошлаб кулолчилик чархида ясалган сопол буюмлар сони кўпаяди ва шакли ўзгаради. Бандида аввал кўй кейинги босқичда эса буканин боши тасвирланган сопол идишлари пайдо бўлади. Улар аҳолининг хўжалик фаолияти ва ғоявий қарашлари билан анъаналардан иборат бўлган.

Воҳа шаҳарларида амалга оширилган археологик қазилмалар давомида олд томонида Чоч ҳукмдорларининг тасвири ва акс томонида тамға туширилиб, атрофига сўғд ёзуви бериб зарб қилинган бир неча минглаб нусхадаги тангаларнинг гувоҳлик беришича ўлкада саво-ишлаб чиқариш тараққиёти даражаси ниҳоятда юқори бўлганлигини кўрсатади. Умуман Тошкент воҳаси Фарғона, Сўғд ва Хоразмнинг Жеттиосар маданиятлари билан маданий алоқада бўлиб умумий ва ўзига хос томонлари мавжуд.

Фарғона водийсининг антик даври археологиясини илмий жиҳатан ўрганиш XX асрнинг 30-йилларидан бошланган. Ёдгорликлари турли йилларда Б.А.Латынин,, Т.Г.Оболдуева, Ю.А.Заднепровский, Н.Г.Горбунова, Д.Ф.Брыкина, А.Анорбоев, Б.Матбобоев ва бошқа олимлар томонидан археологик жиҳатдан ўрганилган.

Антик даврига оид ёдгорликлари Шўрабашат (мил. ав. IV-I асрлар) ва Марҳамат (I- IV асрлар) босқичлари доирасида ўрганилади. Шўрабашат босқичига оид ёдгорлиикнинг энг йириги ва яхши ўрганилгани шу номдаги манзилгоҳ ҳисобланиб, у Ясси дарёси бўйида жойлашган. Умумий майдони 70 га. дан иборат. Дарёдан ташқари барча томонлари тупроқ уюмидан иборат деворлар (вал) билан ўралган арк манзилгоҳнинг шарқида жойлашган. Бундан ташқари Қорадарё манзилгоҳида археологик тадқиқот ишлари олиб борилган. Унинг майдони 10 га. дан иборат. Моддий маданият намуналаридан кулолчилик буюмлари, ёруғчоқ, тошўроқ, урчукбош ва бошқалар топилган. Кулолчилик идишлари қўлда ва чархда ясалган. Улар нақшлар билан безатилган.

Марҳамат даврига келиб, водийнинг барча ҳудудлари аҳоли томонидан ўзлаштирилади. Бу даврда шаҳарлар сони кўпайиб, турли шаклдаги қишлоқлар пайдо бўлади. Марҳамат манзилгоҳи 40 га иборат.

Asosiy darsliklar va o'quv qo'llanmalari

1. Авдусин Д.А. Основы археологии. М. 1989.
2. Белениский А.М. Бентович И.Б, Болшаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л. 1973.
3. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкенского оазиса. Т. 1982.
4. Древнейшие государства Кавказа и Средняя Азия в раннем железном веке. Средняя Азия в античную эпоху Археология СССР с древнейших времен до средневековья Отв.ред. Г.А. Кошеленко. М. 1985.
5. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахр Отв.ред. д.и.н. Ю.Ф.Буряков. Т.1990.
6. Кабиров Ж. Сагдуллаев А . Урта Осиё археологияси. Т. 1990.
7. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана ВП в. до н.е. –ВП в. н.е. Самарканд-Ташкент, 2000.
8. Толстов С.П. По древним делтам Окса и Яксарта. М. 1962.
9. Филанович М. И. Ташкент. Зарождение и развитие города и городской культуры. Т.,1983.

Қўшимча адабиётлар

- 10.Албаум Л.И. ЖИВопис Афрасияба. Т. 1975
- 11.Античный и раннесредневековые древности Южного Узбекистана Отв.ред. академик АН Уз ССР Г.А. Пугаченков. Т. 1989 .
- 12.Архитектурные памятники Туркменистана. М. 1972.
- 13.Ахраров И. Ремпел Л. Резной штук Афрасияба Т. 1971.
- 14.Булатов М. Мавзолей Саманидов – жемчужина архитектуры Средней Азии. Т. 1978.
- 15.Брей У. Трамп Д. Археологический словарь Пер. с английского. М. 1990.
- 16.Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в ВП-В вв. до н.е М. 1973.
- 17.Воробева М.Г. Дингилдже. Усадба И тысячелетия до н.е. в древнем Хорезме. М. 1973.
- 18.Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Е. В. И др. Далверзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана Отв.ред. Л.И. Ремпел. Т. 1978.
- 19.Древний Мерв Тр. ЮТАКЕ.- Ашхабад 1989. Т. XIX.
- 20.Древняя и средневековая культура Чача. Т. 1979.
- 21.Горячева В.Д. Средневековая городские центры и архитектурные ансамбли Киргизии. Фрунзе 1983.
- 22.ЖИВопис древнего Пянджикента / Отв.редакторы А.Ю. Якубовский и М.М. Дяконов. М. 1954.
- 23.Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы МИА. М. 1962. № 118.
- 24.Исамиддинов М.Х. Хасанов М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшеба. Т. 2000.
- 25.История Бухары. Т. 1976.
- 26.История и культура народов Средней Азии (древность и средние века) Под ред. Б.Г.Гафурова и Б.А. Литвинского. М. 1976

- 27.История Самарканда. Т. 1969.
- 28.Кой-Крылган-кала – памятник культуры древнего Хорезма IV вв. до н.е. –IV в. н.е. Отв.редакторы С.П.Толстов Б.И.Вайнгберг. М. 1967..
- 29.Культура Средней Азии и Казахстана в эпоху раннего средневековья Материалы к Всесоюзной конференции. Л. 1977.
- 30.Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в V-VI вв. до н.е. М. 1973.
- 31.Литвинский Б.А. Зеймал Т.И. Аджина – Тепа Архитектура. Живопись. Скульптура. М. 1971.
- 32.Лунина С.Б. Города Южного Согда в VII-XII вв. Т. 1984.
- 33.Лупшенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда (по материалам памятников Китабского и Яккабагского района): Автореф.дисс. ... канд.ист.наук. Самарканд. 1998.
- 34.Мандельштам А.М. Памятники кочевников кушанского времени в Северной Бактрии Тр. ТАН ИА АН СССР и ИИ им... А. Дониша АН Таджикской ССР. Л. 1975. Т. VII.
- 35.Масон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы МИА.- М. 1959. - № 73.
- 36.Масон М.Е. К проблеме изучения исторической топографии среднеазиатских городов Тр. ЮТАКЕ. Ашхабад 1980. Т. XVIII.
- 37.Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). М. 1976.
- 38.Нилсен В.А., Манакое В.Н. Архитектурный декор памятников Узбекистана. Л. 1974.
- 39.Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма Тр. ЮТАКЕ. М., 1958. Т. VII.
- 40.Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. Т. 1966.
- 41.Пугаченкова Г.А. Древности Мианкаля. Т. 1989.
- 42.Сагдуллаев. А.С. Усадьбы древней Бактрии. Т. 1987.
- 43.Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана: Материалы советско-афганской экспедиции 1969-1977 гг. М., 1977.
- 44.www.хисторй.ру
- 45.www.арчаелогй.ру
- 46.www.арчаелогй.com